

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**


**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САТЫВАЛДЫЕВА ДОНО АБДУРАХМАНОВНА**

**ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА  
БОШҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ  
ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ ҲАМДА  
УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ**

Монография

**ТОШКЕНТ – 2013**



УЎК 657.5  
КБК 65.052

*бухгалтерия ҳисоби*

Сатывалдыева Д.А. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари ҳисобининг назарий ҳамда услубий асослари. Монография. –Т.: Иқтисодиёт, 2013. - 106 бет.

Ушбу монографияда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий ва амалий таклиф ҳамда тавсиялар ўз ифодасини топган.

Монографияда келтирилган таклиф ва тавсиялардан тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятида фойдаланиш, уларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда бошқариш харажатларини самарали назорат қилиш учун зарур маълумотларни шакллантиради. Бу эса, ўз навбатида ахборотлардан фойдаланувчиларни сифатли ҳамда ишончли ахборотлар билан таъминлайди ва харажатлар самарадорлигини оширишга замин яратади.

Шунингдек, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишга онд меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдагиларни такомиллаштиришда методологик асос бўлиб хизмат қилади.


Иқтисод фанлари доктори, профессор А.В. Вахобов таҳрири остида.

Тақризчилар: и.ф.д., проф. А. Ибрагимов,  
и.ф.д., проф. Р. Холбеков

ISBN 978-9943-4021-1-9

УЎК 657.5  
КБК 65.052

10 41893  
291



© "Иқтисодиёт" нашриёти, 2013.

## Мундарижа

<b>КИРИШ</b> .....	3
<b>1-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	7
1.1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш ҳисобининг концептуал асослари .....	7
1.2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишнинг назарий асослари .....	200
<b>2-боб. КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ</b> 32	
2.1. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг дастлабки ҳисоби .....	32
2.2. Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва уларни тақсимлаш амалиёти .....	38
2.3. Корхоналарда давр харажатлари ҳисобининг ҳозирги ҳолати .....	57
<b>3-боб. КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b> 63	
3.1. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишда умумбригада харажатлари ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўллари .....	63
3.2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш .....	71
<b>ХУЛОСА</b> .....	85
<b>ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ</b> .....	89
<b>ИЛОВАЛАР</b> .....	98

## Кириш

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлиги ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ҳамда юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар, шунингдек, ишлаб чиқариш соҳалари жадал ривожланиб келмоқда.

Хусусан, тўқимачилик саноатида ҳам экспортбop рақобатдош маҳсулотлар тайёрлаш, яқуний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплекслари ривожлантирилди. Бу, ўз навбатида, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроқ, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини 2 баробар оширишни таъминлади. Юксак технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Аммо иктисодиётимизнинг самараси ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда ҳали рўй бериб келаётган оқсоқлик ҳолатлари борлиги, биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётганини алоҳида қайд этиш лозим.

Бу борада Президентимиз И. Каримов таъкидлаганларидек, “ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун катта маблағ сарфлаймиз, кўп миқдордаги хорижий инвестицияларни жалб этамиз. Лекин қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фондлардан тўлиқ фойдаланишда, меҳнат самарадорлигини оширишда йўл қўйилаётган камчиликлар маҳсулотлар таннархининг асоссиз равишда ўсиб кетишига олиб келмоқда”<sup>1</sup>. Бундай вазиятларни танқидий баҳолаб, Президент И. Каримов 2012 йил саноатда маҳсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш лозимлигини устувор вазифа қилиб қўйди.

Албатта, бундай устувор вазифаларни амалга оширишда корхоналарни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқаришни замон талаблари асосида ташкил этиш, маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини ошириш, унинг таннархини имкон қадар пасайтириш орқали даромадни максимал даражага етказиш талаб қилинади. Бунда хўжалик юритишнинг янги шакллари ва бошқарув механизмларини чуқур ўрганиш, корхона фаолиятини объектив ҳисобга олиш, яъни ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини тўғри ҳисоблаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини тўғри юритиш, ўз навбатида, маҳсулот таннархини тўғри аниқлаш, моддий, меҳнат ҳамда молиявий ресурслардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Шу боисдан, ушбу корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари таркибини аниқлаш, уларни харажат объектларига тўғри

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2012 йил Ватандош таркиётини янги босқичга кўтарилган йил бўлади. –Т., 2012. -21 б.

тақсимлаш, ҳисобдан чиқаришнинг амалдаги усуллари тадқиқ этилиб, уларда бир қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди.

Шу билан бирга корхоналардаги ҳисоб шакллари ва уларнинг ўз мазмунига кўра, маҳсулот таннархини аниқлашга тўла мослаштирилмаганлиги, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари тўғрисида объектив ахборотларни шакллантириш ҳамда ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятининг чегараланганлиги ишлаб чиқариш фаолиятини бошқаришга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ушбу ҳал этилмаган муаммоларни муваффақиятли бажариш учун уларни иқтисодий ислоҳотлар талаблари асосида такомиллаштириш талаб этилиб, соҳада илмий тадқиқот олиб бориш заруратини вужудга келтирди.

Монографиянинг биринчи бобида иқтисодийetni модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш жараёни, унинг ҳуқуқий ҳамда меъёрий асослари, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари ҳисобининг назарий асослари ёритиб берилган. Бунда асосий эътибор мамлакатимиз бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини таҳлил қилиш, бухгалтерия ҳисобининг ривожланишида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг аҳамияти беқиёс эканлигини алоҳида таъкидлаш билан биргаликда, унинг айрим моддаларини ҳаётда ўз аксини топмаётганлиги ёки айрим моддаларнинг бир-бирига зид келишини очиб берип, иқтисодий тармоқлари корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда I-сонли БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” алоҳида ўрин тутishi ва ушбу стандарт асосида “Тармоқларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи” ишлаб чиқилишига қаратилган.

Монографиянинг иккинчи бобида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг дастлабки ҳисоби, уларни тақсимлаш амалиёти ҳамда ҳисобининг ҳозирги ҳолатидаги муаммолар ўрганилган, шунингдек, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, уларни бартараф этиш юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Монографиянинг учинчи бобида эса муаллиф томонидан корхоналарда ишлаб чиқаришни тапқил этиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш масалалари бўйича илмий ҳамда назарий жиҳатдан асосланган таклифлар, амалий аҳамиятта молик қатор тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ушбу келтирилган хулоса ва таклифлардан тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятида фойдаланиш, уларда ишлаб чиқаришни тапқил этиш ва бошқариш харажатларини самарали бошқариш учун зарур маълумотларни шакллантиради. Бу эса, ўз навбатида ахборотлардан фойдаланувчиларни сифатли ҳамда ишончли ахборотлар билан таъминлайди ва харажатлар самарадорлигини оширишга замин яратади.

Шунингдек, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бухгалтерия ҳисобига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳамда амалдагиларни такомиллаштиришда методологик асос бўлади.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш бўйича тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, бухгалтерия ҳисоби, иқтисодий таҳлил ва аудит соҳасидаги мутахассисликларни ўқитиш, аттестациядан ўтказиш ҳамда малакасини ошириш тизимида, шунингдек, “Молиявий ҳисоб”, Молиявий ва бошқарув ҳисоби” ҳамда “Бошқарув ҳисоби” фанларини ўқитиш жараёнида қўллаш мумкин.

# 1-боб. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

## 1.1. Иқтисодийни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқариш ҳисобининг концептуал асослари

Ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектда бухгалтерия ҳисоби юритилиши шарт, чунки "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги" Қонуннинг 3-моддасида "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган юридик шахслар, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда ундан ташқарида жойлашган шўъба корхоналари, филиаллари, ваколатхоналари ва бошқа таркибий бўлинмалари бухгалтерия ҳисоби субъектларидир", деб белгилаб қўйилган. Шунингдек, ушбу қонуннинг 7-моддасида "Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади"<sup>2</sup> дейилган.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш режали-маъмурий иқтисодийни бозор тизими принципларига ўтказишнинг зарурий элементларидан бири ҳисобланади. Ҳар бир бошқарув тизими маъмурий ёки бозор принципига асосланишидан қатъи назар, тегишли ахборот таъминотга муҳтож бўлади. Ахборотларни йиғадиган, умумлаштирадиган ва ишлов берадиган энг муҳим тармоқдан бири бухгалтерия ҳисобидир.

Ҳисобот маълумотлари маълум бир даврда эришилган ҳақиқий натижаларни акс эттиради. Ҳозирги пайтда барча иқтисодий ахборотнинг деярли 3/4 қисмини бухгалтерия ҳисоби беради"<sup>3</sup>.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида бухгалтерия ҳисоби принциплал равишда бошқа функцияларни бажаради. Бунинг асосий сабабларидан бири шуки, бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик тузилиши ўзгаради ва давлат мулки мулкчилик турларининг фақат биттаси бўлиб қолади, корхонага ўз маблағларини қўйганлиги туфайли корхона фаолиятининг натижасига қизиқувчи қўплаб янги мулкдорлар вужудга келади;

- иккинчидан, корхона рақобат курашида ютуқни таъминлайдиган бошқарув қарорларини қидириб топишга ва ижобий молиявий натижаларга эришишга мажбур бўлади. Шу мақсадда бозор конъюктурасини ўрганади, ўз фаолиятини мустақил режалаштиради, мол етказиб берувчи ва харидорларни қидириб топади, нархларни мустақил белгилайди ва ҳ. к.;

- учинчидан, корхоналар учун бюджетдан молиялаштириш ва давлат кредитини бериш кўп ҳолларда молиявий ресурслар манбаини ташкил этмайди. Шунинг учун корхона рақобат курашида нафақат харидорлар ва сотиш бозорлари учун, балки тижорат банкларининг кредит ресурслари, шунингдек, бошқа доимий инвесторлар маблағлари учун ҳам олиб боради.

Натижада корхонада, бир томондан бошқарув қарорларини қабул қилиш ҳамда бу қарорлар натижаларини баҳолаш учун ўз вақтида ва тўлиқ

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» Қонуни. 1996 йил 30 август. Ўзбекистоннинг янги Қонуналари. №14. - Т.: Адалят, 1996.

<sup>3</sup> Қодирқошов С. Савоит корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. - Т.: Ўзбекистон, 1993. -4-6.

ахборотларга эҳтиёж тугилади. Иккинчи томондан, ўз маблағларини инвестиция қилган (ёки инвестиция қилмоқчи бўлган)ларга корхона тегишли ахборотларни тақдим этиши керак. Шу билан бирга бозор иқтисодиёти шароитида солиқ тўлови ва ажратмаларининг тўғрилиги бўйича давлат олдида ҳисобот бериш зарурати сақланиб қолади.

Корхона фаолияти тўғрисидаги ахборотта қизиқувчи томонлар асосан ички ва ташқи гуруҳларга бўлинади. Ички фойдаланувчиларга корхонанинг бошқарув ходимлари киради. Улар ишлаб чиқариш ва молиявий характердаги турли қарорларни қабул қилади. Чунончи, ҳисобот маълумотларига асосан келгуси йил учун молиявий режа тузади, маҳсулот сотиш ҳажмини кўпайтириш ёки камайтириш, сотиладиган товарларнинг нархлари, корхона инвестиция ресурсларини йўналтириши, кредит олишнинг мақсадга мувофиқлиги ва бошқа тадбирлар бўйича қарорлар қабул қилади. Кўришиб турибдики, бундай қарорларни қабул қилиш учун ўз вақтида тўлиқ тузилган ҳамда аниқ ахборот талаб қилинади, акс ҳолда корхона катта зарар кўриши ва ҳатто банкрот бўлиши мумкин (1.1 - расмга қarang).



1.1 - расм. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчиларнинг гуруҳланиши.



Иқтисодийни модернизациялаш шароитида молиявий ҳисоботнинг ташки фойдаланувчиларини уч гуруҳга бўлиш мумкин: корхона фаолиятидан бевосита молиявий манфаатдор бўлганлар, билвосита молиявий манфаатдор бўлганлар ва молиявий манфаатга эга бўлмаганлар.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ этишнинг асосий мақсади, бухгалтерия тизimini бозор иқтисодиёти талабларига мослаштириш ҳисобланади. Натижада, биринчидан, корхона янги шароитда ҳўжаликни бошқаришнинг самарали ва қулай инструментига эга бўлади, иккинчидан, инвестор ва ахборотдан бошқа фойдаланувчилар қўйилган маблағларни корхона қандай фойдаланаётганини тўғрисида ишончли ахборот манбаига эга бўлади.

Корхона бу янги далил ва воқеаларни ўз вақтида, тўғри ҳисобга олиши, талқин этиши, шу асосда барқарор ривожланиши учун, у маълумотларни йиғиш ҳамда ишлаб чиқишнинг самарали тизимига эга бўлиши керак. Чунки “Бозор иқтисодиёти шароитида ҳисоб корхона маблағларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш жараёнида моддий ишлаб чиқаришни таъкил қилиш, бошқариш ва раҳбарлик қилиш учун жуда муҳим ҳисобланади. Корхона фаолиятининг барча жабҳаларини узлуксиз кузатиб бориш зарур. Корхона ҳўжалик фаолиятида юз берадиган айрим ҳодисаларни кузатиш, ўлчаш ва рўйхат қилиш унинг фаолиятини миқдорларда акс эттиришдан иборатдир. Бу ҳисобнинг асосий мазмунини таъкил этади”<sup>4</sup>. Бу энг аввало бухгалтерия ҳисоби бажарадиган вазифаларда ўз аксини топади.

Ҳозирги шароитда бухгалтерия ҳисобининг вазифалари кенгайиб, мазмунан бойимокда ва у режали иқтисодиёт давридагидек фақат содир бўлган ҳўжалик муомалаларини ҳисобга олиш билан шуғулланмасдан, бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этиш вазифасини бажариши лозим. Аммо бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг вазифалари тўғрисида иқтисодчилар ўртасида турлича фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

О. Бобожонов ва К.Т. Жуманиёзовлар, “Бухгалтерия ҳисоби бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан ҳисобчилик ва статистика функцияларини бажарувчи воситасидан субъектларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни йиғиш, ишлаш ва топшириш қуролига айланади. Бу ахборотдан манфаатдор томонлар ўз ихтиёридаги вақтинча ортиқча маблағларни самаралироқ инвестиция қилиш тўғрисида асослаган қарорлар қабул қилиш учун фойдаланадилар”<sup>5</sup> деб таъкидлайдилар.

А.А.Каримов ҳаммуаллифлигидаги дарслиқда бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари сифатида қуйидагиларни:

“- корхонада содир бўлаётган ҳўжалик муомалаларини ҳужжатларда ўз вақтида расмийлаштириш;

- бухгалтерия ҳисоби ҳисоб варақаларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкый ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисида тўлик ва ишончли маълумотларни шакллантириш;

<sup>4</sup> Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Шарқ, 2004. -13 б.

<sup>5</sup> Бобожонов О., Жуманиёзов К.Т. Молиявий ҳисоб. –Т.: Молия, 2002. -14 б.

- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

- молиявий ҳисоботни ўз вақтида тузиш ва тегишли органларга тақдим этиш<sup>6</sup>ни белгилайдилар.

Россиялик иқтисодчи олим В.М. Швецакая “Бухгалтерия ҳисоби куйидагиларни:

- хўжалик муомалаларини тўғри, тўлиқ ва ўз вақтида ҳужжатлаштиришни;

- моддий, меҳнат ва пул ресурсларининг бутлиги устидан назорат ўрнатиш;

- молия ва тўлов тартиби ҳолати;

- хўжасизлик ва угумсиз харажатларни аниқлаш;

- ҳисоботларни ўз вақтида тузиш;

- корхонани тезкор бошқарувини ташкил этиш ҳамда банк ва солиқ органлари, мол етказиб берувчилар, инвесторлар учун зарур бўлган хўжалик жараёнлари ва корхона фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри маълумотларни шакллантириш;

- ички ресурсларни аниқлаш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлайди<sup>7</sup> деб таъкидлайди.

Шунингдек, В.М. Швецакаянинг ёзишича, испаниялик олим Бартоломео де Салозано ҳам «бухгалтерия ҳисоби барча илим ва санъатлардан юқори туради, чунки унга ҳамма муҳтож, у эса ҳеч кимга муҳтож эмас; бухгалтерия ҳисобисиз дунёни бошқариб бўлмас ва инсонлар бир-бирини тушуна олмас эдилар» деб ҳисоблаган.

Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунининг 2-моддасида “Бухгалтерия ҳисобининг вазифалари сифатида куйидагиларни:

- бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақаларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкый ҳуқуқлар ва мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ҳамда аниқ маълумотларни шакллантириш;

- самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

- молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузишдан иборатдир<sup>8</sup>, деб таъкидлаган.

Юқоридаги муаллифларнинг фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, уларнинг мазмуни бир-бирига анча яқин, шу билан биргаликда муаллифлар бухгалтерия ҳисобининг вазифаларини ҳозирги шароитда анча кенг мушоҳада қилаётганликларини ҳис қилиш мумкин. Шунингдек, улар бухгалтерия ҳисобининг вазифаларини белгилашда жамият тараққиёти ва иқтисодий ривожлантиришда унинг тутган ўрни ҳамда мавқеидан келиб чиқаётганлигига яшонч ҳосил қилиш мумкин. Бухгалтерия ҳисоби ўзига юклатилган

<sup>6</sup> Каримов А.А., Исмолов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Шарқ, 2004. –23 б.

<sup>7</sup> Швецакая В.М. Теория бухгалтерского учета. Учебник –2-е изд. Издательско-торговая корпорация «Дашков и К», 2007. –24 с.

<sup>8</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. –Т., 1996.

вазифаларни бажариши учун тегишли ҳуқуқий-меъёрий асосга эга бўлиши керак.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг маърузаларида “Иқтисодий ислохотни амалга оширишнинг асосий нукталаридан бири бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий негизини яратишдан иборатдир. Аввал бошданок биз ўзимиз учун муҳим сабоқ чиқариб олдик – зарур ҳуқуқий омилини шакллантирмасдан туриб, тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни қабул қилмасдан туриб, ислохотларни амалга оширишнинг ишончли кафолатини амалда яратиб бўлмайди”<sup>9</sup>, - деб таъкидлаб ўтилган. Бу кўрсатма республикамызда бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқмай туриб, унинг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини бошқаришда ўз вазифасини тўлиқ бажара олишига имконият ярата олмаслигини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда ушбу кўрсатма асосида “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонун ишлаб чиқилди ва у 1996 йил 30 августда қабул қилинди.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобининг принципиал янги ҳуқуқий-меъёрий асоси яратилди. Бухгалтерия ҳисобининг ҳуқуқий-меъёрий асоси аҳамиятлилигига қараб, тўрт даражали ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан иборат (1.2- расмга қаранг).

Даража	Даражага кирувчи меъёрий ҳужжатлар
1-даража	Кодекслар Қонунлар Президент Фармонлари Ҳукумат қарорлари
2-даража	Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган БҲМСлари, Низомлар ва йўриқномалар Давлат солиқ қўмитаси томонидан чиқарилган йўриқномалар, тартиблар ва тушунтириш хатлари
3-даража	Бошқа вазирликлар ва давлат идоралари томонидан ишлаб чиқарилган йўриқномалар, услубий кўрсатмалар, тушунтириш хатлари
4-даража	Корхоналар ҳисоб сиёсатини ифодаловчи ички меъёрий ҳужжатлар

1.2- расм. Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар тизими.

Биринчи даражали меъёрий ҳужжатларга Ўзбекистон Республикаси миқёсида барча хўжалик юритувчи субъектларга бирдек тегишли бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар кириди. Булар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, 1999 йилда қабул қилинган «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом» (бундан буён диссертацияда “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низом деб юритилади)

<sup>9</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1995. -29 б.

киради. Бу Низом Ўзбекистон Республикасини бозор иқтисодиётига ўтиши билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ҳисоби ислохотининг энг асосий элементларидан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари, 1996 йил 30 августда қабул қилинган «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини тартибга солувчи қонуний ҳужжатлар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари киради. Ушбу Қонун бухгалтерия ҳисоби ислохотининг асосий элементи бўлиб, турли мулк шаклидаги барча корхоналар, муассаса ва ташкилотларда ягона тартибда ҳисоб юритишни белгилайди, бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига талаблар қўяди ҳамда Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисоби тизимини асосий тамойилларини назарда тутди. Бундан ташқари, у бухгалтерия ҳисоби соҳасида ҳуқуқий асослар, мақсад ва вазифалар, мажбурият ва бурчлар, бухгалтерия ҳисобининг тамойилларини, шунингдек, молиявий ҳисобни тузиш ҳамда матбуотда эълон қилишдек олдига қўйилган талабларни белгилайди.

Бухгалтерия ҳисобини давлат томонидан тартибга солиш бозор иқтисодиёти шароитида халқаро стандартлардаги умумий қабул қилинган талабларга жавоб берадиган бухгалтерия ҳисоби тизимини шакллантиришга йўналтирилган.

Мустақиллик йилларида бухгалтерия ҳисобининг ривожланишида «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти бекиёс эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Шу билан бирга, унинг амалиётга қўлланилиши айрим моддаларининг ҳаётда ўз аксини топмаётганлиги ёки айрим моддаларнинг бир-бирига зид келишини кўриш мумкин.

Масалан, бу тўғрида Ф.Т.Абдуваҳидов хуйидагиларни ёзади: ... ушбу қонуннинг 7-моддаси «Бухгалтерия ҳисобини ташкил этишни тартибга солишга бағишланган. Унда «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг корхона, муассаса ва ташкилот раҳбари амалга оширади, деб белгиланган. Аммо шартнома асосида жалб қилинган бухгалтер хизматидан фойдаланиш эса йўлга қўйилмаган. Бунинг асосий сабаби имзо ҳуқуқи билан боғлиқ, чунки «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси «Имзо ҳуқуқи» деб номланган ва «Раҳбар имзолаш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг иккита рўйхатини тасдиқлайди. Биринчи рўйхатга – раҳбарлик вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради, иккинчисига – бухгалтерия ҳисоби ва молиявий-бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахслар киради. Ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган шахсларнинг имзоси бўлмаган ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди» деб белгилаб қўйилган. Шундай қилиб, қонуннинг 8-моддаси унинг 7-моддасида раҳбарга бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш бўйича берилган ҳуқуқдан фойдаланишга қаршилик қилади<sup>10</sup>. Унинг фикрича, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддаси унинг 7-моддасида раҳбарга бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш бўйича берилган ҳуқуқдан

<sup>10</sup> Абдуваҳидов Ф.Т. Кичик тадбаркорлик субъектларида ҳисоб сифатини шакллантиришнинг назарий ва услубий масалалари. –Т.: Фан, 2006. –48.

фойдаланишга қаршилик қилишини таъкидлайди. Албатта, бу фикр тўла асосга эга.

Қонуннинг 7-моддасида раҳбарга “Бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш” ҳуқуқи берилган. Аммо ҳар қандай раҳбар бухгалтер вазифасини бажара олмайди. Бунинг учун махсус малакага эга бўлган раҳбар бухгалтер вазифасини мустақил бажариши мумкин.

Шунинг учун қонуннинг 7-моддасидаги “Бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш” жумласини “Махсус малакага эга бўлганда бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиш” деган сўз билан алмаштириш мақсадга мувофиқдир. Чунки амалдаги қонунга асосан, ҳар қандай раҳбар бухгалтерия ҳисобини мустақил юритиши мумкин. Шунингдек, бундай ўзгартириш қонуннинг 8-моддасидаги иккинчи имзо ҳуқуқидаги талабни ҳам қондиради. Бу моддада бухгалтерия ҳисоби ва молиявий-бошқарув вазифаларини амалга оширувчи шахслар имзоси бўлмаган ҳужжатлар ҳақиқий ҳисобланмайди деган талабнинг қўйилиши раҳбарнинг бухгалтерия ҳисоби бўйича махсус малакасига ургу берилади. Фикримизча, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуннинг 7-моддасини жаддий таҳрир қилиш талаб қилинади. Чунки бу моддада “Раҳбар қуйидагиларни таъминлаш шарт” деб қуйидагилар белгилаб қўйилган:

- ички ҳисоб ва ҳисобот тизимини ишлаб чиқиши;
- хўжалик операцияларини назорат қилиш тартиби;
- бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва аниқ юритилиши;
- ҳисоб-китоб ҳужжатларининг сақланиши;
- ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланиши;
- солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатлар тайёрланиши;
- ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилиши.

Бу талабларни бажариш учун раҳбар юқорида таъкидланганидек, махсус малакага эга бўлиши зарур. Агар раҳбар махсус малакага эга бўлиб, бухгалтер вазифасини бажарса, ушбу талабларни бажариши лозим. Чунки бу талаблар бухгалтернинг вазифасига кириб, махсус малакани талаб қилади.

Қонуннинг 7-моддасидаги “Раҳбар қуйидагиларни таъминлаш шарт” жумласини “Раҳбар бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш учун етарли шарт-шароит яратилишига масъулдир” деган жумла билан алмаштирилиб, шу жойда, бу моддани “хўжалик юритувчи субъектнинг бош бухгалтери қуйидагиларни таъминлаш шарт” деган жумла билан тўлдириш ва унинг таркибини қуйидагича аниқлаштириш ўринлидир:

- ички ҳисоб юритиш сиёсатининг ишлаб чиқиши;
- хўжалик операцияларини бошланғич ҳужжатларда ўз вақтида расмийлаштирилишини назорат қилиниши;
- хўжалик субъектлари ўртасида содир бўладиган ўзаро ҳисоб-китоб операцияларини ўз вақтида расмийлаштирилиши;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг аниқлиги ҳамда тўғри тузилиши;
- ички ва ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот маълумотларини тақдим этишнинг ҳаққонийлиги ҳамда қонунийлиги;

- бухгалтерия маълумотларининг архивлаштирилиши ва уларнинг сақланиши.

Рахбар бош бухгалтер вазифасини бажарганда ундан юқоридаги вазифаларнинг бажарилиши талаб қилинади. Албатта, бунинг учун махсус малакага эга бўлиши лозим.

“Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонунга бундай ўзгартиришларнинг киритилиши унинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишдаги аҳамиятини оширади ҳамда рахбар ва бош бухгалтернинг вазифаларини аниқлаштиради.

Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи иккинчи даражали меъёрий ҳужжатлар – бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларидир.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига бўлган эҳтиёжни шу нарса тақозо этдики, молиявий ҳисоботни тайёрлашда бухгалтерлар маълумотларни тўғри талқин этиши, ноаниқликлар ва таваккалчиликларнинг олдини олиш ҳамда молиявий ҳисоботлар кўрсаткичларини қиёслаш имконияти вужудга келтирилади.

Бухгалтерия ҳисобининг стандартлари мажмуаси йўқ бўлса, ҳар бир ташкилот ўз стандартларини ишлаб чиқиши керак эди ва молиявий ҳисобот истеъмолчилари ҳисоботларни ўрганишдан олдин ҳар бир корxonанинг ўзига хос стандартларини ўрганиб чиқишга мажбур бўлар эди. Натижада корхоналарнинг молиявий ҳисоботларини қиёслаш имконияти бўлмас эди. Бундай таваккалчиликларни минималлаштириш учун бухгалтерия касби вакиллари умумқабул қилинган ва ҳамма жойда фойдаланиладиган молиявий ҳисобот стандартларини ишлаб чиқишга астойдил ҳаракат қилдилар.

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш билан 29 июнь 1973 йилда ташкил қилинган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича Комитет (МҲХСК) шуғулланади. Бу Комитет ҳисоб стандартларини ишлаб чиқувчи жаҳонда ягона ташкилот ҳисобланади. МҲХСК томонидан ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тавсия хусусиятига эга бўлган ҳужжат бўлиб, бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари ва ҳисобот тузишнинг ягона асоси ҳисобланади. Балки улар корхоналарда бухгалтерия ҳисобини юритишнинг асосий йўлланмаси, алоҳида аниқ муаммо ва уни ечиш йўлларини кўрсатмаган ҳолда бухгалтерия ҳисобининг тамойилларини ақс эттириб, алоҳида давлатлар махсус ташкилотларига халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини ишлаб чиқишга ҳамда корхоналарга ўзининг ҳисоб сиёсатини, бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари ва ҳисобот тузиш учун фойдаланишга имкон яратиб беришидир. Шу боисдан, тадрижийлик билан бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мос равишда, яъни уларнинг талабларини инобатга олиб ва иқтисодиётимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда БҲМСлари ишлаб чиқилган.

1998 йилдан бошлаб, “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонунга асосан Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари қабул қилина бошлади. Ушбу илмий ишнинг ёзилиш санасига Ўзбекистон Республикасида 21 та миллий бухгалтерия ҳисоби стандартлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларининг барчаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган ва улар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертизадан ўтказилган.

Бухгалтерия ҳисобининг миллий ва халқаро стандартларини билиш ҳамда амалда татбиқ қилиш бухгалтерия ходимларига ўз вазифаларини юқори илмий-амалий даражада бажаришга ва ўзининг малакасини оширишга имкон яратади. Миллий стандартлар алоҳида давлатнинг иқтисодий муносабатлари ҳамда аъёналарининг хусусиятини аниқроқ ва тўлиқроқ акс эттиради.

Ҳар бир стандарт қондаларнинг ўзига хос рўйхати бўлиб, хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибини белгилайди ва Ўзбекистон Республикасида бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солуви тизимнинг элементи ҳисобланади.

Ҳисоб ва ҳисобот тизимида бир хиллик ёндашишни таъминлаш, ҳисоб юритиш ҳамда ҳисобот тузишнинг турли усуллари мавжуд бўлган ҳолларда молиявий ахборотларни таққослашни таъминлаш мақсадида стандартлар қабул қилинади. Бухгалтерия ҳисобини юритиш, ишончли ва бегараз молиявий ҳисоботлар тузиш учун бухгалтерия ҳисобининг стандартларига зарур бўлган йўриқнома, методик кўрсатма ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилади.

Иқтисодиёт тармоқлари корхоналарида бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, 1-сонли БХМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда алоҳида ўрин тутди. Чунки ушбу стандарт тармоқ корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш имкониятини беради. Аммо тадқиқотлар ушбу стандарт асосида тармоқ корхоналарининг ҳисоб сиёсатини мукамал ишлаб чиқиш анча муаммо эканлигини кўрсатмоқда.

Бу тўғрида проф. Н.Ю. Жўраев “Тармоқларнинг ҳисоб сиёсати шунинг учун зарурки, чунки умуммиллий ҳисоб сиёсатида иқтисодиётнинг барча тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш имконияти йўқ. Шунинг учун ҳам тармоқларнинг ҳисоб сиёсатида ўша тармоқ корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинади. Бу бухгалтерия ҳисобининг хаддан ташқари марказлаштишга олиб келмайди, балки тармоқ корхоналари ҳисоб сиёсатини шакллантириш учун аниқ йўналиш беради”<sup>11</sup> деб ёзди.

Худди шундай фикрни қозғигистонлик олим К.Т.Тойгапиева ҳам қўллаб-қувватлайди ва шундай деб ёзди: “Бухгалтерия ҳисоби ички тармоқ стандартлари асосида темир йўл транспорти ҳар бир тармоғи корхонасининг ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқиш имконияти пайдо бўлади”<sup>12</sup>.

<sup>11</sup> Жўраев Н.Ю. Реформирование учета и контроля затрат в сельском хозяйстве в условиях формирования рыночных отношений. Автореферат диссертации. –М.: МГУ, 1996. -14 с.

<sup>12</sup> Тойгапиева К.Т. Методологические и теоретические основы управленческого учета логистических затрат (на материалах железнодорожного транспорта Республики Казахстан, Автореферат диссертаций на соискание ученой степени д.э.н. Алматы 2003. -13 с.

Демак, 1-БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” стандарти асосида “Тармоқларнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи” ишлаб чиқилиши лозим. Бунинг учун эса 1-сонли БҲМСнинг кириш қисмини алоҳида бандини мазкур стандарт асосида айрим тармоқлар хусусиятларини эътиборга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда “Тармоқнинг ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисоботи” стандарти ишлаб чиқилади, деб белгилаб ёзиши лозим.

Ушбу стандартда мазкур талабнинг белгиланиши тармоқлар бўйича ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқилишини ҳуқуқий жиҳатдан кафолатлайди.

Тадқиқот натижалари бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархини ҳисоблаш тўғрисида ҳам халузгача турли қарашларнинг мавжудлигини кўрсатмоқда. Бухгалтерия ҳисобига оид дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг муаллифлари эса, маҳсулот бирлигининг таннархи корxonанинг тижорат сирини ҳисобланади. Шунинг учун ҳам у талабаларга бошқарув ҳисоби курсида ўқитилади. Албатта тўғри, бу кўрсаткич корxonанинг тижорат сирини, аммо бу кўрсаткичнинг аниқламасдан туриб молиявий натижаларини тўғри аниқлаш имконияти йўқ. Шунингдек, бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш ва мувофиқлик каби асосий тамойилларини қўллаш имконияти ҳам йўқ. Бу тамойиллар асосида ҳисобот даврида олинган даромадларга мос келадиган харажатлар аниқланади.

Бунинг учун 1-БҲМС “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” стандартининг 31-бандида акс эттириш ва ундаги “ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг бир-бирига мувофиқлиги ушбу даврда мазкур ҳисобот даврида олинган даромадларга асос бўлган харажатларни акс эттиришини билдиради”<sup>13</sup> жумласини қуйидаги таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқдир: “Ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослигини таъминлаш учун маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархи аниқланади”. Ушбу банд ҳисоб сиёсатида маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархини ҳисоблашнинг мажбурлигини белгилаб қўяди. Бу ўз навбатида, юқорида таъкидланганидек, тармоқ ҳисоб сиёсатида маҳсулот бирлигининг таннархини ҳисоблашнинг аниқ усулларини кўрсатишни талаб қилади.

Бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи 3-даражали меъёрий ҳужжатларда аниқ тармоқ корxonаларида “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши лозим. Корxonаларда бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи 4-даражали меъёрий ҳужжат “Корxonанинг ҳисоб сиёсати”да эса, ушбу корxonада ишлаб чиқилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) бирлигининг таннархини ҳисоблашнинг аниқ усуллари белгилаб қўйилиши, бунда тармоқ миқёсида ишлаб чиқилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини ҳисоблаш тўғрисидаги Низомга асосланиши лозим.

Шундай қилиб, маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини ҳисоблаш бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи 2, 3 ва 4-даражали меъёрий ҳужжатлар

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1-сонли “Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот” БҲМС. 1998.



билан тартибга солинади. Бу, уз навбатида, корхонада маҳсулот таннархини ҳисоблаш ва молиявий натижаларни объектив шаклланишини таъминлайди.

1-сонли БҲМС бухгалтерия ҳисобини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади. Ушбу стандартга мувофиқ ҳисоб сиёсатиغا қуйидагича “Ҳисоб сиёсати - хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тузиш учун фойдаланадиган махсус тамойиларни, конвенцияларни, тартиб ва амалий ёндашувларни ифодалайди” деган таъриф берилган.

Бироқ, республикаимиз ва хорижий давлатлар олимлари ҳамда мутахассислари ўртасида ушбу 1-сонли БҲМС тўғрисида турли хил қарашлар мавжудлиги аниқланди.

Масалан, россиялик иқтисодчи олим И.Е.Глушковнинг фикрича, “Корхона ҳисоб сиёсати – корхона танлаб олган бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг йиғиндисидир (хўжалик фаолияти жараёнларини бирламчи кузатиш, қийматли ўлчаш, жорий гуруҳлаш ва якуний умумлаш-тиришдир)”<sup>14</sup>, В.М. Богаченко ва Н.А.Кирилловалар таърифлашича, “Ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия ҳисобини юритиш усулларининг йиғиндисидир”<sup>15</sup>, С.А. Николаева «Корхонанинг ҳисоб сиёсати, ушбу даврда амалда бўлган меъёрий асосларга биноан бухгалтерия ҳисобини юритишнинг услубий ва ташкилий асосларини тартибга солувчи тамойиллар ва қоидалар йиғиндисини ифодалайди»<sup>16</sup>, А.А. Ефремова «Ҳисоб сиёсатини шакллантириш жараёни умумий тан олинган стандартларда бухгалтерия ҳисобини юритиш учун рухсат этилган бир неча усуллардан бирини аниқ танлашни ўз ичига олади.

Агар стандартлар алоҳида масалалар бўйича ҳисоб юритиш усулларини белгиланмаган бўлса, ҳисоб сиёсатини шакллантиришда қонунчилик талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкилот индивидуал усулларини ишлаб чиқиши лозим бўлади»<sup>17</sup> деган тушунча берадилар.

Республикаимиз иқтисодчи олимларидан А.К.Ибрагимов ҳаммуаллифлиги-даги ўқув қўлланмада “Ҳисоб юритиш сиёсати - бу хўжалик субъектнинг фаолиятини тартибга солувчи амалдаги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларда рухсат этилган бухгалтерия ҳисобининг муқобил усуллар ва шакллардан корхона танлаб олган ва эълон қилган бухгалтерия ҳисобининг усуллари ва шаклларининг йиғиндисидир”<sup>18</sup>, Р.О.Холбеков фикрича “Ҳисоб сиёсати – бу бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда умумқабул қилинган меъёрий ҳужжатлар, тамойил ва усулларни хўжалик юритувчи субъект ўзининг хусусиятларига мос ҳолда қўллашнинг ифодаловчи


<sup>14</sup> Глушков И.Е. Бухгалтерский (налоговый, финансовый, управленческий) учет на современном предприятии. Издание 2-М.: Кнорус издательский торговый дом., 2005. -120 с.

<sup>15</sup> Богаченко В.М., Кириллова Н.А. Бухгалтерский учет для ссузов. – М.: ТК Велби. Изд-во Проспект, 2006. - 152 с.

<sup>16</sup> Николаева С.А. Доходы и расходы организации: практика, теория, перспективы. - М.: «Аналитика-Пресс», 2000.

<sup>17</sup> Ефремова А.А. Учетная политика предприятия. -М.: Книжный мир, 2000.


<sup>18</sup> Ибрагимов А.К., Очилов И.К., Қўзиев И.Н., Ризаев Н.К. Молиявий ҳисоботнинг шаклланиши. Т.: “Иқтисод-модия”. 2008. -444 б.



хукукий кучга эга бўлган ҳужжатлар мажмуасидир"<sup>19</sup>, Ф.Т.Абдуваҳидовнинг илмий ишида таърифлашича, "Ҳисоб сиёсати-ҳўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатларда рухсат этилган усуллардан танлаб олинган ҳамда мукобил усуллар кўзда тутилмаган ёки мутлақо мавжуд бўлмаган ҳолларда эса, профессионал мулоҳазага асосланган ҳолда қонунчиликка зид бўлмаган усулларни ишлаб чиқиш тушунилади"<sup>20</sup> деб таърифлашган.

Юқоридаги таърифларга кўра, барча олимлар томонидан билдирилган фикрлар ўринлидир. Бирок, ушбу билдирилган фикрлар ва таърифларда ҳали бу борада ягона фикрга келинмаганлигидан далолат беради. Шу боисдан, ушбу стандартга бизнинг ҳам ўз фикримиз мавжуд.

"Ҳисоб сиёсати – бу ҳўжалик юритувчи субъект томонидан бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузиш учун танлаб олинган аниқ меъёрий усулларни ўзида ақс эттирувчи ҳамда фойдаланувчиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга хизмат қилувчи ички меъёрий ҳужжатлар тизимидир" деб таъриф бериш ўринлидир. 1-сонли БҲМСни қайта кўриб чиқишда ушбу таърифни инобатга олиш фойдадан ҳоли бўлмайди. Чунки ҳисоб сиёсати ячки меъёрий ҳужжат сифатида ҳуйидаги вазифаларни бажариши керак (1.3-расмга қаранг).



1.3-расм. Ҳисоб сиёсатининг асосий вазифалари.

Барча даражали меъёрий ҳужжатдан фойдаланиб, бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади - фойдаланувчиларни ўз вақтида, тўлиқ, ишончли молиявий ва бошқа бухгалтерия ахборотлари билан таъминлашни амалга оширади. Бу мақсадга бухгалтерия ҳисоби ҳисоботида активлар ҳолати ва ҳаракати, мулк ҳукуқи ва мажбуриятлар ҳолатини тўлиқ ҳамда аниқ шакллантириш, самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби

<sup>19</sup> Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубияти. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. 2006. -32 б.

<sup>20</sup> Абдуваҳидов Ф.Т. Кичик таъбиркорлик субъектларида ҳисоб сиёсатини шакллантириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. -Т., 2005. -9 б.

маълумотларини умумлаштириш, молиявий, солиқ ва бошқа ҳисоботларни тузиш йўли билан эришилади.

Харажатларни шакллантириш ҳамда уларнинг ҳисобини ташкил этишда бухгалтерия ҳисобининг назарий асосларини ташкил этувчи усуллар ва унинг услубияти, мутахассисларнинг фикрлари, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар талаблари муҳим аҳамиятга эга. Уларни тўғри қўллаш ва такомиллаштириш ҳисоб тизими сифатини янада оширади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб айрим ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги мавзуимизга тегишли бўлган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларимиз ва таклифларимизни билдираемиз:

- «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом<sup>21</sup> айрим камчилик ва ноаниқликлардан оли эмас. Низомнинг «Б» бўлимидаги 1.1.5 моддасида «... саноатнинг хомашё тармоқлари учун ёғоч-тахта материалларидан ёки фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларнинг амортизация килинадиган қиймати ...» жумласи ўз мазмуни бўйича ўзгартиришни талаб қилади.

- фойдали қазилмалардан (рудадан) фойдаланишга ҳуқуқларини амортизация қиймати мазмунига қараб 1.4. «Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси» кичик бўлимида акс эттирилиши керак.

- Низомнинг ушбу «Б» бўлимидаги 1.2. «Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари»нинг кичик бўлимидаги 1.2.5.2 «Мажбурий таътилда бўлган ходимларга, асосий иш ҳақини қисман сақлаб қолган ҳолда, ҳақ тўлаш», 1.2.5.4 «Давлат вазифаларини бажарганлик учун (ҳарбий йиғинлар, фавқулотда вазиятлар бўйича йиғинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш» моддаларини «Давр харажатлари»нинг «Бошқа операция харажатлар» таркибида акс эттирилиши мақсадга мувофиқдир. Негаки, бу икки хил харажатлар маҳсулот ишлаб чиқариш таъдирини шакллантиришда бевосита ва билвосита қатнашмайди.

- «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомда 1.5. «Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар» бўлимининг 1.5.1.8. баъдидаги «Текин кўрсатиладиган коммунал хизматлар, уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (ёки уй-жой, коммунал хизматлари учун пул компенсация суммаси)» каби харажатни маҳсулот таннархига киритилиши тўғри эмас, чунки ушбу тартиб Низомда берилган таннарх тушунчасига тўғри келмайди. Бу ўз навбатида, маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини шакллантиришдаги камчилик бўлиб, маҳсулот сотишдап олинган ялли фойдани нотўғри ифода қилади.

Шундай қилиб, ушбу таклифларимиз маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари таркибини моддаларга ажратишда, давр харажатлари таркибини гуруҳлаштириш ишларини ташкил этиш ва юритишда яққол намоён бўлади.

<sup>21</sup> ЎзР ВМнинг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларини шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низом //ЎзР ҳуқуқмайтининг қарорлари тўплами, 1999-54 – сон (Қарори, 1999-декабр. – Т.: Ўзбекистон. Адлия вазирлиги, 2000.-15-20 б.

## 1.2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини ташкил этишининг назарий асослари

Корхоналарда махсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлардан ташқари, маълум даражада ишлаб чиқаришни бошқариш ва ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлар ҳам мавжуд. Бундай харажатлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари дейилади. Ушбу харажатлар бўйича иқтисодчи олимлар орасида турли қарашлар мавжуд.

Масалан, профессор С.Қодирхонов фикрича: “Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш (уюштириш) ва бошқариш харажатларига корхона бошқармасида ишлайдиган маъмурий-ҳўжалик ходимларининг иш ҳақи, уларнинг иш ҳақига нисбатан ҳисобланган ижтимоий сугуртага ажратмалари, биноларни иситиш ва ёритиш учун сарфланган электр энергияси, иморатлар ва ҳўжалик ускуналарининг амортизацияси, уларни жорий тузатишга кетган харажатлар ва шу каби харажатлар киреди. Бу харажатлар ўз навбатида, сарфланаётган жойларига қараб, умумишлаб чиқариш (умумцех), умумучастка ва умумҳўжалик (умумзавод) харажатлари ҳамда корхонанинг бошқариш ва хизмат қилиш бўйича умумий харажатларига бўлинади”<sup>22</sup> деб таъкидланган.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари тўғрисида батафсил тушунчага эга бўлиш учун аслида ушбу тушунчанинг иқтисодий мазмунини кенгрок мушоҳада қилмоқлик лозим. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий адабиётларга мурожаат қиладиган бўлсак, ушбу тушунчаларга турли таърифларнинг мавжудлигини кўриш мумкин.

Масалан, И.А.Ақбаров ҳаммуаллифлигидаги “Иқтисодийётта оид қисқача маълумотномада” ушбу тушунчага қуйидагича: “Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳаётга ҳўжалик сиёсатини татбиқ этиш мақсадида энг яхши ҳўжалик ҳисоби натижалари билан давлат ва бошқа буюртмаларни бажариш учун ишлаб чиқаришнинг барча моддий ҳамда меҳнат элементларини вақт макон жиҳатидан мувофиқлаштириш”<sup>23</sup>, деб таъриф берилган.

Кейинги йиллардаги бухгалтерия ҳисобига оид нашрларга назар ташлайдиган бўлсак, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари тўғрисида эмас, балки унинг тарқибий қисмлари умумишлаб чиқариш ва давр харажатлари тўғрисидаги таърифларни учратиш мумкин. Фикримизча, бу охириги ўн йилда бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги ислохотларнинг таъсири бўлса ажаб эмас.

Масалан, Б.А.Хошимов бу тўғрида қуйидагиларни: “... ундан ташқари корхонанинг ишлаб чиқаришига хизмат қилиш ва уни бошқариш учун умумишлаб чиқариш харажатлари қилинади. Уларга хизмат қилувчи ходимларнинг иш ҳақи, умумишлаб чиқариш эҳтиёжларига сарфланадиган меҳнат буюмларининг қиймати (биноларни иситиш ва ёритиш, уларнинг тозаллигини сақлаш ва бошқалар), асбоб-ускуналар, иморатлар ва ҳўжалик

<sup>22</sup> Қодирхонов С. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. –Т.: Ўзбекистон, 1993. –8 б.

<sup>23</sup> Ақбаров И.Т. ва бошқа муаллифлар жамоаси. Иқтисодийётта оид қисқача маълумотнома. –Т.: Меҳнат, 1991.

анжомларининг амортизацияси ва уларни тузатиш харажатлари кабилар кирази”,<sup>24</sup> - деб ёзади.

Бу борада россиялик олим А.А. Раздорожныйнинг фикрича, “ишлаб чиқаришни ташкил этиш - аниқ ижтимоий-иқтисодий шароитда меҳнат билан ишлаб чиқаришнинг моддий элементларини унумли боғлиқлигига қаратилган комплекс тадбирлар йиғиндисиدير. Хўжалик субъектларида ишлаб чиқаришни ташкил этиш вақт бирлиги ичида асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи жараёнларда меҳнат воситалари, меҳнат буюмлари ва меҳнатни ўзини самарали боғлиқлигида моддий неъматлар яратилишиди”,<sup>25</sup> - деб ёзади.

А.А.Каримов ҳаммуаллифлигидаги дарслиқда эса, “Умумишлаб чиқариш харажатлари – асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларини бошқариш, уларга хизмат қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлардир”<sup>26</sup> деб изоҳлайдилар.

Фикримизча, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг иқтисодий адабиётлардаги таърифи, таснифини ҳамда ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги, шунингдек, корхоналар фаолиятидаги таркибини ўрганиш, тадқиқ қилиш уларнинг иқтисодий мазмуни жиҳатидан уч гуруҳдан иборат эканлигини кўрсатди.

Биринчи гуруҳга бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган ҳамда уни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар кирази. Бу харажатларга умумбригада, асбоб-ускуналарни сақлаш ва ишлатиш харажатларини киритиш мумкин. Бу харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлади, улар бир нечта маҳсулот, ишлар ва хизматлар ўртасида тақсимлаш талаб қилинганлиги учун ҳам уларни маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тўғридан-тўғри олиб бориб бўлмайди. Бу харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқ бўлган, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг энг қуйи харажатларидир.

Иккинчи гуруҳга таъминот жараёни ҳамда ишлаб чиқариш босқичларини ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар кирази. Бу харажатлар корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган таъминот ва умумишлаб чиқариш жараёнларини ўз ичига олади. Бу харажатлар ҳам тақсимлаш йўли билан маҳсулот таннархига олиб борилади.

Учинчи гуруҳга кирувчи харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар бўлиб, бу харажатларга давр харажатларини киритиш мумкин. Бу харажатлар корхона фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган умумий харажатлардир.

Фикримизча, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг назарий, ҳуқуқий-меъёрий асосларини ҳамда амалиётини тадқиқ қилиш асосида ушбу харажатларга қуйидагича таъриф бериш ўринли, деб ҳисоблаймиз: “Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари

<sup>24</sup> Хошимова Б.А. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: Янги аср авлоди, 2004. -164 б.

<sup>25</sup> Раздорожный А.А. Организация производства и управление предприятием. -М.: Из-во «Экзамен», 2009. - 16 с.

<sup>26</sup> Каримов А.А., Исмолов Ф., Авлоқов А. Бухгалтерия ҳисоби. – Т.: Шарқ, 2004. – 117 б.

- хўжалик юритувчи субъект фаолиятини узлуксиз ташкил қилиш ҳамда бошқариш учун қилинган бевосита ва билвосита харажатлардан иборатдир”.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил қилиш кўп жиҳатдан харажатларнинг қандай туркумланишига боғлиқ. Иқтисодий адабиётларда харажатларни туркумлашнинг турли вариантлари таклиф қилинади. Афсуски, уларнинг кўпчилигини амалиётда қўллаш мумкин эмас ёки зарур маълумотларни вужудга келтириш имконияти йўқ.

Тўқимачилик ҳамда тиқувчилик корхоналарининг ташкилий технологик хусусиятларини ўрганиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини қуйидагича туркумлаш имкониятини беради (1.2-расмга қarang).

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг бундай тартибда туркумланиши уларнинг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил қилиш имкониятини беради. Шу билан биргаликда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг таркибий қисмларидан ҳисобланган умумишлаб чиқариш ҳамда давр харажатлари тўғрисида иқтисодий адабиётларда турлича фикрлар айтилмоқда.

Профессор С. Қодирхонов фикрича “Умумцех харажатларига цех бошқарув аппаратиининг иш ҳақи, умумцех аҳамиятидаги бинолар, иншоотлар, асбобларнинг амортизацияси, уларни сақлаш ва жорий тузатиш харажатлари, цех характеридаги синовлар, текширув, рационализация ва ихтирочилик харажатлари, ишлаб чиқаришга хизмат қилиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлган меҳнат кавфисизлигини сақлаш харажатлари ҳамда цехларининг ишлаб ёрдамчи ишлаб чиқариш цехларини бошқариш, уларга хизмат қилиш ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан боғлиқ харажатлардир”<sup>27</sup> деб таърифлашади.

А.А. Каримов ҳаммуаллифлигидаги дарсликда умумишлаб чиқариш харажатларини қуйидагича: “Умумишлаб чиқариш харажатлари –асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқаришга хизмат қилиш ва бошқаришга доир бошқа харажатлар киради”<sup>28</sup> деб изоҳлайди.

Иқтисодчи В.Б. Ивашкевич фикрича, “цех харажатларига - цех ходимларининг иш ҳақлари, цех бино ва иншоотларининг амортизация ва жорий таъмирлаш харажатлари, тажриба, тадқиқот, рационализация ва ихтирочилик, арзон ва тез оскирувчи буюмлар оскириши, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ноишлаб чиқариш характериға эга бўлган цех харажатлари киради”<sup>29</sup>, деб ёзади.


Фикримизча, мазкур қарашларнинг маълум чекланган томони шу ердаки, унда айрим муҳим харажатлар ўз аксини топмаган. Хусусан, ишлаб чиқаришни бошқариш билан банд бўлган ходимларнинг иш ҳақларига нисбатан ажратиладиган ижтимоий суғурта харажатлари, асосий ишлаб чиқариш

<sup>27</sup> Каримов А.А., Исломов Ф.Р., Авлоқулов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Шарқ, 2004. - 117 б.

<sup>28</sup> Қодирхонов С. Санъат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Ўзбекистон, 1993. -179-180 б.

<sup>29</sup> Ивашкевич В.Б. Калькулирование себестоимости продукции в отраслях промышленности. –М.: ЮПИТИ, 2002. - 21 с.

фондларини ўрта ва капитал таъмирлаш харажатлари, ёнғиндан сақлаш ва куриклаш харажатлари, табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ жорий харажатлар ва шу қабилар кўрсатилмаган. Бундан ташқари, цех харажатларига давр харажатлари таркибида кўрсатиладиган тажриба, тадқиқот, рационализация ва ихтирочилик харажатлари ноўрин қўшилган.



1.4-расм. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини туркумлаш<sup>30</sup>.

И.Е.Глушков ҳам бу борада ўз фикрини билдириб, “умумишлаб чиқариш харажатлари - бу ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат қилиш харажатларининг бир қисми бўлиб, бундай харажатларга асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари, ишлаб чиқаришга тегишли

<sup>30</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

бўлган асосий воситалар амортизацияси, цех биноларини сақлаш (иситиш, ёритиш, тозалаш) харажатлари, умумишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг иш ҳақлари, иш ҳақларидан ижтимоий сугуртага ажратма ва бошқа харажатлардан иборатдир”<sup>31</sup> деб таъкидлайди.

О.В. Рыбакова ўзининг “Бухгалтерский управленческий учет и управленческое планирование” номли китобида “умумишлаб чиқариш харажатларига ишлаб чиқаришни ташкил этиш, бошқариш ва унга хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлар деб қарайди. Бу харажатлар комплекс характерга эга бўлиб, ўз ичига харажатларнинг турли хил иқтисодий элементларини олиши” айтиб ўтилган<sup>32</sup>.

Хорижий олимларнинг ҳам бу борада турли хил қарашлари ва ёндашувлари мавжуд. Бу борада К. Друриннинг фикрича, “ишлаб чиқариш устама харажатларига ноишлаб чиқариш ишчи кучи харажатлари, ёрдамчи материаллар, эгри ишлаб чиқариш харажатлари киритилади”<sup>33</sup> деб таъкидлайди. Унинг таъкидлашига қараганда ҳисобот даврида устама харажатлар суммасини аниқлаш ва уларни тақсимлаш муаммосини бухгалтер ҳал қилади. Бу тўғри, лекин бухгалтерга иқтисодий асосланган харажатлар тарқиб ва уларни маҳсулотлар ўртасида тақсимлаш тўғрисидаги меъёрий ҳужжатлар тавсия этилиши лозим.

Худди шундай фикр Б. Нидлз, Х. Андерсон, Д. Колдуэлл томонидан ҳам айтилган. Уларнинг фикрича, “умумишлаб чиқариш устама харажатлари - бу ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган, лекин аниқ бир тайёр маҳсулотга бевосита ўтказиб бўлмайдиган турли харажатлар йиғиндисидир”<sup>34</sup> деб изоҳ беради. Ушбу иқтисодчи олимлар томонидан умумишлаб чиқариш устама харажатларига берилган таъриф мазмун жиҳатдан ўз моҳиятига эга бўлса-да, масалани тўғри тушунишга олиб келмайди.

Икки ва ундан ортиқ маҳсулот турларини ишлаб чиқараётган корхоналарда маҳсулот таннархига бевосита ўтказилмайдиган харажатлар тарқибига нафақат умумишлаб чиқариш (цех) харажатлари, балки барча ёрдамчи ишлаб чиқариш (элекгр таъминоти, таъмирлаш устахонаси, завод ичидаги асбоб-ускуналарни асраш ва улардан фойдаланиш ва бошқа) харажатлари ҳам қиради.

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ривожланиб бориши бухгалтерия ҳисобидаги харажатлар мавзусига янгича ёндашишни талаб қилмоқда. Чунки хўжаликнинг ўз хусусиятлари, бухгалтерия ҳисобининг ютуқлари, ахборотга бўлган эҳтиёжлари, манфаатлари ва шу қабилар умумлашган ҳолда масала ечимининг янги кўринишларини вужудга келтирди. Булар эса иқтисодчи олимларнинг турли чиқишларида намоён бўлди (1.2.1-иловага қарапг).

<sup>31</sup> Глушков И.Е. Бухгалтерский (налоговый, финансовый, управленческий) учет на современном предприятии. – М.: Кнорус издательский торговый дом. 2005. -456с.

<sup>32</sup> Рыбакова О.В. Бухгалтерский управленческий учет и управленческое планирование. –М.: Финансы и статистика, 2005. -334 с.

<sup>33</sup> Друри К. Введение в управленческий и производственный учет. –М.: ЮНИТИ, 1998. -35 с.

<sup>34</sup> Нидлз Б., Андерсен Х., Колдуэлл Д. Принципы бухгалтерского учета. –М.: Ф и С, 1994. -496 б.



Тадқиқотлар натижасида олинган хулосаларга кўра, тадқиқот объектлари корхоналари ривожланиши ва ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг умумишлаб чиқариш харажатлари таркибини қуйидагича белгиланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш ходимларининг иш ҳақлари, ижтимоий суғуртага ажратмалари билан;

2) Умумцеҳ аҳамиятидаги бинолар, иншоотлар, асбобларнинг эскириш харажатлари;

3) ишлаб чиқариш жараснига хизмат кўрсатиш харажатлари;

4) ишлаб чиқариш ходимларини хизмат сафарлари, мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари ва уларга ишлаб чиқариш жароҳатлари тўғрисидаги тўланадиган нафақа харажатлари;

5) активларни суғурта қилиш ва кафолатли тузатиш харажатлари;

6) брак ва ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар тўғрисидаги йўқотишлар;

7) маҳсулот (хизматлар)нинг мажбурий сертификация қилиш харажатлари;

8) бошқа харажатлар.

Ушбу харажатларнинг биринчи моддасида тармоқлар бўйича ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқаришда банд бўлган техник, технолог, цех муҳандислари, бошлиқлари ва ҳисоб ишлари билан банд бўлган ходимларнинг иш ҳақлари ҳамда ижтимоий суғуртага ажратма харажатлари ҳисобга олинади.

Ягона ижтимоий тўлов ёки меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ижтимоий суғуртага мажбурий ажратмалар ставкаси ҳар йили ўзгариб, 2007 йилдан 24 фоиз<sup>35</sup>, 2010 дан 25 фоиз<sup>36</sup> қилиб белгиланди. Корхонада ходимлар учун меҳнат ҳақи қанчалик кўп ҳисобланса, ягона ижтимоий тўловга ажратмалар ҳам шунчалик кўпайиб боради. Бу ажратмалар суммасининг асосий қисми бюджетдан ташқари Пенсия фондига ўтказилиб, белгиланган миқдорда бағдлик фондига ва қасаба уюшма федерацияси кенгашига ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрларининг 2007 йилги прогнози” тўғрисидаги 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сонли қарори бўйича 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лавқатсизлиги бўйича тўланадиган нафақалари хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Лекин фойдадан даромад солигини ҳисоблашда ушбу суммага солиққа тортиш базаси қамайтирилади.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомга Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрда ПҚ-532-сонли қарорининг 31-иловасини 6-банди билан киритилган қўшимча бўйича ишлаб чиқариш жараёнида катнашувчи ходимларнинг вақтинча меҳнатга лавқатсизлик,

<sup>35</sup> ЎзР Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози” 532-сонли ПҚ, -Т., 2006 йил 18 декабрь.

<sup>36</sup> ЎзР Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози” 1245-сонли ПҚ, -Т., 2009 йил 22 декабрь.

ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўлаш билан боғлиқ харажатлар 1.5. “Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар” моддасининг 1.5.13 бандида кўрсатилган.

Меҳнатга лаёқатлилигини вақтинчалик йўқотган, ҳомиладорлик ва туғиши бўйича нафақалар олувчи ходимларнинг қайси ишлаб чиқаришда (асосий ишлаб чиқаришда, ёрдамчи ишлаб чиқаришда, умумишлаб чиқариш соҳасида) ишлаётганлиги аниқ бўлганлиги учун вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари суммасини ҳам аниқ тегишли ишлаб чиқариш харажатига ўтказиш керак.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 1.5.13 бандида акс эттирилган харажатлар – бу моҳиятан умумишлаб чиқариш харажатлари бўлиб, ҳисобот даври охирида маҳсулот (ишлар, хизматлар) ўртасида маълум бир кўрсаткичга мутаносиб тақсимланади. Бу ҳол маҳсулотлар таннархини объектив аниқлашни таъминлайди.

Бизнингча, «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 1.5.13 бандини шундай қолдириб, унда умумишлаб чиқариш соҳаларида қатнашаётган ходимларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, ҳомиладорлик ва туғиши бўйича ҳисобланган нафақаларни тўлаш бўйича харажатлар акс эттирилиб, асосий ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган ишчиларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги, ҳомиладорлик ва туғиши бўйича ҳисобланган нафақалар суммасини эса янги очилган 1.2.8. “Асосий ишлаб чиқариш жараёнида қатнашаётган ходимларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўлаш билан боғлиқ харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ” бандида кўрсатилиши керак.

Юқорида келтирилган харажатларнинг иккинчи моддасида умумцех аҳамиятидаги бинолар, иншоотлар, асбобларга хўжалик юритувчи субъект ҳисоб сисъатида кўрсатилган асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш усуллари қўллаган ҳолда аниқланган эскириш харажатлари акс эттирилади.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг учинчи моддасида қуйидаги харажатлар ҳисобга олинади:

- ишлаб чиқаришни хомашё, материал, ёқилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари;
- асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва капитал таъмирлаш);
- ёнғиндан сақлаш ва кўриклаш харажатлари;
- ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар;
- табиатни муҳофаза қилиш мақсадларидаги фондларни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари;
- меҳнатнинг меъёр шароитлари ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришда бевосита қатнашаётган ходимларни соғлигини муҳофаза қилиш харажатлари;

– бепул берилган озик-овқатлар, шахсий фойдаланишда қоладиган буюмлар қиймати (шу жумладан, махсус кийим-бош, овқатлар ёки улар пасайтирилган нархларда сотилиши муносабати билан имтиёзлар суммаси).

– ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

– ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларни тиббий кўриқдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга ҳақ тўлаш.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг тўртинчи моддасида ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича меъёрлар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар, ишчиларни мажбурий ва ихтиёрий сугурта қилиш харажатлари ҳамда ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақа харажатлари ҳисобга олинади.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг бешинчи моддасида ҳўжалик юритувчи субъектнинг ишлаб чиқариш активларини мажбурий сугурта қилиш харажатлари, кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари ҳисобга олинади.

Умумишлаб чиқариш харажатларининг олтинчи моддасида брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар, шувингдек, ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар ҳисобга олинади.

Юқорида келтирилган умумишлаб чиқариш харажатларининг еттинчи моддасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг мажбурий сертификация қилиш харажатлари акс эттирилади. Бошқа харажатлар моддасида юқорида санаб ўтилган харажатлардан бошқа тегишли харажатлар ҳисобга олинади.

Саноат тармоқлари учун таклиф этилган умумишлаб чиқариш харажатлар таркиби куйидаги жиҳатлари билан ўз афзалликларини намоён қилади:

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг "Б" бўлимидаги 1.5. "Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар" моддасида келтирилган барча турдаги харажатларни камраб олган;

– харажатлар ҳисоби бўйича бошқарув ва молиявий ҳисобда узвий бирлик ҳамда ўзаро мувофиқликни таъминлайди;

– харажатлар таркибининг юзага чиқиш шакли ва таркиби республикамизда амал қилаётган меъёрий ҳужжатлар талабларига мос келади;

– харажат моддалари таркибида соддалашган тартиб яққол намоён бўлади. Шу билан бирга иқтисодий тартиб барча тармоқларидаги корхоналарда бошқарув натижаларини шакллантиришда харажатлар таркиби бўйича умумий методологик асос сақланиб қолади.

Корхоналарда харажатларнинг таснифи бўйича кўплаб мезонлар мавжуд. Шу жумладан, сотишдан олинган тушумга бўлган муносабат (ҳисобдан

чиқариш даври) мезони бўйича маҳсулот таннархига киритиладиган харажатлар ва давр харажатларига бўлинади.

Давр харажатларини алоҳида ажратиб ҳисобга олиб бориш зарурати бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш контекстидан ажратмасдан олиб қараш керак, шундагина у тушунарли бўлади.

Давр харажатлари корхона харажатларини ҳисобга олиш тизимида янги кўрсаткич бўлиб, уни ҳисобга олиш бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилиш жараёнида 1995 йили «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом қабул қилингандан сўнг бошланди.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги янги Низом корхона бўлинмалари фаолиятининг самарадорлиги ва ишлаб чиқариш моддий захираларини объектив баҳолаш учун ҳисобда маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатларни давр харажатларига ажратиш имкониятини беради. Ишлаб чиқариш харажатларидан давр харажатларини ажратиб ҳисобга олишнинг асосий мақсади шундаки, давр харажатлари ишлаб чиқариш қийматиغا, захирага ва кейинги ҳисобот даврига ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқаришга ўтказилмайди. Шу боисдан, бугунги кунда иқтисодчи олимлар томонидан давр харажатлари тушунчасига ҳам турлича ёндашувлар мавжуд.

Хусусан, И.В. Завалишина ўзининг “Бухучет по новому...” китобида берган изоҳига кўра, “давр харажатларига бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар киради. Яъни бу бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш бўйича харажатларни қўшган ҳолда бошқа умумҳўжалик харажатларидир”<sup>37</sup>. Муаллиф давр харажатлари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажмига боғлиқ эмаслигини, лекин бу харажатлар корхона даромадларини олиш жараёнида содир бўлганлиги, ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мувофиқлиги тамойилига асосан шу ҳисобот даври харажатларига ўтказилишини кўрсатиб ўтган.

Ф.Ғ. Гуломованинг таъкидлашича эса, “давр харажатлари корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш фаолияти билан боғланмагани, лекин маҳсулотлар, иш, хизматлар сотиш бўйича асосий фаолият билан боғлангани учун улар операцион харажатлар деб аталади. Улар ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ёки товар ҳажмига боғлиқ эмас, аксинча, вақт, хўжалик фаолиятининг қанча давом этиши билан кўпроқ боғлиқ. Шунингдек, ушбу харажатлар улар пайдо бўлган ҳисобот даврида йиғилади ва ҳисобдан чиқарилади”<sup>38</sup> дейилган.

Иқтисодчи олим Ш.М. Эргашев давр харажатларига қуйидагича таъриф беришни таклиф қилади: “Давр харажатлари – такрор ишлаб чиқариш жараёни фаолиятини, узлуксизлигини таъминлаш, бошқариш ва корxonани умумий тартибга солиб туриш билан боғлиқ тўғридан-тўғри молиявий натижа ҳисобидан қопланадиган сарфлардир”<sup>39</sup>.

<sup>37</sup> Завалишина И.А. Бухучет по новому... – Т.: Издательский дом “Мир экономики и права”, 2004. – 86 с.

<sup>38</sup> Гуломова Ф.Ғ. Бухгалтерия ҳисоби бўйича илмий таълим учун қўлланма. – Т.: “Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи, 2000 й. – 247 б.

<sup>39</sup> Эргашев Ш.М. Давр харажатлари ҳисоби ва таҳлили. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. – Т., 2008, -10 б.

Юқорида келтирилган иктисодчи олимларнинг давр харажатлари тўғрисидаги фикрлари “Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида”ги Низомда ифодаланган қоидага тўлиқ ёндашилган ҳолда эътироф этилган. Жумладан, Низомнинг Б-булимиянинг 2-бандида давр харажатларига қуйидагича: “Давр харажатлари деганда бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва сарфлар тушунилади: бошқарув харажатлари, махсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар” деб таъриф берилган.

Сотиш харажатлари ишлаб чиқарилган махсулот (ишлар, хизматлар)ни истеъмолчиларга етказиб бериш жараёни давомида юзга келадиган сарфларни ифодалаб, бевосита сотиш билан боғлиқ харажатларни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу харажатлар «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 2.1. “Сотиш харажатлари” параграфида келтирилган. Аммо ушбу параграфнинг 2.1.2. бандида келтирилган харажат моддалари фақат савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун назарда тутилган бўлиб, саноат корхоналаридаги сотиш харажатлари кўзда тутилмаган. Шу билан бирга 2.1.2. бандида “шу жумладан” деб келтирилган

- 2.1.2.1. Низомнинг 1,2-бандида санаб ўтилган, махсулот (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан боғлиқ меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, маъмурий-бошқарув ходимларидан ташқари.

- 2.1.2.2. Низомнинг 1,3-бандига мувофиқ, 2.1.2.1. бандга тегишли бўлган ижтимоий сугуртага харажатлар.

- 2.1.2.4. Низомнинг 1,4-бандига мувофиқ асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси” бандлари ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари, ижтимоий сугуртага ажратмалар, асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси ҳисобланиб, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига тегишли эмаслигини кўришимиз мумкин.

Бизнингча, «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 2.1. “Сотиш харажатлари” параграфини барча хўжалик юритувчи субъектлар амалиётида фойдаланишлари учун харажатлар таркибини аниқлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Маъмурий харажатлар таркибида хўжалик юритувчи субъект фаолиятини бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар акс эттирилади. Уларга қуйидаги харажат моддалари ажратилган: бошқарув ходимларига ҳисобланган иш ҳақи ва ижтимоий сугуртага ажратмалари, хизмат енгил автотранспортини ижарага олиш харажатлари, хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркибий бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари, бошқарувнинг техник воситаларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари, Интернет ва шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун ҳақ тўлаш, асосий воситаларни сақлаш ва эскириш (амортизация) харажатлари, юқори ташкилотлар харажатларига ажратмалар, ходимларни ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган мол-мулкни мажбурий ва ахтиёрый сугурта қилиш харажатлари, бошқарув ходимларини хизмат сафарларига юбориш

бўйича харажатлар, вакиллик харажатлари ва бошқа бошқарув хусусиятига тегишли бўлган харажатлар киради.

Бошқа операция харажатлар корхоналарнинг операция фаолияти давомида юзага келадиган турли хилдаги сарф-харажатларидан иборат. «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг ушбу бўлимидаги 2.3. бандида бошқа операция харажатлар таркибига кирадиган харажат моддалари батафсил келтирилган. Биз уларнинг айримларига тўхталиб ўтишни лозим топдик.

«Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 2.3.9.4. “Ходимларга тўланадиган моддий ёрдам” моддасида, жумладан, уй-жой қурилиш кооперативига дастлабки тўлов учун ходимларга бериладиган бепул моддий ёрдам, кооператив ва яққа уй-жой қурилиши учун олинган кредитни қисман қайтариш, турар-жой шароитини яхшилаш, уй хўжалиги учун зарур бўлган буюмларни сотиб олиш ва бошқа ижтимоий эҳтиёжлари учун бериладиган моддий ёрдамлар акс эттирилади.

2.3.15.4. “Идишларга доир ишлар бўйича зарарлар” моддасида қайтариладиган ва кўп марта ишлатиладиган идишларни таъмирлаш харажатлари, шунингдек табиий эскириш натижасида ҳисобдан чиқарилган идишлар қиймати ва бошқалар акс эттирилади.

Бошқа операция харажатлар таркибига 2.3.15.7. “Қонунчиликка мувофиқ даъво билдириш муддати ва ундириш нореал бўлган бошқа қарзлар бўйича дебиторлик қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар билан ҳисоб-китоблар бўйича тўланиши даргумон бўлган қарзларни ҳисобдан чиқаришдан кўрилган зарарлар” киради. Бу моддада олдин ундириб олиш ҳал қилинган, кейин жавобгарнинг тўлаш учун қурби етмаганлиги тўғрисида суд томонидан қайтарилган ижро ҳужжатлари, камомад ва ўғрилиқлар суммаси ҳам акс эттирилади.

Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар муомалалари бўйича кўрилган зарарлар бошқа операция харажатлар таркибига киритилиб (2.3.15.8 банд), унда олдинги йилларга тегишлилиги ҳужжатлар билан исботланган, ҳисобот йилида аниқланган муомалалар ҳисобга олинади. Бундай муомалалар ҳисоб-китоби олдинги йилларда тугаган буюртмалар бўйича қўшимча ҳисоблашим, маҳсулотлар учун харидорга олдинги йилларда олинган тушумлар бўйича қайтарилган суммалар ва шунга ўхшаган ҳисоблашимлардан иборат.

Ҳисобот йили фойдасини камайишига олиб келган ва ҳисобот йилида аниқланган бухгалтерия ҳисобидаги хатоликлар жорий йилда ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллар зарарларидек акс эттирилади.

Бошқа операция харажатлар таркибига киритилиб 9430 “Бошқа операция харажатлар” счегида ҳисобга олинмадиган харажатлар «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг 2.3. параграфидан кенг ёритилган.

Юқорида келтирилган давр харажатлари таркиби ҳуйидаги жиҳатлари билан ўз афзаллиқларини намойён қилади:

– «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низомнинг "Б" бўлимидаги 2-«Давр харажатлари» моддасида келтирилган барча харажатларни ўз ичига олган;

– бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (21-БХМС) "Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий- хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома"га мувофиқлигини таъминлайди;

– давр харажатларини бундай гуруҳлаш ва ҳисобга олиш солиқ солинадиган фойдани тўғри кўрсатиш кафолатини беради;

– давр харажатлари унсурларининг ҳар бири сотишдан олинган ялпи фойдага қайси даражада таъсир этганини яққол кўрсатади.

Тадқиқот натижаси куйидаги харажатларни давр харажатлари таркибидан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади:

1. Ишлаб чиқарилган маҳсулотни ўраб жойлаш, маркировка қилиш, дизайн бериш, тахлаш, қошлаш, юклашга тайёрлаш харажатлари бевосита ишлаб чиқариш жараёнини давом этишидир. Бу харажатлар кўпгина ҳолларда маҳсулот оморга қабул қилгунга қадар қилинади ва ўзгарувчан харажатлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ушбу харажатларни давр харажатларидаги "Сотиш харажатлари" сифатида ҳисобга олиш асоссиздир. Фикримизча, ўзгарувчан харажатлар маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархида ҳисобга олинishi лозим.

2. Бошқарув ходимларининг хизмат сафари харажатларини тўлиқ маъмурий харажатлар таркибида ҳисобга олиш асоссиздир. Сабаби агар бошқарув ходимларининг хизмат сафари ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлса, ушбу харажатлар маъмурий харажатлар таркибига олиб борилмасдан, тайёрлов таъминот бўлими харажатлари таркибига киритиш лозим.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бошқарув ходимларининг хизмат сафарлари 60 %га яқини ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ эканлигини кўрсатди. Яъни, хомашё, эҳтиёт қисмлар ва бошқа ишлаб чиқариш учун зарур материалларни олиб келиш билан боғлиқ бўлган харажатлардир. Шунингдек, хизмат сафари харажатларининг асосий қисми янги техника, машиналар, ускуналар ва технология харид қилишга сарфланган. 5-БХМС га мувофиқ, бу харажатлар сотиб олинган асосий воситаларнинг дастлабки қийматида ҳисобга олинishi лозим.

3. Лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни тузатиш харажатларини "Бошқа операцион харажатлар" (2.3.2 пункт) таркибида ҳисобга олиш Низомда белгиланган. Аммо, "лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни тузатиш харажатлари" 21-БХМСга мувофиқ 0800 счётда ҳисобга олиш ва асосий воситаларнинг дастлабки қийматига киритилиши назарда тутилган.

Фикримизча, "Лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни тузатиш харажатларини" ҳам 0800 счётда ҳисобга олинishi лозим.

## 2-боб. КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

### 2.1. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг дастлабки ҳисоби

Тикувчилик ва трикотаж ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини самарали бошқариш кўп жиҳатдан ахборот таъминотига боғлиқ. Ахборотлар таъминотининг тулақонли ҳал қилиниши корхонада ташкил қилинган дастлабки ҳисоб ва ҳисоботнинг ҳолати билан бевосита боғлиқ. Чунки бозор муносабатларига ўтилиши билан корхона фаолиятини ҳисобга олишни ташкил қилишда, айниқса, дастлабки ҳисоб масаласида ҳўжалик юритувчи субъектларга жуда кўп ҳуқуқлар берилган. Дастлабки ҳисобни ташкил қилишда қўлланиладиган дастлабки ҳисоб шаклларини ишлаб чиқиш масаласи, ҳужжатлар айланиши ва ички ҳисобот шаклларини ишлаб чиқиш масаласида корхоналарга етарлича ҳуқуқ ҳамда имкониятлар берилган.

Тикувчилик ва трикотаж ишлаб чиқариш корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини ҳисобга олиш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, энг аввало, ушбу жараёнда қўлланиладиган дастлабки ҳисоб шакллари ҳаддан ташқари кўп. Шунингдек, ушбу харажатларнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда эса турли ҳужжат шакллари қўлланилади.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Ramel tekstii» МЧЖ ХК дастлабки ҳисоб амалиётини ўрганиш ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг объекти алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди (2.1-расмга қаранг). Харажатларнинг учта: қуйи, ўрта ва юқори бўғинга бўлиниши, уларда амалга ошириладиган ҳўжалик муомалалари тегишли дастлабки ҳужжатлар билан расмийлаштиришни тақозо этади. Бугун энг аввало, ҳар бир бўғинда амалга оширилувчи фаолият ва улар билан боғлиқ харажатларнинг дастлабки ҳисобини ташкил қилишни белгилаш асосий омил ҳисобланади.

Қуйи бўғиндаги фаолият асосан звено ва бригадалар фаолияти билан боғлиқ. Бу бўлинмалар ишлаб чиқаришнинг дастлабки бўғини бўлиб, уларнинг фаолияти ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг бошланиши ҳисобланади ва бу харажатлар маҳсулотнинг технологик ҳамда бригада таннархида ўз аксини топади. Ўрта бўғин харажат объекти корхоналарнинг ташкилий-технологик хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, улар асосан цехларда, айрим тармок корхоналарида эса ишлаб чиқариш жараёни босқичлари, яъни таъминот, ишлаб чиқариш босқичлари харажатларини оператив бошқариш ҳамда назорат қилиш билан боғлиқ. Чунки ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари цехлар бўйича юритилади. Ушбу харажатлар ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ ҳисобланиб, маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархида ўз аксини топади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари ишлаб чиқариш жараёни босқичлари бўйича ташкил қилинади. Ҳар бир босқичда вужудга келадиган харажатлар ўша бўлинмалар хизмат ва маҳсулот таннархига



қўшилиши лозим. Бу ўз навбатида, харажатларни ҳисобга олишда расмийлаштириладиган ҳужжатларни белгилашни талаб қилади.



2.1-расм. «Ramel tekstil» МЧЖ ХКда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг дастлабки ҳисоб объекти<sup>40</sup>.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг юқори бўгин объектида қўлланиладиган дастлабки ҳисоб ҳужжатлари эса уларда вужудга келадиган харажатлар характериға боғлиқ.

Юқори бўгин харажат объекти, асосан корxonани бошқаришнинг энг юқори даражаси билан боғлиқ. Аммо, бу дастлабки ҳисоб ҳужжатларини нафақат корxonанинг ўзида, балки уларнинг кўнчилиги корxonадан ташқарида ҳам тузилишини талаб этади. Шунинг учун ҳам юқори бўгин харажатларини ҳисобга олишда расмийлаштирилган ҳужжатларни текшириш алоҳида тартибда амал қилади ва уларнинг туғрилигини текшириш бошқа ҳужжатлар билан таққослашни тақозо этади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг қуйи бўгинлари таркибини ўрганиш уларнинг асосан ишлаб чиқариш жараёни билан ўта яқин алоқада эканлигини кўрсатди ҳамда уларни асосан уч гуруҳга бўлиш мумкин (2.2- расмга қаранг).

2.2- расмда иш ҳақи ва унга нисбатан қилинган ажратмалар бригадир, мастер ва бошқа умумбригада микёсидаги ишлар билан пуғулланувчи ходимларга ҳисобланган иш ҳақи харажатларидан иборат бўлиб, бу харажатларни бевосита маҳсулот танвархига олиб бориш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам бу харажатлар дастлабки ҳужжатларга асосланган ҳолда бригаданинг

<sup>40</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

тақсимланадиган харажатлари таркибида ҳисобга олинади. Моддий харажатлар ҳам бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланмасдан умумбригада мақсадлари учун сарфланиб ишни ташкил қилиш ва бошқариш билан бевосита боғлиқ харажатлардир. Шунинг учун ҳам бу харажатлар иш ҳақи ва унга нисбатан қилинган ажратмалар каби бригаданинг тақсимланадиган харажатлари таркибида ҳисобга олинади.



2.2- расм. «Ramel tekstil» МЧЖ ХКда куйи бўғин харажатлари дастлабки ҳисобининг ўзаро боғлиқлиги.

Иш ҳақи ва унга нисбатан қилинган ажратмаларни ҳисоблашда “Иш вақтини ҳисобга олиш табели” ва бригада аъзоларининг бажарган иш ҳажмларини ҳисобга олувчи дастлабки ҳужжатлар - “Нарядлар”, “Бажарилган иш ҳажмини ҳисобга олиш варакаси” ва бошқа ҳужжатлар асос бўлади. Чунки бригадир ва мастернинг иш ҳақи ўрнатилган ойлик окладни бригаданинг режа бўйича ўрнатилган иш ҳажмини қай даражада бажарганлигига қараб белгиланади.

Моддий қийматликлар сарфи учун эса улар сарфланаётганида тузиладиган дастлабки ҳужжатлар – лимит-забор карталари, юк хатлари, далолатномалар ва бошқа ҳужжатлар асос бўлади. Хўжалик муомаласининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда дастлабки ҳужжат шакллари белгиланади. Масалан, ой мобайнида кўп марта сарфланувчи моддий қийматликлар учун (ёқилги ва мойлаш материаллари учун) лимит-забор картаси тузилади. Бир неча марта сарфланадиган материаллар учун юк хатлари, хўжалик инвентарлари ва жиҳозлари учун далолатномалар тузилади.

Машина-ускуналарни сақлаш ва ишлатиш харажатлари – цех бўйича уларнинг ичида эса, харажат моддалари бўйича ҳисобга олинади. Ҳар бир цехдаги машина-ускуналарни сақлаш ва ишлатиш харажатларини фақат шу цехнинг маҳсулот таннархига ўтказилади. Булар бўйича тузиладиган дастлабки ҳужжатлар ҳар бир цех бўйича эскириш ҳисоблаш қайдномаси, нуҳсонлар қайдномаси, лимит-забор карталари, юк хати ва бошқа ҳужжатлар тузилади.

Бошқа харажатларга цехларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш билан боғлиқ харажатлар киради. Улар ушбу харажатлар объектига кўра тақсимланади ва маҳсулот таннархига ўтказилади. Бу харажатларни расмийлаштиришдаги дастлабки ҳужжатларга далолатномалар ва билдиришномалар киради.

«Ramel tekstil» МЧЖ ХК ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг ўрта бўғин объекти иқтисодий мазмуни жиҳатидан корхоналарнинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти билан узвий боғлиқдир. Ўрта бўғин харажат объекти иқтисодий адабиётларда умумишлаб чиқариш харажатлари сифатида эътироф этилади. 21-БҲМСда ҳам ушбу харажатлар умумишлаб чиқариш харажатлари сифатида қатъий белгилаб қўйилган ҳамда уларнинг таркиби ва ҳисобга олиш тартиби ўрнатилган.

Аммо ушбу харажатларнинг таркибини ўрганадиган бўлсангиз улар корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғлиқ, лекин уларни маҳсулот (иш, хизматлар) таннархига бевосита олиб бориш имконияти йўқ. Шунингдек, ушбу харажатларнинг бир қисми ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш билан боғлиқ бўлганлиги учун цех ва бўлимларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархига тақсимлаш йўли билан киритилиши зарур.

Ўрта бўғин харажатлари таркибидаги бундай ўзига хослик уларни ҳисобга олишда қўлланиладиган дастлабки ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Ўрта бўғин харажатлари таркибида ҳисобга олинаётган машина ва ускуналарни сақлаш ҳамда ишлатиш харажатлари корхонанинг асосий ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ. Аммо, бу машина ва ускуналарда жуда кўп технологик жараёнлар бажарилаётганлиги учун ҳам уларнинг харажатлари алоҳида ҳисобга олиб борилади. Бунда, албатта дастлабки ҳисобнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Чунки ҳар бир қилинган харажат дастлабки ҳужжатда ўз аксини топади.

«Ramel tekstil» МЧЖ ХКда машина ва ускуналарни сақлаш ҳамда ишлатиш харажатларини расмийлаштиришда “Эскириш ҳисоблаш қайдномаси”, “Нуҳсонлар қайдномаси”, лимит-забор карталари, юк хатлар ва бошқа ҳужжатлар қўлланилади. Ушбу ҳужжатларни тузишдан қўзланган асосий мақсад сарфланган харажатларни аниқ ва тўғри ҳисобга олишдан иборатдир.

Ўрта бўғин харажатлари объектини бухгалтерия ҳисобида ҳисобга олиш 21-БҲМСда шундай белгиланганки, улардаги ҳар бир жараён алоҳида харажат объекти сифатида белгиланган. Бу ўз навбатида, харажатларнинг дастлабки ҳисобига ҳам бевосита таъсир қилади (2.1.1- иловага қараган).

Ўрта бўгин ҳаражатларидан биринчиси машина ва ускуналарни сақлаш ҳамда ишлатиш ҳаражатларидан то еттинчи ҳаражат тури – “ижарага олинган ишлаб чиқариш воситалари учун ижара тўловлари”га қадар барча ҳаражатлар асосий воситалар билан боғлиқ. Фақат улар ҳар бир ҳаражатни алоҳида ҳисобга олишга қаратилган. Шунингдек, ушбу ҳаражатларнинг ҳар бири учун алоҳида ҳужжатлар тузилиши талаб қилинади. Тўлдирилган ҳужжатларнинг мазмуни ҳам бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Масалан, суғурта ҳаражатлари “Суғурта полиси”га асосан, ижара тўловлари “Ижара тўғрисидаги шартнома”га асосан ва ҳоказо.

Фақат 21-БҲМС бўйича охириги иккита ҳаражат объекти иш ҳақи ва ишлаб чиқаришни ташкил қилиш билан боғлиқ. Ҳаражатлар дастлабки ҳисобидаги бундай ўзига хослик уларни размиёлангириш жараёнига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Ҳужжатларнинг аксарияти фойдаланиш жойида эмас, балки корхонадан ташқарида ёки фойдаланиш жойидан ташқарида тузилади. Ҳаражатларнинг вужудга келиши, уларнинг ҳажми тўғрисидаги маълумотларнинг уларни бевосита фойдаланаётган ишчи ва мутахассисларнинг баҳабар қолишига олиб келади. Чунки машина ва ускуналарни ишлатаётган ишчи ва мутахассислар тўланаётган ижара суммаси, амортизация ёки суғурта ҳаражатлари тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмайди. Чунки бу ҳужжатларни улар тузмайди ва улар бунга тегишли ҳам эмас. Шунинг учун бу механизмлардан қай даражада самарали фойдаланиш тўғрисида маълумотга эга эмас. Буларнинг барчаси ўрта бўгин ҳаражатларини ҳисобга олишда ва уларни қайта ишлаш жараёнида амалиётини ўзгартиришни талаб қилади.

«Ramel tekstil» МЧЖ ХК ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш ҳаражатларини энг юқори бўгин ҳаражатлари иқтисодий адабиётларда ҳамда метёрий ҳужжатларда давр ҳаражатлари сифатида эътироф этилади. Ушбу ҳаражатларнинг дастлабки ҳисобидаги хусусиятлар, асосан ушбу ҳаражатларнинг иқтисодий мазмунидан келиб чиқади. Чунки улардаги ўзига хослик ушбу ҳаражатларнинг вужудга келиши билан боғлиқ. Давр ҳаражатлари таркибида ҳисобга олинаётган куйидаги учта гуруҳ ҳаражатлари мазмуни жиҳатидан бир-бирдан тубдан фарқ қилиши, аммо уларнинг корхона ҳаражатларини бошқариш зарурати нуқтаи назаридан, шунингдек, ҳаражатлар ҳисобини бухгалтерия ҳисобида енгиллаштириш нуқтаи назаридан ҳисобот ойнанинг якуний молиявий натижасида ҳисобга олиш мақсадида давр ҳаражатлари таркибида бирлаштирилган (2.1.2- иловага қараң).

Шунинг учун ҳам бу ҳаражатлар таркибида ҳисобга олинаётган ҳаражатлар турли дастлабки ҳужжатларга асосан ҳисобга олинади. Юқорида таъкидланганидек, бу дастлабки ҳужжатларнинг кўпчилиги корхонадан ташқарида тузилиши ҳам мумкин.

Масалан, айрим хизмат турларини кўрсатиш (аудиторлик текшируви хизмати, ходимларнинг малакасини ошириш ва бошқалар), маҳсулотларни сотиш ва киритиш бўйича тузилган ҳужжатлар корхонадан ташқарида тузилади. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш ҳаражатларининг юқори бўгин ҳаражатлари дастлабки ҳисоби ҳамда уларни қайта ишлаш жараёнида бошқа дастлабки ҳужжат маълумотлари билан

мослиги, уларнинг қонунийлиги нуқтаи назаридан таъсири талаб қилинади. Аммо давр харажатларининг дастлабки ҳисобини акс эттирувчи ҳужжатларни хар доим ҳам ҳужжатли текшириш имконияти бўлавермайди. Шунинг учун ҳам мантиқан текшириши талаб қилинади.

«Ramel tekstil» МЧЖ ХКда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг юқори бўгин харажатлари дастлабки ҳисоби маълумотларининг тўғрилигини ҳамда аниқлигини текшириш учун қуйидагича ёндашиш зарур:

- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг ҳисоби бўйича тузилган дастлабки ҳужжатларни уч гуруҳга бўлиш, яъни корхона ичида, ташқарисид ва мамлакатдан ташқарида тузилган ҳужжатлар;

- хар бир гуруҳга кирувчи харажатларни текшириш имконияти ва манбаларини белгилаш;

- ҳужжатли текшириш манбаси ва имконияти мавжуд бўлмаган ҳужжатлар маълумотларини интернет маълумотлари, бошқа маълумотномалар (справочниклар, халқаро статистика маълумотлари, халқаро келишувлар маълумотлари) билан солиштириш имкониятини белгилаш;

- олдинги ҳисобот даврларида шундай ҳужжалик муомалалари содир бўлган бўлса, уларни аниқлаш ва ўша манбалар билан солиштириш.

Давр харажатларининг дастлабки ҳисобини ҳужжатлаштиришни назорат қилишдаги асосий масала, ушбу харажатларнинг тузилиши, ҳаракати ва айланишидир. Агар ушбу ҳужжатлар кечикиб тушадиган бўлса, уларнинг сабаблари ўрганилиши лозим. Корхона ичида ва ташқарисид тузилган дастлабки ҳужжатларни текшириш унчалик мураккаб жараён ҳисобланмайди. Ушбу маълумотларнинг ҳақиқийлигини жуда тез назорат қилиш мумкин. Текширилиши қийин ва мураккаб бўлган ҳужжатлар бу мамлакат ташқарисидаги ҳужжатлар билан боғлиқ бўлиб, уларни текшириш учун юқорида тавсия қилинган ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг юқори бўгини корxonани бошқаришнинг ҳам юқори даражаси билан боғлиқ бўлганлиги учун ушбу харажатларнинг тузилиши ҳамда ҳаракати анча сифатли бўлиши лозим. Ушбу ҳужжатнинг аниқлиги, тўғрилиги, ўз вақтидалиги жиҳатидан қуйи ва ўрта бўгинда тузилган ҳужжатлардан сифати жиҳатидан анча фарқ қилади. Чунки бу ҳужжатлар корхона фаолияти учун масъул бўлган раҳбар ва мутахассислар томонидан тузилади ҳамда тасдиқланади.

Фикримизча, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари қайси бўгинда тузилишидан қатъи назар, содир бўлган ҳужжалик муомаласи мазмунини аниқ ҳамда тўлиқ акс эттириши лозим. Шунингдек, ушбу харажатларнинг қайси манбалар ҳисобидан қопланиши (умумбригада, умумишлаб чиқариш ва давр харажатлари) аниқ белгиланиши ва бу ҳисобга олиш жараёнида ўз аксини топиши лозим.

Шундай қилиб, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг дастлабки ҳисобидаги ўзига хослигини эътиборга олган ҳолда ҳисоб жараёнини расмийлаштириш, ушбу харажатларнинг тўғри ташкил қилишни таъминлайди, деб ҳисоблаймиз.

## 2.2. Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини ташкил этиш ва уларни тақсимлаш амалиёти

Ҳар қандай корхонанинг хўжалик фаолияти харажатлар билан боғлиқ. Корхонанинг ҳисоб тизими хўжалик юритувчи субъектларнинг барча турдаги харажатлари тўғрисидаги объектив, тезкор ва батафсил маълумотлар билан таъминлаш каби талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим. Турли фаолият билан шуғулланувчи корхоналарда бундай талабни қониқтириш катта аҳамиятга эга. Бундай, корхоналарнинг ҳам ички, ҳам ташқи ахборот фойдаланувчиларни амалга оширилган ва оширилаётган ҳар бир фаолият турига қанча маблағ сарфлаганлиги, уларни бераётган самараси бевосита қизиқтиради.

Бу ўз навбатида, харажатлар ҳисоби ва назоратини бозор иқтисодиёти талаблари асосида ташкил қилиш зарурлигини кўрсатади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида харажатларнинг таркиби ва унинг мазмуни тубдан ўзгаради.

Харажатлар таърифи, таснифи ва тавсифи амалдаги меъёрий ҳужжатларда ўз аксини топган. Молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун концептуал асоснинг 38,6 моддасига мувофиқ, «Харажатлар – бу ҳисобот даврида активларни камайиши ёхуд мажбуриятларнинг кўпайиши»<sup>41</sup> деб, ҳисобланади.

Харажатларни батафсилроқ таърифи эслатиб ўтилган «Концептуал асос»нинг 57-моддасида ҳам берилган: «... харажатлар ўз ичига мулкни бошқариш, маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш, ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни ва зарарларни олади». Лекин ушбу меъёрий ҳужжатда корхоналарнинг харажатларини таърифи, таснифи ва тавсифини беришда аниқ бир мезонлар асос қилиб олинмаган.

Бу боралда профессор Б.А.Хасанов «Харажатлар - маҳсулотларни ишлаб чиқариш, товарлар сотиш, ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган сарфларнинг пулдаги ифодасидир»<sup>42</sup> деб ҳисоблайди. Бу фикр ишлаб чиқариш, савдо ва хизматлар кўрсатиш корхоналарига нисбатан тўғри бўлиши мумкин. Лекин харажатлар нафақат юқорида кўрсатилган соҳаларда, инсон ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилиши мумкин.

Бизнингча, харажатлар бирор нарса учун қилинган сарф, чиқимнинг пулдаги ифодаси дейиш мумкин.

“Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низом<sup>43</sup> харажатлар тўғрисидаги камчиликларни маълум даражада бартараф этди. Ушбу Низом биринчи марта республикамизда корхоналар харажатларини таснифлаш, тавсифлаш ва ҳисобини юритишда маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиш белгисига қараб корхоналарнинг барча харажатларини тўртта гуруҳга ажратди:

– маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;

<sup>41</sup> О-БҲМС “Молиявий ҳисоботни тайёрлаш ва тақдим этишнинг концептуал (тамоми) асослари” ЎзР А.В. томонидан 1998 й. 14 августда 475-сон билан рўйхатга олинган.

<sup>42</sup> Хасанов Б.А., Хошимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик. –Т.: Yangi nashr, 2011. - 29 б.

<sup>43</sup> ЎзР ВМнинг 54-сон қарори билан хайта тасдиқланган “Маҳсулот (ишлар, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғриси”даги Низом. –Т., 1999 йил 5 февраль.

– ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган, давр харажатларида ҳисобга олиниб, асосий фаолиятдан олинган фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар;

- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- фавқулдда зарарлар.

Биринчи гуруҳга маҳсулот таннархига киритиладиган бевосита ва билвосита моддий харажатлар, бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари, шу жумладан, ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган устама харажатлар кирди.

Бевосита харажатлар, маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлган хомашё ва материаллар, меҳнатга ҳақ тўлаш (ажратмалари билан), ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси каби харажатлардан иборат.

Билвосита харажатлар эса ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатларидан иборатдир. Бу борада иктисодчи олимларнинг фикрича “Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари маҳсулот таннархидан салмоқли ҳиссага эга. Шу сабабли бундай харажатлар устидан кундалик назоратни ўрнатип, уларнинг ҳар бири моддаси бўйича ва бошқарма ходимларининг иш ҳақига қилинадиган харажатлар устидан назорат қилиб ортиқча харажатларга йўл қўймаслик бухгалтерия ҳисобининг энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади”<sup>44</sup>, деб изоҳланади.

Тўқимачилик саноати корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларининг шаклланишига мураккаб ва ўтиш жараёнларининг кўплиги билан тавсифланувчи ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнлари бевосита таъсир кўрсатади. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ технологик жараёнлари - ип йиғириш, тўқув ва пардозлаш цехларини ўз ичига олади. Бунда ишлаб чиқариш харажатлари жараёнлар бўйича кетма-кет йиғилиб борилиб, уларнинг ҳар бирида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш ўзига хос хусусиятларга эга.

Ип йиғирув босқичининг маҳсулоти турли рақамдаги калава ип ҳисобланиб, кейинги босқичда улардан хом мато ишлаб чиқарилади. Тўқимачилик корхоналарида ип йиғиришнинг технологияси мураккаб бўлиб, куйидаги технологик жараёнларни ўз ичига олади ( 2.2 - расм).



**2.2-расм. Ип йиғирув цехининг технологик жараёнлари.**

Ип йиғирув цехининг барча технологик жараёнлари бири-биридан ажралмаган ҳолда, ишлов берилган хомашё бир жараёндан иккинчисига ўтиши ҳамда битта цехда бажарилади ва цех бошлиғи томонидан бошқарилади.

Тўқув ишлаб чиқариш босқичининг маҳсули бўлиб, қалинлиги, эни, ишлатилган калава ип рақами, тўқилиш усули ва бошқа хусусиятлари билан

<sup>44</sup> Қодирхонов С.Б. Саноат корхоналарида бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Ўзбекистон, 1993. -183 б.

фарк қилувчи ҳар хил артикулли хом мато ҳисобланади. Пардозлаш босқичида хом матога ишлов бериш натижасида турли артикулли тайёр газлама олинади. Унда ҳўл, бўёқ бериш ва қуруқ ишлов бериш жараёнлари қатнашади.

Барча босқичларда олинган маҳсулотлар алоҳида ярим тайёр маҳсулот сифатида истеъмолчиларга сотилиши мумкин ёки ушбу корхона миқёсида бир босқичдан қолган босқичларга берилиб, тайёр маҳсулот омборига топширилади.

Тўқимачилик корхоналарида қалава ип ва газламаларнинг ишлаб чиқариш харажатлари хомашё ва материаллар ҳамда иплов бериш харажатлари (ёрдამчи материаллар, технологик мақсадлар учун ёқилги ва энергия, иш ҳақи, ижтимоий суғуртага ажратмалар, асбоб-ускуналарни сақлаш ва ишлатиш харажатлари ва умумишлаб чиқариш харажатлари)га бўлинади. Хомашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва ёқилги ишлаб чиқаришга дастлабки ҳужжатлар – лимит-забор карталари, талабномалар ва юк хатлари асосида берилади. Уларда берилётган моддий захираларнинг технологик хусусиятлари, миқдори ва мақсади кўрсатилади. Ишлаб чиқаришга берилган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлари ҳисоби “Хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳаракати ва ишлатилиши ҳисоби қайдномаси”да юритилади. Унда ҳисобот ойи бошига ва охирига бўлган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар қолдиғи, ой давомида омбордан олинган ва маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларнинг физик ва кондицион миқдори акс эттирилади. Хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларнинг физик оғирлиги ўлчаб-тортиш натижасида кондицион оғирлиги эса физик оғирлиги ҳамда лаборатория томонидан берилган намлик миқдорига асосан ҳисоблаш йўли билан аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$P_1 = \frac{P_{\phi} * (100 + K)}{100 + X} \quad (2.1.)^{45}$$

Бунда:  $P_k$  – қалава ипнинг кондицион оғирлиги;

$P_{\phi}$  – қалава ипнинг физик оғирлиги;

$K$  – қалава ипнинг кондицион намлиги;

$X$  – қалава ипнинг ҳақиқий намлиги.

Масалан, “SIRKECHI TASHTEKSTIL” ОАЖ ХКда ҳисобот ойида ип йиғириш жараёнига кондицион намлиги 20 % ҳисобланиб, ҳақиқий намлиги 15 % бўлган 3000 кг хомашё берилди. Унинг кондицион оғирлиги  $3000 * (100 + 20) : (100 + 15) = 3130$  кг. бўлди.

Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари ва уларнинг тайёр маҳсулот ҳамда тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида тасимланиши “Умумлашган ҳисоб юритиш қайдномаси”да олиб борилади. Ушбу қайднома ҳисобот ойи охирида ҳар бир ишлаб чиқариш босқичи ( ип йиғирув, тўқув ва пардозлаш) бўйича хомашё сарфи ва маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳисобот маълумоти ҳамда ишлов бериш бўйича қилинган ҳақиқий харажатлар асосида тузилади.

<sup>45</sup> Врублевский И.В. Управленческий учет издержек производства и себестоимости продукции в отраслях экономики. Учебное пособие. –М.: Изд. Бух.учет. -2004. - 338 с.



“Умумлашган ҳисоб юритиш қайдномаси”да харажатларнинг калькуляция моддалари бўйича ой бошига ва охирига тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи, ҳисобот ойи харажатлари ва харажатларнинг ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказиладиган миқдори кўрсатилади. Тайёр маҳсулот таннархи қуйидаги формулага асосан аниқланади:

$$T_x = \text{Т.И.б.} + X - \text{Т.И.о.х} \quad (2.2.)^{46}$$

Бунда:  $T_x$  – тайёр маҳсулот ҳақиқий таннархи;

Т.И.б. , Т.И.о.х. – тугалланмаган ишлаб чиқариш ой бошига ва ой охирига қолдиғи;

$X$  – ишлаб чиқариш харажатлари.

Тўқимачилик корхоналарида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи инвентаризация қилиш натижасида аниқланади. Тугалланмаган ишлаб чиқаришга титиб саваланган хомашё, йиғирув машиналаридаги таралган, ленталанган ва пиликланган ярим тайёр маҳсулотлар, йиғирилган ва лексин ўралмаган калава ип маҳсулотлари ҳамда пардозлаш босқичларидаги матолар киради. Иш жойларидаги ҳали қайта ишлашга берилмаган хомашёлар ва яроқсиз деб топилган маҳсулотлар тугалланмаган ишлаб чиқариш таркибига киритилмайди.

Илмий изланиш натижасида тўқимачилик корхоналарининг айрим босқичларида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг баҳоланиши ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги аниқланди. Йиғирув ва тўқув босқичларида тугалланмаган ишлаб чиқариш фақатгина киритилган хомашё баҳосида аниқланади, ишлов бериш бўйича барча харажатлар эса тайёр маҳсулот таннархига ўтказилади. Йиғирув цехида тугалланмаган ишлаб чиқариш баҳосини аниқлашда уни дастлаб киритилган хомашё оғирлигига келтирилади. Масалан, ой охирида қолган тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи 180 кг бўлса, меъёр бўйича чиқиши 98 % бўлганда дастлабки киритилган хомашё оғирлиги:  $(180 \times 100) : 98 = 184$  кг.ни ташкил этади. Аниқланган миқдор хомашё баҳосига кўпайтирилиб, ярим тайёр маҳсулотнинг суммаси аниқланади.

Тўқув цехида эса киритилган калава ип оғирлигига келтирилган ярим тайёр маҳсулот бўлган хом матонинг қолдиғи турли рақамдаги калава ип баҳоси бўйича аниқланади. Пардозлаш босқичида ишлов бериб тугатилмаган газламаларнинг қолдиғи сарфланган хом матонинг ҳақиқий таннархи ва ишлов бериш харажатларининг 50 % бўйича баҳоланади. Бунда хом матонинг баҳоси газламанинг ҳар бир артикули бўйича харажат меъёри ва уни ишлаб чиқариш ҳақиқий таннархи асосида аниқланади. Ишлов бериш харажатлари эса алоҳида артикуллар бўйича 100 м матога белгиланган харажатлар меъёрига асосан ўтказилади.

“SIRKECHI TASHTEKSTIL” ОАЖ ХК йиғирув цехида ярим тайёр маҳсулотларнинг ҳаракати ва баҳоланишини қуйидаги 2.1- жадвалдан кўришимиз мумкин.

<sup>46</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

**“SIRKECHI TASHTEKSTIL” OAJ XK йигирув цехида ярим тайёр маҳсулотларнинг жараёнлар бўйича ҳаракати тўғрисида ҳисоботи<sup>47</sup>**

Ой бошга қолдик		Кирим		Жами қолдик қирим билан			Ой охирига қолдик		Тайёр маҳсулот ҳаражати		Чықиш фойизи
кг	минг сум	кг	минг сум	кг	минг сум	ўртача қиймати миנג сум	кг	минг сум	кг	минг сум	маҳсулот
<b>Титиш-тозалаш жараёни</b>											
200	2600	1200	16800	1400	19400	13,85	150	2078	1220	16907	97,0
<b>Тараш жараёни</b>											
50	675	1220	16907	1270	17582	13,84	45	623	1085	15021	88,57
<b>Ленталаш жараёни</b>											
45	630	1085	15021	1130	15651	13,85	50	693	1070	14820	99,07
<b>Шийлаш жараёни</b>											
640	9600	1070	14820	1710	24420	14,28	630	8996	1040	14853	96,3
<b>Ип йигириш жараёни</b>											
70	1050	1040	14853	1110	15903	14,32	85	1217	1025	14686	100
<b>Ип ўраш жараёни</b>											
250	3750	1025	14686	1275	18436	14,46	75	1084	1200	17352	100

Тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилган калава ип ва газламалар таннархи йигирув, тўқув ва пардозлаш цехлари бўйича алоҳида калькуляция қилинади. Ҳар бир ишлаб чиқаришда технологик жараёнларнинг мураккаблиги ва маҳсулотнинг бир жараёндан иккинчисига тўхтовсиз ўтилишига қараб маҳсулот таннархиди калькуляция қилишнинг ўзига ҳос хусусиятлари бор.

Йигирув цехида калькуляция объекти бир ип калинлигида ўралган турли хил ва рақамдаги калава ип ҳисобланиб, калькуляция бирлиги қилиб 100 кг ип олинади. Тўқув цехида калькуляция объекти турли хил артикулдаги хом газлама бўлиб, бунда калькуляция бирлиги қилиб 100 погон метр газлама олинади. Ҳисоботда ҳар 100 метр газламага кетадиган калава ип меъёри келтирилади ва уни ишлаб чиқарилган газлама миқдорига кўпайтириш билан кетган ипнинг меъёрий миқдори аниқланади.

Тўқув цехига ярим тайёр маҳсулотлар йигирув босқичдан килограммда келиб тушади, цехда ишлаб чиқарилган маҳсулот эса метрда ҳисобга олинади. Шунинг учун бу ерда ишлаб чиқариш учун кетадиган калава ип меъёрининг белгиланиши ва тўқув машиналаридан ечиладиган хом газламанинг миқдорига алоҳида эътибор бериш керак. Чунки сарфланган материаллар ва ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори тўғрисидаги ҳисоб маълумотларининг тўғрилиги худди шунга боғлиқдир.

Пардозлаш босқичининг тугалланган маҳсулоти, турли нав ва артикулли газлама ҳисобланади. Бунда таннарх газламанинг ҳар бир артикули бўйича аниқланиб, калькуляция бирлиги қилиб 100 погон метр газлама олинади.

<sup>47</sup> “SIRKECHI TASHTEKSTIL” OAJ XK ички маълумотлари воссида муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

Тўқимачилик корхоналарида хомашё ва ярим тайёр маҳсулотларга ишлов бериш харажатлари таркиби жиҳатидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари бухгалтерия ҳисобида умумишлаб чиқариш харажатлари сифатида ҳисобга олинади. Ушбу харажатлар таркиби комплекс харажатлардан иборат бўлиб, 21-БҲМСда умумишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобга олиниши белгилаб қўйилган.

Корхонанинг умумишлаб чиқариш харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётида амалга оширилади. Ушбу счётада умумишлаб чиқариш харажатига эга бўлган харажатлар акс эттирилиб, 2010 “Асосий ишлаб чиқариш” ва 2310 “Ёрдамчи ишлаб чиқариш” счётларининг дебетида ҳисобдан чиқарилади.

Умумишлаб чиқариш харажатларини алоҳида ҳисоб объектлари орасида тақсимлаш тартиби корхонанинг ҳисоб сисёати орқали аниқланади ва ушбу харажатларни ҳисобга олувчи счётлар бўйича аналитик ҳисоб корхонанинг алоҳида бўлинмалари ҳамда харажатлар моддалари бўйича юритилади.

Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига оид илмий ва ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш ушбу харажатлар ҳисобида муаммолар мавжуд эканлигини кўрсатди жумладан:

1) умумишлаб чиқариш харажатларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш билан боғлиқ муаммолар;

2) умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш билан боғлиқ муаммолар.

Юқоридаги биринчи муаммонинг вужудга келиши бозор иқтисодиётига ўтиш натижасида бухгалтерия ҳисобида умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш билан боғлиқдир. Чунки бу ўзгаришлар натижасида умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби анча кенгайди ва натижада ҳисобга олиш жараёни анча мураккаблашди. Бу айниқса, бугунги кунда 21-БҲМСга мувофиқ, умумишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобга олинаётган машина ва асбоб-ускуналаларни сақлаш ҳамда фойдаланиш харажатлари мисолида яққол кўринади. Чунки асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларининг жорий синтетик ҳисоби 1993 йилгача амал қилиб келган счётлар режасида ажратилган 24-“Машина ва асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари” деб аталган счётада ҳисобга олинган. Ушбу харажатлар комплекс харажатлар бўлиб, уларнинг таркиби анча кенг. Бу тўғрида профессор С.Б.Қодирхонов машина ва асбоб-ускуналарни сақлаш ҳамда фойдаланиш харажатлари таркиби қуйидагилардан:

1) асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларининг амортизацияси (ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарига белгиланган меъёрлар бўйича амортизация ажратмалари);

2) асбоб-ускуналардан фойдаланиш харажатлари (асбоб-ускуналарнинг иш қобилиятини сақлаш мақсадида уларни парвариш қилишга сарфланадиган ҳар хил материалларнинг қиймати, шу асбоб-ускуналарни парвариш қилиш билан банд бўлган ёрдамчи ишчиларнинг асосий ва кўшимча иш ҳақи ҳамда

ижтимоий суғурта ажратмалари, асбоб-ускуналарни ҳаракатга келтириш учун сарфланадиган ёқилғи, электр энергияси, пар, сув, суюлтирилган ҳаво ва бошқа энергияларнинг қиймати, асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларининг қийматлари ва шу каби харажатлар);

3) машина, асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларини тузатиш харажатлари;

4) юкларнинг завод ичидаги ҳаракати (хомашё, материаллар, ускуналар, деталлар ва шу кабиларни завод марказий омборидан цехларга ва тайёр маҳсулотни цехлардан омборларга ташиш билан банд бўлган корxonанинг ўзига қарашли ва четдан жалб қилинган транспорт воситаларини сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари, шу транспорт воситаларини ишлатиш ва асраш билан боғлиқ бўлган материаллар, ёқилғи, захира қисмлар ва бошқа материаллар қиймати, юкларни бир жойдан иккинчи жойга олиб бориш, цехларга олиб келиш, уларни тушириш, ускуна ва деталларни иш жойларидан тайёр маҳсулот ва буюмларни омборга етказиш билан банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақи ва ижтимоий суғурта ажратмалари, ёрдамчи цех ва хўжаликлар, шу жумладан бошқа ташкилотлар транспорт хизматларининг қиймати);

5) бошқа ҳар хил харажатлардан<sup>48</sup> иборат деб, ҳисоблайди.

Харажатлар суммаси унча кўп бўлмаган ва айрим маҳсулот турлари ўртасида тақсимланиши қийин бўлган технологик ёқилғи, электр энергияси, ёрдамчи материаллар харажатлари ҳам асбоб-ускуналарни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш харажатлари сифатида ҳисобга олинishi мумкин.

Цехли тузилишга эга бўлган корxonаларда асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари айрим цехлар бўйича, уларнинг ичида эса юқорида келтирилган моддалар бўйича ҳисобга олинади. Цехларга бўлинмаган корxonаларда эса бу харажатлар ҳисоби бутун корхона бўйича олиб борилади. Ҳар бир цех асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари фақат шу цехда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархига ўтказилиши лозим.

Машина ва асбоб-ускуналарни сақлаш ҳамда фойдаланиш харажатлари тўғрисида бутунги кунда нашр қилинган бухгалтерия ҳисобига оид китобларда ҳам профессор С. Қодирхонов фикрининг тасдиғини кўриш мумкин.

Масалан, А.Пўлатов, Ш.Эргашева ва Т.Урунбоевлар бу тўғрида қуйидагича: “машина, асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларига созловчи ва бошқа асбоб-ускуналарга хизмат кўрсатувчи ходимларнинг меҳнат ҳақи харажатлари (бюджетдан тапқари фондларга ажратмалар билан биргаликда), электр энергияси, ёқилғи, мойлаш ва ёрдамчи материалларнинг қиймати, машина ва ички ишлаб чиқариш транспорт воситаларини тузатиш, сақлаш, ишлатиш билан боғлиқ бошқа харажатлар кирди. Бу гур харажатларга яна машина, асбоб-ускуналар ва транспорт воситаларининг амортизация ажратмалари, махсус ускуналар ва жиҳозларни

<sup>48</sup> Қодирхонов С.Б. Савноат корxonаларида бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Ўзбекистон, 1993. 176 б.

таъмирлаш киймати ва эскиришини қоплаш харажатлари ҳам киради<sup>49</sup> деб ёзадилар.

21-БҲМСга мувофиқ, умумишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобга олинадиган қолган харажатлар: ишлаб чиқаришга тааллуқли бўлган асосий воситалар ва номоддий активларнинг амортизация ажратмалари ҳамда таъмирлаш харажатлари; ишлаб чиқаришдаги мол-мулкнинг суғурта харажатлари; ишлаб чиқариш биноларининг иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари; ишлаб чиқаришда фойдаланишдаги бинолар, машина ва усқуналар, бошқа ижарага олинган воситалар учун ижара тўловлари; ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларнинг меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар таркиби жиҳатидан унча мураккаб бўлмаган харажатлар бўлиб, улар асосан бир элементли харажатлардир.

Профессор С. Қодирхонов келтирган харажатлар таркибидан ушбу харажатларнинг қанчалик кенг ва мураккаблигини англаб етиш мумкин. Шунинг учун ҳам айрим иқтисодчилар машина ва асбоб-усқуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар.

Масалан, бу тўғрида И.Қўшманов ўз тадқиқотларига таянган ҳолда қуйидаги: “Фикримизча, Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарида ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш харажатлари ҳисобини такомиллаштиришда қуйидагиларга алоҳида аҳамият қаратиш зарур:

- корхонада ишлаб чиқариш воситаларини жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари бўйича кенг қамровли маълумотларни шакллантириш;
- ишлаб чиқариш воситаларининг ҳар бир тури бўйича таъмирлаш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар тўпламини вужудга келтириш.

Ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш учун бухгалтерия ҳисобининг миллий ҳисоблар режасига янги 2400-“Ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш харажатлари ҳисоби” ҳисобини киритиш ва ушбу ҳисобга корхона бўйича сарфланган таъмирлаш харажатлари тўғрисида маълумотларни шакллантириш вазифасини юклаш лозим. Бу ҳисобнинг дебет томонида жами ҳақиқий таъмирлаш харажатлари ва кредит томонида ушбу харажатларни қалъкуляция объектига ҳисобот ойна охирида тақсимланганда ақс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Корхона бўйича ишлаб чиқариш воситаларининг жорий ва капитал таъмирлаш харажатлари тўғрисидаги алоҳида маълумотларни вужудга келтириш учун 2400-“Ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш харажатлари” ҳисоби таркибида қуйидаги субҳисобларни очиш тавсия қилинди: 2410-“Ишлаб чиқариш воситаларини жорий таъмирлаш харажатлари” ҳисоби; 2420-“Ишлаб чиқариш воситаларини капитал таъмирлаш харажатлари” ҳисоби. Шунингдек, мазкур ҳисоблар таркибида ишлаб чиқариш хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, 2411-“Дон тозаловчи машиналарни жорий таъмирлаш харажатлари”, 2421-“Дон

<sup>49</sup> Цулятов А., Эргашева Ш. ва Урунбоев Т. Бошқарува ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: Тошкент ирригация ва мелiorация институти, 2007. 198 б.

тозаловчи машиналарни капитал таъмирлаш харажатлари” счети каби учинчи тартибли счетларни очиш мақсадга мувофиқдир. Фикримизча, ушбу таклифлар ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш тўтрисидаги аниқ ва тўлиқ ахборотларни вужудга келтиради<sup>30</sup>, - деган фикрларни билдиради.

Ушбу муаллифнинг ишлаб чиқариш воситаларини таъмирлаш харажатлари тақсимоти буйича таклифлари ўринли бўлиб, бу берилган таклиф донни қайта ишлавчи корхоналарнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб ёндашилганлигидир.

Саноат корхоналарида комплекс харажатларни маҳсулотлар ўртасида тақсимлаш учун одатда осон ва тўғри (аниқ) тақсимлаш усулини қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Кўпчилик корхоналарда шу кунга қадар калькуляция объекти ўртасида ҳар бир маҳсулот турларига сарфланган асосий ишлаб чиқаришда ишлайдиган ишчиларнинг асосий иш ҳақига нисбатан тақсимлаш усули қўлланиб келинган. Бу усул осон усуллардан ҳисобланади. Лекин у асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларини тўғри тақсимлашни таъмин эта олмайди. Чунки бу усулга кўра маҳсулот таннархида асосий ишчиларнинг иш ҳақи қанча кўп бўлса, асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларининг шунча кўп қисми шу маҳсулотга ёзилиб, кам иш ҳақи, яъни кам жонли меҳнат талаб қилинадиган маҳсулотга ушбу харажатларнинг кам қисми тўғри келади. Ваҳоланки, бунинг тескариси ҳам бўлиши мумкин. Чунки, асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари меҳнатнинг механизациялашган участка ҳамда цехларида кўп бўлиб, аксинча меҳнат механизациялашмаган жойларда бу харажат кам бўлади. Маҳсулот таннархида ишчилар иш ҳақининг кўплиги аксарият унинг механизациялашмаганлигини аънлатади. Шу сабабли бундай маҳсулотларга асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларининг кўп қисми эмас, аксинча кам қисми ёзилиши керак.

Демак, асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатларини маҳсулот турлари ўртасида уларга сарфланган асосий ишлаб чиқаришда ишлайдиган ишчиларнинг асосий иш ҳақига мутаносиб равишда тақсимлаш, айниқса, бундай харажатлар кўп бўлган корхоналарда маҳсулот таннархини сохталаштиради. Шунинг учун бугунги кунда бундай тақсимлаш усулидан воз кечиш талаб қилинади.

Монографияда илмий изланиш натижасида тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Ramel tekstil» МЧЖда умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, унинг ишлаб чиқариш бўлимлари ўртасида ва бўлимлар ичида эса, ишлаб чиқарилган маҳсулот турларига тақсимлаш амалиёти ўрганиб чиқилди. Корхона фаолияти қуйидаги ишлаб чиқариш технологик жараёнларидан ташкил топади (2.3-расмга қаранг). Бунда омбордан хомашё тўқув цехига, сўнгра тўқилган ярим тайёр маҳсулотлар қирқув цехига, ундан сўнг кетма-кет бичув ва тикув цехларидан ўтиб тайёр маҳсулот омборига топширилади.

<sup>30</sup> Қўшмонов И. Ишлаб чиқариш воситалари ва асбоб-ускуналарни эксплуатация қилиш харажатлари ҳисобининг назарий-усулбий масалалари. И.ф.и. илмий даражасини олиш учун баъжрилган диссертация автореферати. –Т., 2006. -11-12 б.



### 2.3-расм. «Ramel tekstil» МЧЖнинг ишлаб чиқариш технологик жараёнлари.

Ҳар бир цехда ишлаб чиқарилган ярим тайёр маҳсулотлар таннархи алоҳида аниқланиб, бунда жараёнлар буйича калькуляция қилиш усулидан фойдаланилади.

Корхонада умумишлаб чиқариш харажатлари таркибини таҳлил этганимизда қуйидаги харажат турларининг ҳолатини кузатиш мумкин (2.2-жадвалга қarang).

2.2-жадвал


#### «Ramel tekstil» МЧЖда умумишлаб чиқариш харажатлари таркиби<sup>51</sup> минг сўмда

Кўрсаткичлар	2007й	2008й	2009й	2010й	2011й	2011 й. 2009 й.га нис. ўзгари ши %
Умумишлаб чиқариш харажатлари, шу жумладан:	8 801,0	27 623,0	61 028,0	51 386,0	52 941,0	87%
-амортизация ажратмалари	1.650,0	4.291,0	7.940,0	7.124,0	6.890,0	87%
-ишлатилган сув харажатлари	100,0	213,0	1.165,0	1.015,0	1.960,0	168%
-чиқиндиларни олиб кетиш харажатлари	200,0	377,0	736,0	750,0	1.120,0	152%
- материал харажатлари	1.150,0	2.500,0	5.900,0	5.210,0	3.980,0	67%
-электрэнергия харажатлари	3.200,0	3.700,0	5.433,0	4.552,0	4.010,0	74%
-иш ҳақи харажатлари ва ижтимоий тўловлар	1.761,0	2.493,0	8.365,0	8.520,0	8.250,0	99%
- дитинфекция харажатлари	300,0	458,0	1500,0	1324,0	1.430,0	95%
-сертификатлаш	437,0	883,0	4.028,0	2.450,0	2.480,0	62%
-ахборот таъминоти харажатлари	-	91,0	315,0	220,0	220,0	70%
-асосий воситаларни техник кўрувдан ўтказиш ва ёнгига қарши қилинган харажатлар	-	8350,0	12.265,0	13.560,0	13.980,0	114%
- газдан фойдаланганлик учун тўловлар	-	760,0	2350,0	2.720,0	2.580,0	110%
- транспорт харажатлари	-	904,0	3250,0	1.250,0	2.890,0	89%
-ташки электроэнергия таъминоти лойиҳаси харажатлари	-	2.590,0	-	-	-	-
-кўргазма ўтказиш харажатлари	-	-	4.300,0	-	1.560,0	36%
-ИС бухгалтерия дастури харажатлари	-	-	660,0	1.200,0	1.500,0	227%
-лаборатория синовлари ўтказиш харажатлари	-	-	2424,0	850,0	-	-
- бошқа харажатлар	3,0	13,0	397,0	641,0	91,0	23%

<sup>51</sup> «Ramel tekstil» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

Юкоридаги 2.2-жадвал маълумотларидан, «Ramel tekstil» МЧЖ ХКда умумишлаб чиқариш харажатлари беш йил ичида 2009 йилгача ўсиб борганлигини ва 2010 йилдан бошлаб махсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг камайиши туфайли умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳам тушганлигини кўришимиз мумкин. Агар 2011 йил маълумотларини 2009 йилдаги умумишлаб чиқариш харажатлари билан солиштирадиган бўлсак, ушбу харажатларнинг жами миқдори 13 фоизга камайган. Ушбу камайиш асосан амортизация ажратмалари, материал, электр энергия, дезинфекция, сертификатлаш, ахборот таъминоти харажатлари ва бошқа харажатлар ҳисобига юзага келган. Аммо, ишлатилган сув, чиқиндиларни олиб кетиш, асосий воситаларни техник кўрувдан ўтказиш ва ёнгина қарши қилинган харажатлари ҳамда 1С бухгалтерия дастури харажатлари бир ярим ва ҳаттоки икки баробардан ҳам ортиқ ошганлигини кўришимиз мумкин.

«Ramel tekstil» МЧЖ ХКда умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисоб сисъатига асосан ишлаб чиқилган ички сётлар режасида келтирилган 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» сётнинг дебитида алоҳида ишлаб чиқариш цехлари бўйича эмас, балки бутун корхона бўйича йиғилиб борилади. Ҳисобот охирида эса ишлаб чиқариш бўлимлари, яъни технологик жараёнлар бўйича олдиндан умумишлаб чиқариш харажатларини тахминан истеъмол қилиши мумкин бўлганлигини чамалаб, яъни майдонининг катталиги, машина ва асбоб-ускуналарнинг сони ва электр энергия сарфи, технологик жараённинг мураккаблиги, ишчилар сони ва бошқа кўрсаткичларга нисбатан аниқланган фоизларга асосан тақсимланади.



2.4-расм. «Ramel tekstil» МЧЖда умумишлаб чиқариш (электр энергия) харажатларининг ишлаб чиқариш жараёнлари бўйича тақсимланиши<sup>52</sup>

<sup>52</sup> «Ramel tekstil» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.



Технологик жараёнлар ичида ушбу харажатлар калькуляция объекти ўртасида ҳар бир маҳсулот турларининг миқдори (донаси)га мутаносиб тақсимлаш усули қўлланиб келинмоқда (2.4-расмга қаранг).

Бу усул мураккаб ҳисоблашишларни талаб қилмайдиган усуллардан ҳисобланади албатта. Лекин, у умумишлаб чиқариш харажатларини тўғри тақсимлашни таъмин эта олмайди.

Иқтисодий адабиётларда бундай харажатларни тақсимлашнинг турли хил йўллари ҳамда тақсимлашда ишлатиладиган турли қиймат ва натура кўрсаткичлар таклиф қилинган. Бу албатта, тўғри чунки ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва бошқариш харажатларининг ўзига хос хусусияти мавжуд, бу нарса турли хил кўрсаткичлар асосида тақсимлашни тақозо этади.

Юқорида билдирилган таклифга хос фикрни иқтисодчи олим Н.Э. Бабахалов ҳам билдиради. У ўз тадқиқотлари натижаларига таянган ҳолда темир йўл транспорти корхоналарида асосий воситаларни таъмирлаш харажатларини 2400 – сўҳетда ҳисобга олишни таклиф қилади<sup>53</sup>. Албатта, муаллиф томонидан берилган таклиф ўринли бўлиб, темир йўл транспорти корхоналарининг хусусияти эътиборга олинган.

Шуниингдек, айрим иқтисодчилар умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини нафақат йирик корхоналарда, балки кичик тадбиркорлик субъектларида ҳам такомиллаштириш мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблайдилар ва бу тўғрида О.В.Аллабергенов қуйидаги ҳисобга олиш усулини тавсия қилади: “Хусусан, мамлакатимиз ҳисобчилик назарияси ва амалиёти учун принципиал янги бўлган, биз томондан кичик корхоналарда қўллаш мумкин деб, тавсия қилинаётган вариант ҳисобот давридаги барча харажатларни ишлаб чиқариш - ишлаб чиқариш жараёнини ўтиши билан шартланган, даврий - ҳисобот даврининг кўпроқ давом этиши билан боғлиқ харажатларга ажратишини кўзда тутуди.

Тўғри ишлаб чиқариш харажатлари 2010 ёки 2310 сўҳетлар дебетида, эгри ишлаб чиқариш харажатлари – ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслар сўҳетлари кредитидан 2410-сўҳет “Ўзгарувчан умумишлаб чиқариш харажатлари” ва 2510-сўҳет “Доимий умумишлаб чиқариш харажатлари” дебетида йиғилади. Ҳисобот даври охирида алоҳида тур маҳсулот, ишлар, хизматлар таннархи ҳисобига тўғри ишлаб чиқариш харажатларидан ташқари, ҳисобот даврида 2410-сўҳетда қайд қилинган эгри харажатлар ҳам қўшилиб, 2010 ёки 2310 сўҳет дебети бўйича ва 2410-сўҳет кредити бўйича ёзув билан акс эттирилади. 2510-сўҳетдаги доимий умумишлаб чиқариш харажатлари ва 9400-сўҳетдаги давр харажатлари эса калькуляция объекти таннархига қўшилмайди ва ҳисобот даври охирида бевосита маҳсулот сотишдан тушган тушумнинг камайиши эвазига ҳисобдан чиқарилиб, 9900-“Якуний молиявий натижа” сўҳети дебети, 2510, 9400-сўҳетлар кредити бўйича провонда берилади”<sup>54</sup>.

<sup>53</sup> Бабахалов Н.Э. Темир йўл транспорти корхоналарида асосий воситаларни ҳисобини тақсимлаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати –Т. 2008, -11 б.

<sup>54</sup> Аллабергенов А.В. Кичик корхоналарда бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили ташкил қилиш. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун бажарилган дис. автор. -Т., 2006. -14-15 б.

Фикримизча, А.В. Аллябергенов фикрини тўла қўллаб-қувватлаб бўлмайди. Чунки 2510 “Умумийлаб чиқариш харажатлари” асосан ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Уларни ишлаб чиқариш харажатларига тўғридан-тўғри олиб бориш имконияти йўқ. Шунинг учун уларни тақсимлаш талаб қилинади. О.В. Аллябердиев эса ушбу харажатлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлишига қарамасдан уларни 9900-“Яқуний молиявий натижа”га олиб боришни таклиф қилади.

Иктисодий адабиётларни ўрганиш, таҳлил қилиш машина ва асбоб-ускуналарни сақлаш ҳамда фойдаланиш харажатлари ҳисоби нафақат илмий адабиётларда, балки ўқув-услубий адабиётларда ҳам алоҳида аҳамият берилаётганлиги ушбу харажатлар ҳисобининг долзарблигидан далолат беради. Баъзи иктисодчилар томонидан асбоб-ускуналарни сақлаш ҳамда улардан фойдаланиш харажатларини айрим маҳсулотлар ўртасида тақсимлашнинг оддий ва осонроқ усуллари ҳам тавсия этилган.

Марказлаштирилган режали иктисодиёт шароитида илмий тадқиқотлар олиб борган россиялик иктисодчи олим А.А. Додонов бу тўғрида қуйидагича: “Асбоб-ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатларини маҳсулот турлари ўртасида асбоб-ускуналарни тузатиш ишларининг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ишлаган вақтларига мутаносиб равишда тақсимлаш мақсадга мувофиқдир”<sup>55</sup> деган таклифни беради.

Бу борада Т.В. Блинова, В.Н. Журавлёвлар ҳам “асбоб-ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатлари ой охирида маҳсулот турлари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида смета ставкаси бўйича мутаносиб тақсимланади” деб таъкидлайди<sup>56</sup>.

Т.Н. Бабченконинг таъкидлашича “асбоб-ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатлари маълум маҳсулотлар бирлигини ишлаб чиқаришда, маҳсулот турлари ўртасида ушбу харажатларнинг асбоб-ускуналарни бир соатлик иш вақтига ва унинг узунлигига тўғри келадиган ҳажми (асбоб-ускуналарнинг қиймати, мураккаблиги, қуввати ва бошқа характерисикаларини ҳисобга олган ҳолда) бўйича тақсимланади.”<sup>57</sup>

Н.А.Кириллова, В.М.Богаченколарнинг фикрича “асбоб-ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатлари ой охирида маҳсулот турлари ва тугалланмаган ишлаб чиқариш ўртасида смета ставкаси бўйича мутаносиб тақсимланади. Смета ставкалари бўлмаганда эса, ушбу харажатлар асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг иш ҳақларига мутаносиб тақсимланади. Смета ставкалари асбоб-ускуналарнинг бир соатлик иш вақтига тўғри келадиган смета харажатларини асбоб-ускуналарни ишлаган машина-соатлари миқдорига кўпайтириш орқали топилади”<sup>58</sup>. Аммо, марказлаштирилган режали иктисодиёт шароитида тегишли давлат органлари томонидан тавсия этилган асбоб-

<sup>55</sup> Додонов А.А. Бухгалтерский учет в промышленности с основами учета в системе бытового обслуживания. М.: «Легкая и пищевая промышленность». 1981. -235 с.

<sup>56</sup> Блинова Т.В., Журавлёв В.Н. Бухгалтерский учет. Учебное пособие, 2-е изд. Исправ и доп. –М.: Фирм: ИНФРА-М. 2005. -179 с.

<sup>57</sup> Бабченко Т.Н. О включении в себестоимость общепроизводственных и общехозяйственных расходов. –М.: Журнал «Бухгалтерский учет». № 2. 2009. -38 с.

<sup>58</sup> Кириллова Н.А., Богаченко В.М. Бухгалтерский учет для вузов: учебник, 2-е изд. перераб и доп. –М.: ТК Велби, изд-во Проспект, 2008. -464 с.

ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатларини тақсимлаш усуллари мураккаблиги туфайли амалиётда кенг қўлланилмайди.

Бу тўғрида А.П. Пўлатов, Ш.Т. Эргашева, Н.Н. Урунбоевлар “Илгари машина ва асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари тегишли Низомга асосан смета ставкаларига мутаносиб равишда тақсимланиши белгилаб берилган эди. Бироқ, бу нарса мураккаблиги туфайли амалиётда кенг қўлланилмайди. Бу харажатларни тақсимлашнинг кенг тарқалган асосий иш ҳақига нисбатан мутаносиб тақсимлаш усули иқтисодий жиҳатдан асосланмагандир. Чунки ишлаб чиқариш жараёни юқори даражада механизацияланган иш жараёни билан қўл меҳнати юқори бўлган иш жойида бундай харажатлар турлича бўлади. Шунинг учун, сув хўжалик корхоналарида бундай харажатларни тақсимлаш учун асос асосий иш ҳақи эмас, балки ишлаб чиқариш ишчиларининг ишлаган киши-соатлари бўлиши керак, чунки бу корхоналарда ишлаган иши тўғри ва аниқ ҳисобга олиб борилади”<sup>59</sup> деб ёзишади.

Баъзи иқтисодчилар асбоб-ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатларини тақсимлашда муқобил усуллари қўллашни тавсия этади. Худди шундай М.Х. Юсупов томонидан қуйидаги: “- фақат битта ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган машина ва асбоб-ускуналарни асраш ва фойдаланиш харажатларини бевосита ўша маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига олиб бориш; - бир печа маҳсулот ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи машина ва асбоб-ускуналарни асраш ва фойдаланиш харажатларини эса тақсимланадиган харажатлар сифатида 2510 “Умумишлаб чиқариш сарфлари” счётида ҳисобга олиш”<sup>60</sup> тавсиясини келтириш мумкин. Фикримизча, ушбу таклифни асбоб-ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш харажатларини тавсия қилинган икки гуруҳда ҳисобга олиш имконияти мавжуд бўлганда амалиётда қўллаш мумкин.

Юқорида таъкидланган умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобидаги иккинчи муаммо - умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш бўйича ҳам иқтисодий адабиётларда турлича фикрлар мавжуд.

Умумишлаб чиқариш харажатлари ҳисобига оид илмий тадқиқотларда ушбу харажатлар таркибида ҳисобга олинаётган айрим харажатларни бошқа харажатларда ҳисобга олиш тавсия қилинмоқда. Чунки бундай тажриба бизнинг ҳисоб сиёсатимизда илгари ҳам мавжуд бўлган.

МДХ давлатларидан фарқли ўларок Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия тизимида биринчи ва иккинчи хил харажатлар белгиланган тақсимот базасига мутаносиб равишда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига қўшилади. Давр харажатлари эса, хўжалик юритувчи субъектнинг фойдаси ҳисобидан қопланади.

<sup>59</sup> Пўлатов А.П., Эргашева Ш.Т., Урунбоев Н.Н. Бошқарув ҳисоби. Ҳуқуқ қўллашда. -Т.: Тошкент ирригация ва мелiorация институти, 2002. -48 б.

<sup>60</sup> Юсупов М.Х. Қурилиш материалларининг ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва илбороти. И.Ф.н. илмий даражасини олиш учун баъжарилган дис. автор. -Т., 2006. -17 б.

Умумишлаб чиқариш харажатлари корхоналарда ишлаб чиқариш хисоботларининг махсус бўлимида кўрсатилади. Бухгалтерия ҳисобини “Бош дафтар” шаклида юритганда, умумишлаб чиқариш харажатлари кўп хонали дафтар очилиб, унга тегишли ҳужжатлар маълумотлари ёзилади. Умумишлаб чиқариш харажатларини ойлар бўйича жамлаб бориш учун бухгалтерияда махсус шаклдаги кайднома тузилади (2.2.1-иловага қараган). Ушбу кайдноманинг маълумотлари умумишлаб чиқариш харажатларини таҳлил этиш ва уларни ҳар бир бўлимлар бўйича назорат қилиш, шунингдек, ҳар ойда, йил охирида бу харажатларни тақсимлаш жараёнида фойдаланилади.

Эгри харажатлар ҳисобланувчи умумишлаб чиқариш харажатларини ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар)га тўғри, илмий асосда тақсимлашнинг оқилона усул ва тамойилларини аниқлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай харажатларни тақсимлаш усуллари бўйича олимлар ўртасида бир хил қараш мавжуд эмас.

Россиялик иқтисодчи олимлар Н.А. Лытнева, Л.И. Малявкина ва Т.В. Федороваларнинг изоҳига кўра “ҳозирги вақтда эгри харажатларни тақсимлашнинг қуйидаги: асосий ишлаб чиқариш ишчиларининг тўғри иш ҳақиға мутаносиб; тўғри харажатлар суммасига мутаносиб; тўғри материал харажатларига мутаносиб; маҳсулот сотишдан тушган тушумға мутаносиб тақсимлаш каби усуллари қўлланилмоқда”<sup>61</sup>, - деб, таъкидлайдилар.

Н.П. Кондраковнинг фикрича “умумишлаб чиқариш харажатлари ой охирида маҳсулот турлари ўртасида ишчиларнинг иш ҳақларига мутаносиб тақсимланади ёки бошқа усуллар: меъёр ёки режа харажатларига мутаносиб; маҳсулотнинг оғирлиги ва ҳажмиға мутаносиб; ишчиларнинг ҳақиқатда ишлаган иш-соатларига мутаносиб; машина ва ускуналарнинг ҳақиқатда ишлаган машина-соатларига мутаносиб тақсимлаш усуллари”<sup>62</sup> тавсия қилинган.

Н.А. Кириллова, В.М. Богаченколар фикрича «умумишлаб чиқариш харажатлари ой охирида ҳар бир цех бўйича асосий ва ёрдамчи ишлаб чиқариш маҳсулот (ишлар, хизматлар)и таннархиға тулиқ киритилади ва маҳсулот турлари ўртасида қабул қилинган тақсимлаш базасига (масалан, ишлаб чиқариш ишчиларининг асосий иш ҳақиси) пропорционал тарзда тақсимланади”<sup>63</sup>, - деб таъкидлаганлар.

А.Д. Шеремет фикрича “умумишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот турлари бўйича масус усуллар ёрдамида тақсимланади. Ушбу харажатларни тақсимлашда, одатда, ҳар бир ишлаб чиқариш бўлими ёки ишловчи объект учун белгиланган умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг йиллик режа коэффициентлари қўлланилади”<sup>64</sup>.

О.В. Рыбакованинг фикрича “умумишлаб чиқариш харажатларининг маҳсулот турлари бўйича тақсимлаш кетма-кетлиги танланган тақсимлаш

<sup>61</sup> Лытнева Н.А., Малявкина Л.И., Федорова Т.В. Бухгалтерский учет. –М.: Форум-Инфра-М, 2006. 183 стр.

<sup>62</sup> Кондраков Н.П. Бухгалтерский учет –М.: ИНФРА-М., 2006. -506 с.


<sup>63</sup> Кириллова Н.А., Богаченко В.М. Бухгалтерский учет для вузов: учебник, 2- изд. перераб. и доп. –М: ТК Велби, изд-во Проспект, 2008. –464 с.

<sup>64</sup> Шеремет А.Д. Управленческий учет. Учебник. -М : ИД ФБК –Пресс, 2005. - 68 с.

базасига ва бу харажатларнинг жорий ҳисоб усулига боғлиқдир”<sup>65</sup>, деб изоҳлайди. Муаллиф умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашнинг 2 хил усулини тавсия этади.

1-усул. Харажат элементлари бўйича умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш. Ушбу усул қўлланилганда умумишлаб чиқарил харажатлари аввал ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турлари бўйича, сўнг эса маҳсулот турлари ичида тўғри харажат элементлари бўйича тақсимланади (2.3-расмга қаранг).


2-усул. Калькуляция моддалари бўйича умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш. Бунда умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳар бир маҳсулот туридаги “улуши” аниқланади ва аниқланган сумма шу маҳсулотнинг “Умумишлаб чиқариш харажатлари” калькуляция моддасида акс эттирилади (2.5-расмга қаранг).



**2.5-расм. Харажат элементлари бўйича умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш.**

2-усул қўлланилганда, умумишлаб чиқариш харажатларининг ҳар бир алоҳида харажат моддалари маҳсулот турлари ўртасида, харажатлар хусусиятига мос келувчи тақсимлаш базаси килиб олинган тўғри харажатларга муносиб тақсимланади.

<sup>65</sup> Рыбакова О.В. Бухгалтерский управленческий учет и управленческое планирование. – М.: Финансы и статистика. 2005. – 335 с.



**2.6-расм. Калькуляция моддалари бўйича умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлаш.**

Бу ҳақда Д. Азларов қуйидаги фикрни билдиради “Биз умумишлаб чиқариш харажатларини асосий ишлаб чиқаришдаги ишчиларнинг меҳнат ҳақларига муносиб равишда эмас, балки ҳақиқатда ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорига муносиб равишда тақсимлашни тавсия этамиз. Натижада маҳсулот таннари нисбатан пасаяди, уни тўғри ҳисоблаш имконияти яратилади”<sup>66</sup>.

Фикримизча, тадқиқотчи ушбу тавсияни ишлаб чиқишда тадқиқот объекти ҳисобланган нон ишлаб чиқариш корхоналарининг хусусиятларидан келиб чиқади.

Баъзи иқтисодчи олимлар умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда ушбу харажатларнинг нима мақсадда амалга оширилганидан келиб чиқиб тақсимлаш усулини танлашни тавсия этади.

Худди шундай фикрни А.А. Каримов ҳаммуалифлигидаги дарслиқда “Умумишлаб чиқариш харажатлари қуйидаги тақсимот базаларига нисбатан тақсимланса мақсадга мувофиқ бўларди:

- ишлаб чиқариш бинолари ижара ҳақи уларнинг жойлашган майдонига мувофиқ;
- ишлаб чиқаришдаги машина ва ускуналар ижара ҳақи ҳақиқатда ишлаган иш соатларига мувофиқ;
- ишлаб чиқариш биноларини ёритиш, иситиш ва сақлаш харажатлари уларнинг жойлашган майдонига мувофиқ;

<sup>66</sup> Азларов Д. Нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва теҳлилини тақомиллаштириш. И.Ф.п. илмий даражасини олиш учун бажарилган дис. автор. -13 б.

- ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш билан банд бўлган ишлаб чиқарувчи ходимларга иш ҳақи харажатлари ҳисобланган иш ҳақиға мутаносиб равишда;

- асосий ишлаб чиқариш воситаларини тўлиқ тиклаш учун амортизация ажратмалари ҳамда уларни таъмирлаш харажатлари уларнинг бошлангич қийматларига мувофиқ<sup>67</sup> бўлишини таъкидлайди.

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда юқоридаги усуллардан бирини танлаш корхонанинг ҳисоб сийсатида расмийлаштирилади.

Р.О. Холбеков фикрича “донни сақлаш ва қайта ишлаш корхоналарида бир ҳисобот даврида бир хил хомашёдан уч турдаги (олий навли, биринчи навли ва иккинчи навли ун) маҳсулот ишлаб чиқарилиши мумкин. Агар бу ерда эгри харажатлар асосий тўғри харажатлар (асосий хомашё ва материаллар, меҳнат ҳақи) қийматига нисбатан мутаносиб тақсимланадиган бўлса, асосий хомашё ва материаллар бир хил қийматга эга ҳамда меҳнат ҳақи миқдори ҳам бир хил. Лекин ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми ҳар хил. Чунки бу маҳсулотларнинг чиқиш меъёри навлари бўйича ҳар хилдир”,<sup>68</sup> - деб таъкидлайди. Шунинг учун бу тармоқ учун эгри харажатларни тақсимлашда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан мутаносиб тақсимланиши оқилона вариантлардан биридир.

Фикримизча, юқорида тақлиф этилган эгри харажатларни маҳсулот турлари ўртасида тақсимлаш усули фақатгина ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ҳажмини ҳисобга олган.

Маълумки, ҳар қандай маҳсулот ишлаб чиқариш билан банд бўлган хўжалик юритувчи субъектларда асосий ишлаб чиқариш цехларидан ташқари бир қанча қўшимча ёрдамчи ишлаб чиқаришлар ҳам ташкил қилинади ва ҳар бир ёрдамчи ишлаб чиқаришнинг кўрсатган хизмати ҳамда бажарган ишининг таннархи алоҳида аниқланади (2.3-жадвалга қаранг).

### 2.3-жадвал

«Ramel tekstil» МЧЖ ХКда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи<sup>69</sup>

минг сўмда

Кўрсаткичлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи	441 732,0	960 553,0	1.438.634,0	792 997,0	2.420.162,0
Шу жумладан, умумишлаб чиқариш харажатлари	8 801,0	27 623,0	61 028,0	51 386,0	52 941,0
Умумишлаб чиқариш харажатларининг ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархидаги улуши (салмоғи)	2%	3%	4,3%	6,5%	2,2%

Ушбу 2.3-жадвалдан, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Ramel tekstil» МЧЖ ХКда маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи беш

<sup>67</sup> Каримов А.А., Исмолов Ф.Р., Авлюқов А.З. Бухгалтерия ҳисоби. -Т.: Шаръ, 2004. 119-120 б.

<sup>68</sup> Холбеков Р.О. Ишлаб чиқариш ҳисобини ташкил қилишнинг тамойиллари ва услубияти. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. -Т., 2006. - 62 б.

<sup>69</sup> «Ramel tekstil» МЧЖнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди.

йил ичида ортиб борганлигини, унинг таркибидаги умумишлаб чиқариш харажатларининг салмоғи 2010 йилгача 6,5 фоизгача ўсиб борганлигини 2011 йилда 2,2 фоизга тушганлигини кўриш мумкин.

Шунингдек, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Alkim Tekstil” МЧЖ ХКда умумишлаб чиқариш харажатлари корхона миқёсида 2510- “Умумишлаб чиқариш харажатлари” счегида ҳисобга олиниб, ой охирида барча ишлаб чиқариш ва маъмурий бўлимлар ўртасида уларни майдонининг катталигига нисбатан тақсимланади. Ишлаб чиқариш бўлимлари бўлган тўқув, бичув ва тикув цехларида умумишлаб чиқариш харажатлари калькуляция объектига маҳсулот бирлигига сарфланган хомашё ва материаллар миқдорига қараб ўтказилади. Шунингдек, “Alkim Tekstil” МЧЖ ХК давр харажатлари таркибига кирувчи 9410 -“Сотин харажатлари”, 9420-“Бошқарув харажатлари” ва ҳаттоки 9430-“Бошқа операцион харажатлар” счеги харажатлари таркибида тақсимланиб ўтказилган 2510- “Умумишлаб чиқариш харажатлари” счеги харажат моддасини кўришимиз мумкин.

Бизнингча, умумишлаб чиқариш харажатларининг барча ишлаб чиқариш ва маъмурий бўлимларнинг майдонини катталигига қараб тақсимланиш амалиёти ноўрин бўлиб, уларда ишлаб чиқарилаётган ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар таннархини нотўғри аниқлашга олиб келади. Агар умумишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги асбоб-ускуналарни сақлаш ва ишлатиш харажатлари, электр энергия, сув-буг харажатлари, асосий воситалар амортизацияси харажатлари ва бошқа харажатларни ушбу харажатларга мос тақсимлаш базасини танлаб ишлаб чиқариш бўлимларига ўтказилганда, ҳар бир бўлим бўйича харажатларнинг объектив суммаси аниқланишига имкон яратилади.

Шунингдек, маъмурий бўлимларнинг дезинфекция харажатлари, электрэнергия сарфи, чикиндиларни олиб кетиш бўйича харажатлари, қўриқлаш харажатлари ва бошқа шунга ўхшаш харажатлар давр харажатлари счегининг дебетида 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счегининг кредитидан эмас, балки тўғридан-тўғри ўтказилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарида умумишлаб чиқариш харажатларининг сарфланган хомашё ва материалларга нисбатан улушини қуйидаги жадвал маълумотларидан кўришимиз мумкин (2.4-жадвалга қараң).

2.4-жадвал маълумотларига кўра, 2009 йили иккала корхонадан ҳам умумишлаб чиқариш харажатлари суммаси юқори бўлиб, кейинги йилларда уларнинг камайиб бориши кузатилмоқда. Хомашё ва материалларга нисбатан улуши 24,2 фоиздан 3,7 фоизгача танкил этишини кўришимиз мумкин.

Фикримизча, юқорида келтирилган муаллифларнинг тавсияларини барча тоифа корхоналарга бирдек қўллаш мумкин эмас.



**Умумишлаб чиқариш харажатларининг хом ашё ва материалларга  
нисбатан улуши<sup>70</sup>**

**МИНГ СЎМДА**

№	Харажатлар	«Ramel tekstil» МЧЖ ХК			«Alkim Tekstil» МЧЖ ХК		
		2009 й.	2010 й.	2011 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
1.	Маҳсулот ишлаб чиқариш танархи, шу жумладан,	1438634,0	792 997,0	2420162,0	6589334,0	7217772,0	6311558,0
1.1.	Хомашё киймати,	805635,0	499588,0	1427896,0	3739002,0	4979163,0	4380126,0
1.2.	Умумишлаб чиқариш харажатлари	61 028,0	51 386,0	52 941,0	905981,0	461433,0	414481,0
2.	Умумишлаб чиқариш харажатларининг материалларга нисбатан %	7,6	10,3	3,7	24,2	9,2	9,4

Умумишлаб чиқариш харажатларини тақсимлашда қайси усулни қўллаш кўп жиҳатдан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш хусусиятларига боғлиқ бўлади.

### **2.3. Корхоналарда давр харажатлари ҳисобининг ҳозирги ҳолати**

Бозор муносабатларига асосланган иқтисодий шакллантириш ва ривожлантириш республикада бошқарувнинг муҳим воситаларидан бири бўлган бухгалтерия ҳисобини ҳам тубдан ислоҳ қилиш масаласини, унинг янги ҳўжалик юритиш ҳамда бошқариш талабларига мос келадиган концепциясини яратишдек долзарб вазифани кўндаланг қилиб қўйди.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлардан ташқари, маълум даражада ишлаб чиқаришни бошқариш ва ишларни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳам мавжуд. Ушбу харажатлар мазмунан давр харажатлари бўлиб, сотишдан тушган ялпи даромаднинг қарийб 30 фоизгача ташкил этади.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда давр харажатларининг таркиби қуйидаги жадвалда келтирилган (2.4.1-жадвалга қараң).

2.3.1-жадвал маълумотларга кўра, корхоналарда давр харажатлари таркибда маҳсулот сотиш харажатлари 38 фоиздан 14,1 фоизга, маъмурий харажатлар 53 фоиздан 14,1 фоизга камайган, бошқа операцион харажатлар ҳажми эса, улар 9 фоиздан 71,6 фоизга ортган.

<sup>70</sup> «Ramel tekstil» МЧЖ ХК ва «Alkim Tekstil» МЧЖ ХКнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди

2009-2011 йилларда давр харажатлари таркиби<sup>71</sup>

милг сўмда

Кўрсаткичлар	«Ramel tekstil» МЧЖ ХКда			«Alkim Tekstil» МЧЖ ХКда		
	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Давр харажатлари, шундан:	154948,0	208309,0	204384,0	1634677,0	1199796,0	1263147,0
Сотиш харажатлари	59 595,0	41 568,0	67 110,0	132176,0	241698,0	178553,0
Умумий суммага нисбатан % ҳисобида	38	20	33	8,2	20,1	14,1
Маъмурий харажатлар	81 534,0	87 817,0	74 160,0	316732,0	272479,0	180132,0
Умумий суммага нисбатан % ҳисобида	53	42	36	19,5	22,7	14,3
Бошқа операция харажатлар	13 819,0	78 924,0	63 114,0	1185769,0	685619,0	904462,0
Умумий суммага нисбатан % ҳисобида	9	38	31	72,3	57,2	71,6

Бозор муносабатларига ўтиб, бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилаётган бир пайтда хўжалик ҳисобининг собиқ Игтifoқ тузумида узоқ йиллар давомида шаклланиб келган ҳамда ҳозирги кунда ҳам айрим жиҳатлари сақланиб қолаётган, хусусан, хўжаликни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар ҳисоби ва уларни тақсимлаш усулларини учратишимиз мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини ислоҳ қилишга қадар бу харажатлар тижорат, муомала ва умумзавод харажатлари ҳисобланиб, ҳар ойнинг охирида (жамоа хўжаликларида йил охирида) ишлаб чиқарилган маҳсулот, бажарилган иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш ва тула таннархига маълум кўрсаткичларга мутanosиб тақсимланар эди. Умумзавод харажатлари маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархига, тижорат ва муомала харажатлари маҳсулотнинг тула таннархига тақсимланиб келган.

Илгари айтганимиздек, иқтисодийни ислоҳ қилиш жараёнида 1999 йили «Харажатлар таркиби тўғрисида»ги Низом ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Ушбу Низом бўйича «умумзавод, тижорат ва муомала харажатлари» «Давр харажатлари» деб юритиладиган бўлди. Демак, «Давр харажатлари» корхона харажатлари тизимида янги кўрсаткич бўлиб, унинг таркибига ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлмаган маъмурий, сотиш ва бошқа операция харажатлар киради. Бу харажатлар тегишли сметларда жамлаб борилиб, қайси ҳисобот даврида вужудга келган бўлса, шу даврда ҳисобдан чиқарилади. Бундан хулоса қиладиган бўлсак, давр харажатлари ишлаб чиқаришдан ташқари фаолият билан боғлиқ харажатларнинг салмоғини ошириб, корхона фойдасини камайтиради.

Шу боисдан, монографияда «Ramel tekstil» МЧЖ ХКнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотларини таҳлил этиш мақсадида унинг иқтисодий

<sup>71</sup> «Ramel tekstil» МЧЖ ХК ва «Alkim Tekstil» МЧЖ ХКнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди

кўрсаткичларини кўриб чиқишга тўғри келди. Бу ўринда, давр харажатларининг барча харажатдаги улушини таҳлил қиламиз (2.4.2-жадвалга қаранг).

2.4.2-жадвал маълумотларига ҳўра, сотилган маҳсулот таннархининг жами харажатлардаги улуши ўсиб бориши билан давр харажатларининг улуши камайиб бормоқда. Лекин унинг абсалют миқдори йиллар давомида кўтарилиб бормоқда.

2.4.2-жадвал  
«Ramel tekstil» МЧЖ ХКда харажатлар таркиби<sup>72</sup>

минг сўмда

Кўрсаткичлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Жами харажатлар, ҚҚС ва акцизсиз:	298 571,0	1 046 244,0	1 682 220,0	1 261 182,0	2 766 865,0
Сотилган маҳсулот ташархи	217 687,0	922 899,0	1 500 840,0	842 743,0	2 106 055,0
Сотилган маҳсулот таннархининг жами харажатларидаги улуши %%	72	88,2	89,2	66,8	76
Давр харажатлари	38 757,0	87 269,0	154 948,0	208 309,0	204 384,0
Давр харажатларининг жами харажатлардаги улуши %%	13	8,3	9,2	16,5	7,4
Молиявий фаолият бўйича харажатлар	42 127,0	36 076,0	26 432,0	210 130,0	456 426
Фавқулодда зарар	-	-	-	-	-

Бошқаришнинг асосий вазифалари ичида ҳисоб муҳим аҳамиятга эга. У режа кўрсаткичларининг реал бажарилишини миқдор ва сифат жиҳатдан тавсифловчи ахборотларни йиғиш, қайд этиш, гуруҳлаш ҳамда узатиш воситаси ҳисобланади. Демак, ҳисоб бошқаришнинг бошқа вазифалари ўртасидаги алоқаларни таъминлайди (2.4.3-жадвалга қаранг).

2.4.3-жадвал  
«Ramel tekstil» МЧЖ ХКда давр харажатлари таркиби<sup>73</sup>

минг сўмда

Кўрсаткичлар	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2011 й.га нисбатан
Давр харажатлари, жами, шу жумладан:	38 757,0	87 269,0	154 948,0	208 309,0	204 384,0	132 %
Сотиш харажатлари	1 537,0	29 292,0	59 595,0	41 568,0	67 110,0	113 %
Маъмурий харажатлар	31 916,0	48 657,0	81 534,0	87 817,0	74 160,0	91 %
Бошқа операциялар харажатлар	5 304,0	9 320,0	13 819,0	78 924,0	63 114,0	457 %

<sup>72</sup> «Ramel tekstil» МЧЖ ХК нинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди

<sup>73</sup> «Ramel tekstil» МЧЖ ХКнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари асосида тузилди

2.4.3-жадвал маълумотларига кўра, «Ramel tekstil» МЧЖ ХКда давр харажатлари йилдан-йилга ўсиб бориши жамиятнинг яқуний молиявий натижага сезиларли таъсир этишидан далolat бермоқда. Шунингдек, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда давр харажатлари таркибидаги 3 хил харажатларни алоҳида таҳлил этилган куйидаги маълумотларга эга бўлди (2.4.1-2.4.3 -иловаларга қаранг).

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, 2011 йилда давр харажатлари 2009 йилга нисбатан 32 % ошган. Бу ўзгариш сотиш харажатларини қисман ва асосан бошқа операцион харажатларнинг 4,5 баробардан ҳам кўпроқ ошганлиги эвазига эришилган. Бу, албатта, корхонанинг ҳисобот йили молиявий натижасига салбий таъсир этади.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда 9400-“Давр харажатларини ҳисобга олувчи счет”да очилган юқоридаги учта счет ҳам 9910-“Яқуний молиявий натижа” смети билан ҳисобот даври охирида боғланади ва ушбу счетларда қолдиқ қолмайди.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлардан фарқли ўлароқ, маҳсулотларни сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлар сотиш харажатлари дейилади. Амалдаги “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ сотиш харажатлари таркиби белгилаб қўйилган.

О. Бобожонов ва К.Т. Жуманиязов фикрига кўра, “маҳсулот ўраб-боғлаш ва сақлашга оид харажатлар харидорлар томонидан сарфланса, сотув харажатларига киритилмайди”<sup>14</sup> дейилган.

Бизнингча, юқорида келтирилган иқтисодчи олимларнинг фикрларини тўғри деб бўлмайди ва илмий-амалий жиҳатдан асослаб беришни такозо этади.

Мамлакатимиздаги иқтисодчи олимларнинг тадқиқот ишларида ҳам давр харажатларини ҳисобга олишда турли хил фикрлар мавжудлиги аниқланди. Масалан, бу тўғрида тадқиқотчи Б.И. Исроилов ёзишича: “Давр харажатлари” сметининг биринчи субсмети “Сотиш харажатлари”нинг ўрнига 44-“Муомала харажатлари” скетини тиклаш ва унинг таркибида биринчи “Солиққа тортиладиган базадан камайтирилмайдиган харажатлар”, иккинчиси “Солиққа тортиладиган базадан камайтирилмайдиган харажатлар” субсметларини очиш ва бу смети аналитик скетини эса харажат турлари бўйича олиб бориш;

– ҳозирги пайтда солиқ солиш базасига қайта қўшиладиган харажатлар турларининг кўпчилиги, уларнинг жуда катта аҳамият касб этиши ва ушбу харажатларни ҳисобга олишда хатоликларга йўл қўймаслик мақсадида, уларнинг корхоналар молиявий ҳолатига сезиларли таъсир қилиши каби ҳолатларни инобатга олиб, ҳар бир харажатлар сметида алоҳида субсчет ёки “Солиққа тортиладиган базага қайта қўшиладиган харажатлар” номли янги смети счетлар режасига киритиш;

– низомда кўзда тутилган молиявий натижалар кўрсаткичлари ҳисобининг методологияси амалиётдаги мавжуд тартиб ва талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини инобатга олиб ҳозирги ҳаракатдаги субсметлардан воз кечиб, ягона “Фойда ва зарарлар” сметида ўтиш лозимлиги ва молиявий

<sup>14</sup> Бобожонов О., Жуманиязов К. Молиявий ҳисоб. -Т.: Молия, 2002. -421б.

хисоботда зарарни минус (қизил) билан кўрсатмасдан, балки уни харажатлар таркибида акс эттириш мақсадга мувофиқлиги”<sup>75</sup> тавсия қилинган.

Тадқиқотчи Б.И. Исроиловнинг ушбу тавсияга ижобий бўлишига қарамай, у 2004 йилгача амалда бўлган ҳисоблар режасига асосланган, шунингдек, тадқиқотчининг ҳар бир харажат счётида алоҳида “Солиққа тортиладиган базага қайта қўшиладиган харажатлар” номли субсчётни киритиш ҳисоб-китобнинг мураккаблашувига сабаб бўлади.

Муаллиф таклиф этган ягона “Фойда ва зарарлар” счётига ўтиш амалда ўз аксини топди дейиш мумкин. Чунки ҳозирги 21-БҲМС бўйича юритилаётган 9910-“Яқуний молиявий натижа” счёти мазмун жиҳатдан таклиф этилган счётга жуда яқин. Айрим тадқиқотчилар сотиш харажатларини маҳсулот ҳажмига боғлиқлигига қараб гуруҳлашни таклиф этади. Чунончи, Х. Ҳамидова бу тўғрида қуйидагиларни ёзади: “бунда давр харажатлари икки қисмга ажралиб, тижорат харажатлари ўзгарувчан харажатларга, бошқарув харажатлари эса доимий харажатларга шартли равишда қўшилади. Чунки тижорат харажатлари маҳсулот ҳажмининг ўзгариши таъсирида мутаносиб равишда кўпайиб ёки камайиб боради, уни инобатга олиб, тижорат харажатларини ўзгарувчан харажатлар таркибига қўшиш иқтисодий жиҳатдан тўғри бўлади”<sup>76</sup> деб, ҳисоблайди.

Бизнингча, тадқиқотчининг фикрлари ўринлидир. Чунки сотиш харажатларининг бир қисми маҳсулот ҳажмига бевосита боғлиқ бўлади.

Фикримизча, маъмурий харажатларнинг таркибида ҳисобга олинаётган кўпчилик харажатлар иқтисодий мазмуни жиҳатдан ушбу қисм харажатларига мос келмайди. Бундай харажатларга мулкни мажбурий суғурта қилиш харажатлари, вакиллик харажатлари, биноларни бепул бериш ва коммунал хизмат ҳақлари ва экология харажатлари. Чунки мулкни суғурта қилиш харажатлари аниқ мулк билан боғлиқ бўлиб, бу мулк корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланилса уни сақлаш ва ишлатиш харажатлари таркибида ҳисобга олиниши лозим. Маъмурий харажатлар таркибида эса умумхўжалик миқёсида фойдаланиладиган мулкнинг суғурта харажатлари ҳисобга олиниши ва бу харажатларни ушбу модда билан номлаш лозим.

Вакиллик ва экология харажатларининг барчасини маъмурий харажатлар таркибига олиб бориш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, бу харажатларнинг асосий қисмини тегишли харажат счётларига олиб бориш мумкин.

Бепул берилган биноларни ҳисобдан чиқариш 9210-“Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши” счётида ҳисобга олинади. Бепул беришдан кўрилган зарарни 9430-“Бошқа операцион харажатлар” таркибида ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки асосий воситаларни сотиш ва бошқа сабабларга мувофиқ чиқиб кетишидан кўрилган зарарлар ушбу счётда ҳисобга олинади.

<sup>75</sup> Исроилов Б.И. Солиқларнинг молиявий ҳисоби ва тахлилининг методология асослари: и.ф.д. дис. автореф. – Т.: ЎзР БМА, 2006. – 42 б.

<sup>76</sup> Ҳамидова С. Ингичка талаф пахта етиштириш ва қайта ишлаш харажатларининг ҳисоби ва тахлили. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. – Т., 2000. – 186.

Бозор иқтисодиёти шароитида коммунал хизмат туловлари қайси мақсадлар учун сарфланганлиги аниқ кўрсатилиши лозим.

Фикримизча, фақат корхона маъмуриятига тегишли харажатлар ушбу суретда ҳисобга олиними лозим.

9430-“Бошқа операцион харажатлар” суретида “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низомнинг 2.3 параграфиди келтирилган харажатлар ҳисобга олиними назарда тутилган. Бу харажатлар таркиби жиҳатидан анча мураккаб бўлиб, ушбу суретда иқтисодий мазмун жиҳатидан турлича бўлган, айниқса вужудга келиши жиҳатидан бир-бирига зид бўлган харажатларнинг битта суретда ҳисобга олиними бошқарув қарорларини қабул қилишни анча мураккаблаштиради.

“Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низомнинг 2.3 параграфининг 2.3.21. бандида келтирилган “бошқарув ходимларига ва ишлаб чиқариш жараёнида қатнашмайдиган бошқа ходимларга вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари тўлаш билан боғлиқ харажатлар”ни бошқа операцион харажатлар сифатида ҳисобга олиними асоссиз деб ҳисоблаймиз. Чунки ҳақиқатда ҳам 9430-“Бошқа операцион харажатлар” суретидаги харажатлар мазмун жиҳатидан бир-бирига яқин бўлмаса-да, ушбу суретда ҳисобга олиш белгилаб қўйилган.

Шунингдек, “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низомнинг 2.3 параграфининг 2.3.23. “Айрим машиналар ва механизмларни яқка тартибда синаб кўриш ҳамда фойдаланилаётган усқуналар ва техник қурилмаларнинг барча турларини уларни монтаж қилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс (маҳсулот чиқармасдан) ишлатиб кўриш” харажатлари бошқа операцион харажатлар сифатида ҳисобга олиними, ўша ойда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотишдан келаётган фойдани камайтирилишига олиб келади. Шу боисдан, ушбу харажатларни 2.3 – параграфда ҳисобга олиш асоссиз деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, бу харажатларни бир тартибга келтириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу муаммоларнинг ечими кейинги бобнинг 3.2- параграфиди батафсил ёритиб берилади.

Шундай қилиб, монографияда давр харажатлари ҳисоби амалиёти ва уни такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотларни ўрганиш улар ҳисобида анча мураккаб муаммолар борлигини кўрсатди. Бу, ўз навбатида, бундай муаммоларнинг ечимини ишлаб чиқиш бўйича самарали тадқиқотлар олиб борилишини талаб қилади.

### 3-боб. КОРХОНАЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА БОШҚАРИШ ХАРАЖАТЛАРИ ҲИСОБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

#### 3.1. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишда умумбригада харажатлари ҳисоби ва уни такомиллаштириш йўллари

Иқтисодийни модернизациялаш шароитида корхоналарда харажатлар ҳисобини ташкил этиш масалаларининг долзарблиги янада ортиб бормоқда. Бунинг асосий сабаби ички ва ташқи бозордаги рақобатнинг тобора кучайиши ҳамда баҳо сиёсатини юритиш учун бухгалтерия ҳисоби маълумотларига бўлган талабнинг ўсиши билан боғлиқдир. Чунки бозор муносабатларига ўтилиши бухгалтерия ҳисоби ва унинг таркибий қисми ҳисобланган харажатлар ҳисобини ҳам тубдан қайта ташкил этишни талаб қилади.

Тиқувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда харажатлар ҳисобини тўғри ташкил қилиш кўп жиҳатдан ишлаб чиқариш жараёни босқичларида харажатлар ҳисобининг тўғри йўлга қўйилишига боғлиқ.

Бу борада А.К. Ибрагимов “Шунинг учун ҳам ишлаб чиқариш жараёнининг иқтисодий самарадорлигини юкори даража бўлишини таъминлаш мақсадида унга сарфланаётган харажатлар ҳисоби ва назорати у билан бевосита боғлиқ бўлиши керак. Шунинг учун ҳам ҳисоб ва назоратнинг шундай усулларидадан фойдаланиш керакки, улар бир-бирини тақрорламаслиги ва аксинча тўлдириб бориши, шунингдек, ишлаб чиқариш жараёнлари давомида унинг иқтисодий натижаси қандай бўлиши тўғрисида маълумотлар берилиши керак. Ушбу маълумотлар асосида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатиш учун ишлаб чиқариш жараёни давомида унинг иқтисодий натижаси қандай бўлиши тўғрисида маълумотлар бериши зарур.

Ушбу маълумотлар асосида йўл қўйилган хато ва камчиликларни тугатиш учун ишлаб чиқариш жараёни тугамасдан туриб тегили чора-тадбирлар белгиланиши керак”<sup>77</sup> деб таъкидлайди.

Корхона харажатларини узлуксиз назорат қилиш ва уни самарали бошқариш учун тўғри бошқарув қарорларини қабул қилиш алоҳида аҳамиятга эга. Бунинг учун эса, раҳбар ва мутахассислар харажатлар тўғрисида аниқ ҳамда тўлиқ маълумотга эга бўлишлари лозим. Бошқариш учун зарур ахборотлар нафақат корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятини бошқаришда аҳамиятли, балки макро ва микро даражада ҳам бирдай аҳамиятлидир.

Бу тўғрида К.Б. Ўразов: “... бошқариш ўз навбатида жамиятнинг макро ва микро бўғинларида юз берган ва бераётган жараёнлар, хўжалик фаолиятини олиб бораётган субъектларнинг фаолияти, уларнинг маблағлари, ушбу маблағларни ташкил этиш манбалари, эришган молиявий натижалари ва бошқа жиҳатлари тўғрисидаги ахборотларни мавжудлигига боғлиқ бўлади. Бошқарув учун зарур маълумотларни асосан бухгалтерия ҳисоби, аниқроғи унинг

<sup>77</sup> Ибрагимов А.К. Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби, аудити ва қилмов хўжалиги маҳсулотлари таъминини аниқлашни такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автор. — Т.: ЎзР Банк-молия академияси, 2002. —18 б.

таркибий қисми ҳисобланган бошқарув ҳисоби таъминлаб беради ва унинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади”<sup>78</sup> деган фикрни билдиради.

Шунинг учун ҳам ҳар қандай ҳўжалик юритувчи субъект раҳбари юқори иқтисодий самарадорликка эришиш учун ўз фаолиятлари тўғрисида кенг қамровли маълумотларга эга бўлишлари зарур.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини замонавий иқтисодий талаблар асосида ташкил қилиш унинг таркибий қисми ҳамда бошланғич нуқтаси ҳисобланган умумбригада харажатлари ҳисобини такомиллаштиришдан бошлаш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, ушбу харажатлар ҳисобини уларнинг дастлабки ҳисобидан бошламоқ керак. Чунки дастлабки ҳисоб барча маълумотларнинг асоси ва уларни тўлақонли бўлишини таъминлайди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида корхоналарда умумбригада харажатларини ҳисобга олишда қуйидаги дастлабки ҳужжатлардан фойдаланилаётганлиги асосланди:

1. Иш вақтини ҳисобга олиш табели.
2. Юк хати.
3. Лимит-забор карталари.
4. Фойдаланишдаги махсус кийимларни ҳисобга олиш варақаси.
5. Ҳўжалик жиҳозлари ва инвентарларини ҳисобга олиш варақалари.
6. Электр-энергия сарфини ҳисобга олиш варақаси.
7. Техник назорат ўтказиш варақаси.
8. Эскириш (амортизация) ҳисоблаш ва тақсимлаш қайдномаси.
9. Нуқсонлар қайдномаси.
10. Сув сарфини ҳисобга олиш варақаси.
11. Бўғ сарфини ҳисобга олиш варақаси.
12. Далолатномалар.

Иш вақтини ҳисобга олиш табелида бригадир, уста ҳамда бригада ишчиларининг ҳақиқатда ишлаган вақтларини ҳисобга олишда фойдаланилади. Ўрнатилган қондаларга асосан бригадир, уста ва вақтбай ишловчи ишчиларнинг иш ҳақлари режа бажарилишига қараб коррективроқка қилинади. Масалан, режа 100 % бажарилса, белгиланган оклад олинади, 150 % бажарилса корхонанинг меҳнатга ҳақ тўлаш Низомига асосан оклад 40 %га ўсади ва ҳ.к.

Юк хати умумбригада мақсадлари учун материаллар (лампочка, резетка ва ҳ.к) сарфланса, эҳтиёт қисмлар ва мойлаш материаллари олинса қўлланилади.

Лимит-забор карта узлуксиз олиндиған материаллар учун фойдаланилади.

Фойдаланишдаги махсус кийимларни ҳисобга олувчи варақаси бригада аъзоларига берилган ва иш вақтида фойдаланаётган махсус кийимларни ҳисобга олишда қўлланилади. Бу кийимлар омбордан бригадага берилганда далолатномага асосан ҳисобдан ўчирилади, аммо фойдаланиш муддатида

<sup>78</sup> Уразов К.Б. Иқтисодийни эриштириш шартларида бухгалтерия ҳисобининг назарий ва методология муаммолари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун дис. автор... –Т.: УЎР Банк-молли академияси. 2006. – 46 б.



назоратни таъминлашда ушбу ҳужжатга асосан улар балансдан ташқари 014-“Фойдаланишдаги инвентар ва хўжалик жиҳозлари” ҳисобга олинади. Хўжалик жиҳозлари ва инвентарларини ҳисобга олиш варақаси ҳам юқоридаги ҳужжат каби фойдаланилади.

Электр энергияси сарфини ҳисобга олиш варақаси бригададаги машиналар, техникалар, усқуналар ва механизмларни ишлатиш учун сарфланган электр энергиясини ҳисобга олишда фойдаланилади.

Техник назоратдан ўтказиш кундалиги бригададаги машиналар, механизмлар, усқуналар ва дастгоҳларни техник назоратдан ўтказишни ва унга сарфланаётган моддий қийматликларни ҳисобга олишда қўлланилади. Техник қаров графикка асосан амалга оширилади.

Нуқсонлар қайдномаси бригададаги машиналар, механизмлар, усқуналар ва дастгоҳлар таъмирланишидан олдин уларнинг носозлиги аниқланганда тузилади ҳамда уларга нималар сарфланиши ва қанча харажат бўлиши кўрсатилади. Унда таъмирлашнинг смета қиймати, таъмирлаш амалга оширилганидан сўнг эса ҳақиқий харажат аниқланади.

Эскириш (амортизация) ҳисоблаш ва тақсимлаш қайдномаси ой охирида бухгалтерияда тузилиб, унда асосий воситаларга ҳисобланган эскириш суммаси ва уларнинг қайси харажат объектларга олиб борилиши кўрсатилади.

Сув сарфийи ҳисобга олиш варақаси. Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш технологияси катта ҳажмда сув сарфини талаб қилади (асосан иссиқ сув). Албатта бу ҳисобни талаб қилади. Буғ сарфини ҳисобга олиш варақаси эса сарфланган бугни ҳисобга олиш учун қўлланилади.

Далолатномалар моддий қийматликлар сарфланганда уларни ҳисобдан чиқаришда қўлланилади. Шунингдек, брак маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳам далолатномалар тузилади.

Фикримизча, умумбригада харажатларининг дастлабки ҳисобини такомиллаштириш учун қуйидагиларни тақлиф қиламиз:

1. Амортизация ҳисоблаш ва уни тақсимлаш қайдномасини енгил сановат корхоналарида қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки бу қайдномага асосан ҳисобланган амортизация суммасини ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархига олиб бориб бўлмайди. Сабаби, ушбу қайдномада корхона бўйича асосий воситалар турлари кўрсатилади. Шунингдек, уларнинг баланс қиймати, амортизация меъёри ва ойлик амортизация суммаси. Ҳисобланган амортизация суммаси 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобга олиб борилади ва 2010-“Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” ва 2310-“Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари” ҳисобга олиб борилади.

Фикримизча, бригадага тегишли асосий воситаларга алоҳида амортизация ҳисоблаш қайдномаси тузиш ва ушбу қайдноманинг кўрсаткичларини такомиллаштириш, яъни унда ҳар бир асосий воситанинг ишлаган вақти (соати), қайси маҳсулотни ишлаб чиқарганлиги ва уларнинг ҳажми, шунингдек, меъёр бўйича қанча вақт сарфланиши кўрсатилиши лозим. Ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга меъёр бўйича сарфланган вақт ва уларнинг жами меъёрий вақтдаги салмоғи аниқланади. Амортизация суммаси уларнинг салмоғига

мутаносиб тақсимланади. Бир вақтнинг ўзида амортизация харажатлари меъёрий ва ҳақиқий суммада кўрсатилади, натижада фарқлинишини билиш мумкин.

2. Ҳозир амалда қўлланилаётган “Электр энергияси сарфини ҳисобга олиш варақаси” бригададаги машиналар, механизмлар, ускуналар ва дастгоҳлар ўртасида тақсимлаш имконини бермайди. Ҳақиқатда сарфланган электр энергияни 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счегага олиб борилади. Сарфланган электр энергия бригададаги механизмлар, бригадада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва маҳсулот таннархига 2010-“Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” счегага олиб бориш учун ушбу ҳисоб варақасининг кўрсаткичларини такомиллаштириш лозим.

Фикримизча, ушбу ҳужжатда ҳар бир машина, механизм ва бошқаларнинг ҳақиқатда ишлаган вақти (соати) ва уларга меъёр бўйича сарфланадиган вақт, ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари ва меъёр бўйича уларга сарфланадиган машина соатлар, маҳсулот ишлаб чиқариш учун жами сарфланган машина соатлар, шунингдек, ҳар бир маҳсулотга тегишли машина-соатлар ва уларнинг салмоғи аниқланади. Кейин эса машина-соатга асосан ҳар бир машинада ишлаб чиқарилган маҳсулотларга тегишли электр энергияси харажати аниқланади. Бу маҳсулотларнинг бригада таннархини аниқлаш имконини беради. Ҳар бир машинада маҳсулот ишлаб чиқарилмаслиги мумкин. Аммо бирорта ёки бир нечта жараён бажарилиши натижасида маҳсулот олиниши мумкин. Бу харажатларда ҳам меъёрий ва ҳақиқатда сарфланган электр энергияси харажатлари аниқланади.

3. Ҳозир амалиётда қўлланилаётган “Сув сарфини ҳисобга олиш варақаси” ва “Буг сарфини ҳисобга олиш варақаси”да меъёрий сув, буг сарфи ва харажатларнинг меъёрий қиймати қўлланилмайди.

Фикримизча, ушбу харажатларга меъёрий кўрсаткичларни киритиш зарур. Бу, ўз навбатида, меъёрий ва ҳақиқий харажатларни таққослаш ҳамда фарқлинишни аниқлаш имкониятини беради.

4. Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда техник назорат ўтказиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки ушбу корхоналарнинг қўлчилиги кредитга ёки лизинг асосида олинган хорижий техника ва технологиялар билан жиҳозланган. Ушбу техника ва технологияларни белгиланган муддатларда техник назоратдан ўтказиш, улардан самарали фойдаланишни таъминлайди. Аммо техник назоратни ўз вақтида ўтказиш ва унда белгиланган ишларни бажариш ҳамда сарфланган харажатларни узлуксиз назорат қилиш лозим. Бунинг учун “Техник назорат ўтказиш кундалигининг” кўрсаткичларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир. Ҳозир ушбу кундалиқда фақат техник назорат ўтказилган сана, бажарилган ишлар ва сарфланган харажатлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Фикримизча, ушбу кундалиқда куйидаги кўрсаткичларни келтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1) бригададаги алоҳида машина, механизм, ускуна ва дастгоҳни техник назорат ўтказиш саналари аниқ белгиланиши;

2) ҳар бир техник назоратда бажариладиган ишлар ва уларга сарфланадиган харажатлар ҳамда техник назоратнинг смета таннархи кўрсатилиши;

3) ҳақиқатда техник назорат ўтказилганда унинг санаси, бажарилган ишлар ва ҳақиқий харажатлар кўрсатилиши лозим.

Натижада смета ва ҳақиқий харажатлар таккосланади. Бунда қуйидагилар аниқланади:

а) техник қаров ўтказиш муддатининг четланиши;

б) сметада кўрсатилган қайси ишлар бажарилмаганлиги;

в) сарфланган ҳақиқий харажатларнинг сметадан четлашиши сабаблари аниқланади.

Бу кўрсаткичлар ўтказилган техник қаровнинг сифатини назорат қилишни таъминлайди.

Тихувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда умумбригада харажатларини ҳисобга олишнинг икки хил варианты қўлланилади.

Биринчи вариантда умумбригада харажатлари 2510 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” сметида ҳисобга олинади ва тақсимланади.

Иккинчи вариантда эса, ушбу харажатлар асосий ишлаб чиқариш харажатлари таркибида ҳисобга олинади. Бригаданинг фақат ишлаб чиқариш харажатлари корхона бўйича ўртача кўрсаткичда режалаштирилади.

Юқорида таъкидланганидек, бригадада бир нечта маҳсулот ёки жараён бажарилиши ва умумбригада харажатлари улар ўртасида тақсимланади. Шу нуктаи назардан, умумбригада харажатларини 2010 – “Асосий ишлаб чиқариш харажатлари” сметида тақсимланадиган харажатлар сифатида ҳисобга олиш ва 2040 “Тақсимланадиган умумбригада харажатлари” скетини очиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу суретда ҳар бир бригаданинг умумбригада харажатлари алоҳида ҳисобга олинади.

Фикримизча, умумбригада харажатларига бригаданинг умумий фаолияти билан боғлиқ барча харажатлар киритилиши лозим. Бу, ўз навбатида, бригадада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннархини аниқлаш имкониятини беради. Бригада таннархини ҳисоблаш бригада фаолиятининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Аммо бугунги кунда таннарх тушунчаси тўғрисида турлича фикрлар ва қарашлар мавжуд.

Жумладан, иқтисодчи олим М.Х. Юсуповнинг фикрича, “Рақобатдаги устунликнинг энг муҳим омили бўлган маҳсулот таннархининг таркиби ва унинг кўрсаткичлари тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлиш корхоналарни жорий вақтда қулай бошқариш билан бирга унинг истиқболдаги тараққиётини белгилашда алоҳида аҳамиятга эгадир. Уларни амалга ошириш бухгалтерия ҳисобининг, энг аввало унинг таркибий қисми ҳисобланган харажатлар ҳисоби ва назоратининг муҳим вазифаси ҳисобланади,”<sup>79</sup> деган фикри ўринлидир.

Фикримизча, ҳозирги кунда ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига катта эътибор қаратилмаётганлиги ҳақида нотўғри фикрга бориш ноўрин деб ҳисоблаймиз,

<sup>79</sup> Юсупов М.Х. Қўрилган материалларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ва назорати. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун бажарилган диссертация автореферати. -Т., 2006. -17 б.

бунга сабаб бугунги бозор шароитида ҳар бир ишлаб чиқарувчи маҳсулот (иш, хизмат)нинг таннархи қанчага тушганлигини тижорат сири сифатида ошқора эгмаслигидир. Чунки таннарх асосан бошқарув ҳисобида ишлатилади ва у батафсил бухгалтерия ҳисоботларида ўз аксини топмайди.

Бу тўғрида профессор А.А. Абдуганиев “Бозор муносабатларига ўтиш даврида олимлар ўртасида маҳсулот таннархини ҳисоблаш керак эмас, деган фикр ҳам мавжуд. Шунингдек, амалиётда ҳам таннарх ўзининг қийматини йўқотмоқда, уни аниқ ва реал ҳисоблашга катта эътибор берилмаётгани йўқ”<sup>80</sup> деб таъкидлайди.

Шу боисдан, бугунги кунда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархи “Харажатлар тўғрисида”ги Низомга мувофиқ шакллантирилади. Ушбу низомга кўра харажатларни иқтисодий элементлари бўйича гуруҳлаш нафақат корхонанинг ҳисобот давридаги фаолиятига баҳо беришда, балки унинг келгусида ривожлантириш учун зарур маълумотлар сифатида фойдаланилади.

Шу нуқтаи назардан, М.Х. Юсуповнинг қуйидаги: “Харажатларни элементлари бўйича гуруҳлаш ишлаб чиқаришга нимадаг сарфланиши ва шу асосда корхонанинг келгусида ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш учун қанча миқдорда сарфлар қилинишини белгилаб беради. Бу соҳадаги режани тузиш учун “Корхона сарф-харажатлари тўғрисидаги ҳисобот”и маълумотларига асосланади. Чунки ушбу ҳисоботда харажатлар элементлари бўйича туркумлари ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобида эса улар калькуляция моддалари бўйича гуруҳланади. Шунинг учун ҳам ушбу ҳисоб-китобларни аниқ амалга ошириш бухгалтерия ҳисобида маълум даражада услубий ўзгаришларни амалга оширишни талаб қилади”<sup>81</sup> деган фикрлари ўринли деб, ҳисоблаймиз.

Фикримизча, умумбригада харажатларини режалаштиришда М.Х. Юсуповнинг ушбу тавсиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

«Ramel tekstil“ МЧЖ ХК ва “SIRKECHI TASHTEKSTIL” ОАЖ ХКда умумбригада харажатлари маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлса-да, уларни маҳсулот таннархига олиб бориш учун ой охирида тақсимлаш талаб қилинади. Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналари фаолиятини ўрганиш умумбригада харажатларининг таркиби қуйидагилардан таркиб топишини кўрсатди:

1. Иш ҳақи (бригадир ва мастер учун).
2. Иш ҳақига нисбатан ажратмалар.
3. Хўжалик инвентарлари ва жиҳозлари.
4. Электр энергия харажатлари.

5. Асбоб-ускуналар амортизацияси ва уларни сақлаш ҳамда фойдаланиш харажатлари.

6. Ёрдамчи ишлаб чиқариш хизмати харажатлари.

7. Бошқа харажатлар.

Иш ҳақи – асосан бригадирга ҳисобланган меҳнат ҳақи бўлиб, ушбу харажатни бевосита маҳсулот таннархига олиб бориш мумкин эмас. Чунки

<sup>80</sup> Абдуганиев А.А. Бошқарув ҳисобини ташкил этиш муаммолари, уларнинг ечимлари. – Т.: ТМИ, 2003. – 94 б.

<sup>81</sup> Юсупов М.Х. Ўша манба.

бригадада бир печта маҳсулот тури ишлаб чиқарилади. Шунинг учун бригадирга ҳисобланган иш ҳақини йиғиб тақсимлаш талаб қилинади. Бундан ташқари иш ҳақи моддасида тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналари бригадаларида умумий ишларни бажарувчи (ишлаб чиқарилган маҳсулотни тагиш билан шуғулланувчи) ишчиларга ҳисобланган иш ҳақи харажатлари ҳам акс эттирилади. Шунингдек, усталар битта бригадага хизмат кўрсатса, уларнинг иш ҳақи ҳам ушбу моддада акс эттирилади.

Иш ҳақига нисбатан ажратмалар бригадир, умумий ишлардаги ишчилар ва мастерларнинг иш ҳақига нисбатан ҳисобланади ҳамда уларни ҳам бевосита таннархга олиб бориб бўлмайди, чунки ушбу харажатлар ҳам тақсимланиши лозим.

Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлар бўйича харажатлар бригаданинг ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланаётган инвентар ҳамда жиҳозларни ҳисобдан ўчириш натижасида вужудга келадиган харажатлардир. Бу харажатларни умумбригада харажатлари таркибида ҳисобга олинишига сабаб, улар ишлаб чиқарилаётган барча маҳсулотларга алоқадордир. Ишчиларга берилган махсус кийим, иш куруллари ва бошқалар қиради.

Асбоб-ускуналарни сақлаш ва улардан фойдаланиш харажатлари бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлсада, уларда бир нечта маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги учун уларни сақлаш талаб қилинади. Асбоб-ускуналар деганда, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарида ўрнатилган титиб-тозалаш, тараш, ленталаш, пиликлаш, йиғириш, ўраш, тўқув, бичув ва тикув ишларини бажарувчи “Трюцшлер”, “Воук”, “Гроссехайнер”, “Лакшми”, “Мурата” маркали машиналар, механизмлар, ускуналар, станоклар тушунилади.

Ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматларидан фойдаланиш харажатларига сув таъминоти, автопарк машина трактор парк, таъмирлаш устахонаси хизматларидан фойдаланиш харажатлари қиради.

Электр энергияси харажатлари бригададаги машиналар ва ускуналарни ишлатиш учун сарфланган энергия қиймати харажатлари бўлиб, уларни ҳам тўғридан-тўғри маҳсулот таннархига олиб бориб бўлмайди. Чунки машина ва ускуналар бир неча маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Шунинг учун уларни йиғиш ва тақсимлаш талаб қилинади.

Ботқа харажатларга юқоридаги харажатларга қирмайдиган умумбригада харажатлари акс эттирилади.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бугунги кунда умумбригада харажатлари алоҳида ҳисобга олинмайди. Ушбу харажатлар тақсимланадиган харажатлар сифатида бир нечта бухгалтерия ҳисоби сўралида ҳисобга олиб борилади.

Масалан, бригадирнинг иш ҳақи, умумий фойдаланишдаги ишчининг иш ҳақи, мастернинг иш ҳақи фақат бригаданинг фаолияти билан боғлиқ бўлса-да, ушбу харажатлар 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари сўраи”да ҳисобга олинимоқда. Ушбу харажатлар маҳсулотлар ўртасида ишчиларнинг иш ҳақига нисбатан тақсимланмоқда. Иш ҳақига нисбатан қилинган ажратмалар, хўжалик

инвентарлари ва жиҳозлари, ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари харажатлари ҳам юқоридагидек ҳисобга олинади ва тақсимланади.

Электр-энергияси ва асбоб-ускуналарни сақлаш харажатлари ва улардан фойдаланиш харажатлари тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда бошқа умумишлаб чиқариш харажатлари сингари 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари счёти”да ҳисобга олинмоқда ва «Ramel tekstil» МЧЖ ХКда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан, «Alkim Tekstil» МЧЖ ХКда сарфланган материал харажатига мутаносиб тақсимланмоқда. Бу, ўз навбатида, қуйидаги салбий ҳолатларни вужудга келтирмоқда:

1. Бригадалар фаолиятига уларнинг айрим кўрсаткичларига асосланган ҳолда баҳо берилмаслиги (маҳсулот ишлаб чиқаришда сарфланган материал харажатлар ва ипчиларнинг иш ҳақларига ҳамда бошқа бевосита харажатларига асосланиб). Бу бевосита харажатлар бригада харажатларининг 60-70 % ни ташкил қилади.

2. Корхонада фойдаланилмаётган ички захираларни аниқлаш имкониятини бермаслигидир.

Фикримизча, умумбригада харажатларини юқорида таклиф этилган етти харажат моддасида гуруҳлаш лозим деб ҳисоблаймиз. Умумбригада харажатларини ой мобайнида дастлабки ҳужжатларга асосан, ой охирида эса “Умумбригада харажатлари ҳисоб карточкасида” ҳисобга олиниши лозим. Ой охирида эса карточкада ҳисобга олинган харажатлар бригадада ишлаб чиқилган маҳсулотлар таннархига тақсимланиши зарур.

Шу боисдан, монографияда тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Ramel tekstil» МЧЖ ХК ва «Alkim Tekstil» МЧЖ ХКда умумбригада харажатлари ҳисобини тўғри ташкил қилишда харажатларни тақсимлашнинг қуйидаги услубини тавсия этамиз:

1) иш ҳақи ва унга нисбатан қилинган ажратмаларни ипчиларнинг иш ҳақига мутаносиб тақсимлаш, чунки бригадир ва мастер асосан ишчиларни бошқаради;

2) хўжалик инвентарлари ва жиҳозларини меъёрларга мутаносиб тақсимлаш. Чунки улардан фойдаланиш муддатлари бор бўлиб, шу даврда ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг қиймати мавжуд;

3) электр-энергияси, асбоб-ускуналарни сақлаш ва фойдаланиш, ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари ҳамда бошқа харажатларни ўрнатилган меъёрларга мутаносиб тақсимлаш лозим. Чунки электр-энергиясидан фойдаланиш меъёрлари бўлиб, бу тўғри тақсимлаш имконини беради.

Монографияда умумбригада харажатларини алоҳида ҳисобга олиш қуйидаги ижобий натижаларни беради деб, ҳисоблаймиз:

1. Бригада таннархини ҳисоблаш имкониятини бериши, натижада уни бошқа бригадалар таннархи билан таққослаш ва фойдаланилмаётган захираларни аниқлаш ҳамда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширди.

2. Бригадалар фаолиятига объектив баҳо бериш имкониятини яратади.

3. Умумбригада харажатларининг аниқ ҳисобга олиниши, назоратнинг қулайлиги уларнинг тўғри тақсимланишига олиб келади.

Шундай қилиб, ҳисобот ойна охирида умумбригада харажатлари бригадала ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (хизмат турлари) ўртасида тўғри тақсимланади. Натижادا бригадада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар таннарининг тўғри аниқланишига олиб келади. Бу кўрсаткич корхона раҳбари ва мутахассислар учун ўта зарур ҳамда аҳамиятли маълумотлар ҳисобланади.

### **3.2. Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари ҳисобини такомиллаштириш**

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини самарали бошқариш, узлуксиз назорат қилиш кўп жиҳатдан умумишлаб чиқариш ҳамда давр харажатлари ҳисобини раҳбар ва мутахассислар учун зарур маълумотлар билан таъминлаш нуқтаи назаридан ташкил қилишни талаб қилади. Бунинг учун ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимига, фаолият турлари ҳамда корхона миқёсида режали амал қилиш, шунингдек, ундан четлангани назорат қилиниши лозим. Аммо, ушбу маълумотларни олиш учун уларни бухгалтерия ҳисоби счетларида тўғри акс эттириш лозим. Бунинг учун уларни ҳисобга олувчи бухгалтерия счетларини тайинлаш ва уларнинг ўзаро боғланишини таъминловчи услубий масалаларнинг ижобий ечимини беришни тақозо этади. Бу жараёни амалга ошириш бирмунча мураккаб бўлиб, бунда жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган бошқарув ҳисобининг харажатларни ҳисобга олиш тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Чунки уларда бошқарув ҳисоби счетлари, хусусан, харажатлар ва уларнинг оғишишини ҳисобга олувчи счетлар корхонанинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда молиявий ҳисоб счетларидан тубдан фарқ қилиши мумкин.

Демак, тадқиқот натижаларига таянган ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини самарали бошқариш учун зарур маълумотларни бухгалтерия ҳисоби счетларида шакллантириш мақсадида харажатлар смети ҳақиқатда ҳамда оғишишларини, шунингдек, уларнинг таркиби тўғрисидаги маълумотларни тўғри акс эттирувчи счетларни белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бу ерда ушбу счетларнинг нафақат бир корхона миқёсида амал қилиши, балки уларнинг маълумотлари, харажатларни узлуксиз назорат қилиш ҳамда самарали бошқариш мақсадида фойдаланишни эътиборга олиш лозим.

Кейинги муҳим масала ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини узлуксиз назоратини таъминлашдир. Бу масаланинг ечимини беришда профессор Б.А.Хасанов куйидаги: "Молиявий бухгалтерияда харажатлар "Харажатлар – маҳсулот ҳажми - фойда" усули билан халқаро стандартларда ўриштирилган тартибда харажатларни меъриий ва ундан оғишлар бўйича ҳисоб юритилади. Бу моделда махсус счет бўлиб, у молиявий ва бошқарув ҳисобини бир-бири билан боғлайди, аммо бу счет бошқарув ҳисобига тааллуқли бўлади"<sup>82</sup> деган фикрни беради. Албатта, ушбу усулда махсус счетлар режасини тузиш ва уни ишлаб чиқиш масаласи кўтарилган.

<sup>82</sup> Хасанов Б.А. Бошқарув ҳисоби: назария ва услубийт. -Т.: Молия, 2003, -26 б.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 9 сентябрда 103-сонли буйруғи билан тасдиқланган ва Аддия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сонли рўйхатдан ўтказилган янги ҳисоблар режаси 21-сонли бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти ишлаб чиқилганлиги, унда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари инobatта олинганлиги ушбу масаланинг кўп жиҳатдан ечимини топанлигини билдиради.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг узлуксиз назоратини таъминлаш масаласида профессор Т.П.Карпова томонидан “бозор шароитида бошқарув ҳисобининг моҳияти, харажатлар ва даромадлар, меъёрлаштириш, режалаштириш, назорат ва таҳлил қилишнинг яқлит ҳолатга келтирилган тизими сифатида таърифлайди, у тезкор бошқарув қарорлари ва корхонанинг келажакдаги тараққиёти муаммоларини мувофиқлаштириш учун ахборотларни тизимлаштирилади”<sup>83</sup> деган фикр билдирилади. Албатта, муаллиф томонидан билдирилган ушбу фикр ўринли деб ҳисоблаймиз.

Фикримизча, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини самарали бошқариш ҳамда назорат қилиш учун қуйидаги тадбирлар амалга оширилиши лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Ишлаб чиқариш харажатларини бюджетлаштириш, режалаштириш ва ҳисобга олиш, тавнарни ҳисоблаш; ҳисобот даврининг даврий харажатларини прогноزلаштириш, режалаштириш, бюджетлаштириш ва ҳисоблаш; инвестицион дастурларга ва капитал қўйилмаларга сарфланадиган харажатларни режалаштириш ҳамда уларни ҳисобга олиш.

2. Харажатларни турли йўналишлар, сегментлар, маҳсулотлар, бўлинмалар, меъёр ҳамда бюджетлардан четлавишини, кўрсаткичларнинг ўзгаришини назорат ва таҳлил этиш.

3. Харажатлар ва фаолият натижаларини турли йўналишлар, бўлинмалар, жавобгарлик ва харажатлар марказлари, шунингдек, бошқалар бўйича режалаштириш, ҳисобга олиш ҳамда таҳлил этиш.

4. Ҳисоб тизимида маълум бир корхонани бошқариш учун бошқарув ҳисоби сегментларини яратиш лозим. Шунинг учун у барча мажбурий меъёрлар ва стандартлар орқали йўналтирилмайди. Бошқарув ҳисоби ҳўжалик фаолиятининг жорий давридаги ривожланишини назорат қилиб қолмай, балки унинг келажакдаги раvнақи учун хизмат қилади. Шундай қилиб, бошқарув ҳисобини ташкилий асосларини яратишда маълум кетма-кетликда иш олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Фикримизча, ушбу кетма-кетликни амалга ошириш ҳўжалик субъектлари бўйича бошқарув ҳисобини ташкил этишда ҳисоб сиёсати тўғрисидаги буйруқ чиқаришдан бошланиши лозим. Кейинги қадам бошқарув ҳисоби бўйича ички ҳисоблар режаси ишлаб чиқиш, шу асосда ҳисобларни юритувчиларни белгилаш зарур. Харажат ва даромадлар бюджетлаштирилиб, ҳўжалик бўлинмалари бўйича харажат ҳамда жавобгарлик марказлари бўйича харажатлар сарфи

<sup>83</sup> Карпова Т.П. Основы управленческого учета: Учебное пособие -М.:ИНФРА-М, 1997. -33 с.



устидан назорат ўрнатилиши лозим. Бунга эса турли хилдаги ортиқча харажатларни амалга оширишга йўл қўймаслик орқали эришилади.

Шунинг учун корхона соҳаларининг ҳар бири фаолиятини самарали бошқариш тадбирларини ва улар билан боғлиқ бўлган харажатларни меъёрий ҳужжатларга (Низомга) асосланган ҳолда тўғри белгилаб олиш зарур. Шу мақсадда, «Ramel tekstil» МЧЖ ХК ва «Alkim Tekstil» МЧЖ ХКда таъминот жараёнини ташкил этиш ва бошқариш харажатлари таркибига қуйидагиларни киритиш лозим деб ҳисоблаймиз:

- меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар;
- ижтимоий сугурта харажатлари;
- транспортнинг бекор туриб қолиши натижасидаги харажатлар;
- шу соҳа учун зарур бўлган бино, хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш, таъмирлаш харажатлари;
- шу фаолият турида фойдаланилаётган асосий воситаларнинг эскириши билан боғлиқ бўлган харажатлар;
- номоддий активларнинг амортизацияси;
- материалларни сақлаш ва сортларга ажратиш харажатлари;
- шартнома тузишдаги харажатлар ва бошқа таъминот-тайёрлов харажатлари.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш харажатлари қуйидагилардан иборат бўлиши ўринлидир:

- ишлаб чиқаришни хўжалик микёсида, бўлинмаларда ташкил этиш ва бошқариш билан шуғулланувчи ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ҳамда ижтимоий сугурта ажратмалари;
- биналар, иншоотлар, ишлаб чиқариш техникалари, жиҳозларнинг эскириш ва таъмирлаш харажатлари;
- кадрларни малақасини ошириш ва тайёрлаш харажатлари ҳамда бошқалар.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи «Ramel tekstil» МЧЖ ХК, «Alkim Tekstil» МЧЖ ХК ва «SIRKECİİŞ TASHTEKSTİL» ОАЖ ХКда сотиш жараёни, яъни ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш ва хизматлар кўрсатиш бўйича бошқариш харажатларига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқдир:

- меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари ва ижтимоий сугурта харажатлари;
- ташиш, юклаш харажатлари;
- транспортни бекор туриб қолиши натижасидаги харажатлар;
- бино, хоналарни ижарага олиш, сақлаш ва тузатиш харажатлари;
- асосий воситаларнинг эскириши;
- номоддий активлар амортизацияси;
- маҳсулотларни сақлаш ва сортларга ажратиш харажатлари;
- трансакцион харажатлар;
- маркетинг харажатлари;

- реклама харажатлари;
- шартнома тузишдаги харажатлар ва бошқа сотиш харажатлари.

Шунингдек, маъмурий-бошқарув фаолияти харажатлари қуйидагиларни:

- умумхўжалик микёсида бошқариш билан шуғулланган ишчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ижтимоий суғурта ажратмалари;

- умумхўжалик микёсидаги асосий воситаларни сақлаш, эскириш, таъмирлаш харажатлари;

- умумхўжалик характеридаги транспорт воситаларига сарфланган ёқилғи мойлаш материаллари харажатлари ва бошқалардир. Юқорида таъкидланган харажатларнинг аксарияти “Харажатлар таркиби тўғрисида”ги Низом<sup>84</sup>да “Давр харажатлари” таркибида ўз ифодасини тулик топган, лекин ушбу харажатларни умумий тартибда юритишга мослаштирилган. Бу албатта, молиявий ҳисоб талабларига мос келади, лекин бошқарув ҳисоби талабларига мос эмас.

Шунинг учун биз уларни фаолият турлари бўйича деталлаштирилган тартибда ҳисобга олишни тавсия қиламиз. Бундан кўзланган мақсад:

- ҳар бир фаолиятни бошқариш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўғри ва тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш;

- шу харажатлар бюджетларини алоҳида тартибда тузиш ва унинг четланишини назорат этиш;

- фаолият турларининг бошқариш харажатларини тўғри амалга оширилиши, уларни самарали ишлатилишини бошқариш ва бошқалардан иборат.

Харажатларни ушбу тартибда туркумлаштириш орқали ташкилий фаолиятнинг бошқариш харажатлари ҳисобини тўғри ташкил этиш ва уни самарали юритишга эришилади.

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатларининг узлуксиз назоратини маълум бир даврга яқунлаш натижавий маълумотлар олишни таъминлайди. Натижавий маълумотлар маълум бир даврга тузилган ҳисоботда ўз аксини топади.

Шу нуқтага назардан ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларининг сарфланиши, уларнинг белгиланган сметадан оғишиши тўғрисидаги ҳисоботни тузиш тавсия қилинади. Ҳисобот барча харажатлар ва уларнинг алоҳида моддалари асосида белгиланган сметадан оғишиши тўғрисидаги маълумотларни ўзида акс эттирган ҳолда тузилиши лозим. Бу ҳисоботни тузиш жараёнида бизнес-режа ва бошқарув ҳисоби учун бир вақтнинг ўзида тавсия қилинган счетлар маълумотларидан фойдаланилади. Ҳисобот тузиш жараёнида хўжаликнинг харажатлар сарфи бўйича ойлик фаолиятини таҳлил қилиш ҳам амалга оширилади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари тўғрисидаги маълумотларни назорат қилувчилар амалда буйруқ асосида белгиланади.

<sup>84</sup> ЎзР ВМ томонидан 54-сонли ҳарори билан тасдиқланган “Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиши тартиби тўғрисида”ги Низом. –Т.: 1999 йил 5 февраль

Фикримизча, корхоналарда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатлари бўйича қуйидаги ҳисобот шаклларини тузиш мақсадга мувофиқдир (3.2.1-жадвалга қаранг).

### 3.2.1-жадвал

#### Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари бўйича корхоналарда тузиладиган ҳисобот шакллари<sup>45</sup>

№	Ҳисоботнинг номи	Ҳисобот объекти	Ҳисобот тузувчи	Ҳисоботни тасдиқловчи	Топширилиши
1.	Таъминот жараёни бўйича ҳисобот	Корхона бўйича	Маркетинг бўлими	Корхона директори	Ҳар ойнинг 1-кунига
2.	Умумбригада харажатлари тўғрисида ҳисобот	Бригадалар бўйича	Бригада бошлиғи	Цех бошлиғи	Ҳар ойнинг 1-қўлига
3.	Умумцеҳ харажатлари бўйича ҳисобот	Цехлар бўйича	Цех бошляғи	Корхона директори	Ҳар ойнинг 1-қўлига
4.	Савдо харажатлари бўйича ҳисобот	Корхона бўйича	Савдо бўйича директор ўринбосари	Корхона директори	Ҳар ойнинг 3-қўлига
5.	Маъмурий харажатлар бўйича ҳисобот	Корхона бўйича	Маъмурий хўжалик ишлари бўйича директор ўринбосари	Корхона директори	Ҳар ойнинг 3-қўлига
6.	Бошқа операцион харажатлар бўйича ҳисобот	Корхона бўйича	Иқтисод бўйича директор ўринбосари	Корхона директори	Ҳар ойнинг 3-қўлига

Монографияда тавсия этилаётган ҳисобот шаклларини тузиш жараёнида унинг ҳар бир моддаси назорат қилинади ва натижада ҳисобот кўрсаткичлари бўйича тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинади. Ушбу ҳисобот ва унинг кўрсаткичлари ҳар бир бўлинманинг ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини назорат қилиши учун зарур маълумотлар билан таъминланишига ёрдам беради. Ушбу талабни эътиборга олган ҳолда жадвалда келтирилган ҳисобот шакллари мустақил ишлаб чиқилади.

Фикримизча, ҳисоботларда келтириладиган харажатларни режалаштириш учун уларнинг таркибини тўғри белгилаш лозим. Бунинг учун хўжалик юритувчи субъектнинг барча фаолият даражасида ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини алоҳида ҳисобга олиш ҳамда харажат объектига тақсимлаш зарур.

Шу билан биргаликда энг асосий омил сифатида бухгалтерия ҳисоби олдида корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг зарур маълумотларни шакллантириш бўйича талабларини келтириш ўринли бўлади. Чунки рақобатга асосланган иқтисодиётда муваффақиятга эришишнинг асосий омилларидан бири, бу корхона фаолияти тўғрисидаги ҳақиқий маълумотлардир.

<sup>45</sup> Муваффиқ томонидан тавсия этилган намунавий шакл.

Ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ҳамда маҳсулот таннархиянинг қайси усули бўлишидан катъи назар ишлаб чиқаришга мансуб асосий воситалар, усқуналар, жиҳозлар ва инвентарларни сақлаш, ишлатиш харажатлари маҳсулот, иш ва хизматлар таннархига олиб боришда у ёки бу усулга асосан тақсимлаш амалга оширилади.

Аммо, тақсимлаш усуллари уларни объектив ва аниқ амалга оширишни таъминламас экан, ишлаб чиқариш харажатлари ҳисоби ҳамда маҳсулот таннархияни аниқлаш усуллари ўзининг бошқарув қарорларига таъсирчанлигини йўқотади. Чунки у ёки бу усулни асоссиз қўллаш маҳсулот таннархиянинг ўсиши ёки пасайишига олиб келади. Натижада бир маҳсулот даромадли, иккинчиси эса даромадсиз бўлиб қолаверади.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатлари таркибидаги салмоғи жиҳатидан юқори ҳамда таркиби жиҳатидан мураккаб бўлган харажатлар – машина ва усқуналарни сақлаш, шунингдек, ишлатиш харажатлари бўлиб, бу харажатлар юқорида таъкидланганидек булунги кунда 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётида ҳисобга олинади. Ваҳоланки, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “SIRKECHI TASHTEKSTIL” ОАЖ ХК асосий воситалари таркибини қуйидаги жадвалдан кўришимиз мумкин (3.2.2-жадвалга қаранг).

3.2.2-жадвал

**“SIRKECHI TASHTEKSTIL” ОАЖ ХК асосий воситалари таркиби**

миляг сўмда

№	Асосий воситалар тури	Баланс қиймати	Улуғи %%
1.	Бино ва иншоотлар	1.724.073,0	21,5
2.	Машина ва асбоб-усқуналар	6.105.618,4	76,2
3.	Мебель ва офис жиҳозлари	21.117,9	0,3
4.	Транспорт воситалари	139.324,7	1,7
5.	Компьютер ва ҳисоблаш машиналари	10.345,5	0,1
6.	Бошка асосий воситалар	14.051,6	0,2
Жами		8.014.531,1	100

3.2.2-жадвал маълумотларига кўра, корхонада машина ва асбоб-усқуналарнинг баланс қиймати жами асосий воситалар қийматида 76,2 фоизни ташкил этади. Уларнинг амортизация харажатлари ҳамда сақлаш ва ишлатиш харажатлари шунга нисбатан катта суммани ташкил этиши муқаррардир. Бу эса, 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” счётида ҳисоб юритишнинг мураккаблашишига ва тақсимланиши керак бўлган харажат турларини кўпайишига олиб келади.

Саноат корхоналарида машина ва асбоб-усқуналарни сақлаш, уларни эксплуатация қилиш жараёнида харажатлар ҳисобини ташкил қилишга алоҳида аҳамият берилган. Ўтган асрнинг 90-йилларига қадар нашр қилинган кўпгина илмий асарлар ва ўқув-услубий ишланмаларда алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, республикамиз иктисодчи олимлари С. Қодяронов, М. Умарова, А. Жумановларнинг дарслик ва ўқув қўлланмалари ҳамда илмий асарларида бу

масалаларга харажатлар хисобининг таркибий ва ўта мураккаб кисми сифатида каралган.

Шунингдек, ўтган асрнинг 90-йилларигача ёзилган рус тилидаги илмий-иқтисодий адабиётларда машина ва асбоб-ускуналарни сақлаш, эксплуатация қилиш харажатлари хисоби ҳамда уларнинг тақсимланишига алоҳида аҳамият берилган.

Шунингдек, П. Безруких, В.Б. Ивашкевич, А.Н. Кашаев, П.П. Новиченко, В.Е.Ластовецкий, В.Ф.Палий каби йирик иқтисодчи олимлар ўзларининг дарслик, ўқув қўлланмалари, монографиялари ҳамда илмий мақолаларида бу масалаларга батафсил тўхталиб, ўзларининг фикр ва мулоҳазаларини баён этганлар.

Масалан, Б.Хасанов ўзининг “Бошқарув хисоби: назария ва услубиёт” номли монографиясида “Бозор муносабатлари шароитида корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш ва хизматлар)нинг турлари ўртасида билвосита харажатларни тақсимлаш масаласи ниҳоятда долзарб бўлиб турибди, улар одатда, аввал фаолият турлари (йўналишлари) бўйича, кейин эса (фаолиятнинг ҳар бир тури ичида) ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари бўйича тақсимланади”<sup>86</sup> деган фикрни илгари сурган.

Шунингдек, “ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш ва уни бошқариш харажатлари уч қисмдан иборат:

- 1) машина ва асбоб-ускуналарни асраш ва ишлатиш харажатлари;
- 2) умумишлаб чиқариш харажатлари;
- 3) давр харажатлари”<sup>87</sup> дан иборатлигини таъкидлайди.

Фикримизча, машина ва ускуналарни сақлаш ҳамда ишлатиш харажатларини 2510 -“Умумишлаб чиқариш харажатлари” сечтидан чиқариб, сечтлар режасида бўш турган 2400-“Машина ва ускуналарни сақлаш ҳамда ишлатиш харажатларини хисобга олувчи сечт” таркибида иккинчи тартибли сечтларда юритишни таклиф қиламиз:

2410- “Машина ва ускуналарни ишлатиш харажатлари”;

2420-“Машина ва ускуналарни капитал таъмирлаш харажатлари”;

2430-“Машина ва ускуналарни жорий таъмирлаш харажатлари”.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда корхонанинг ишлаб чиқариш технологиясининг хусусиятларини хисобга олган ҳолда машина ва ускуналарни сақлаш ҳамда ишлатиш харажатларини харажат объектига тақсимлашда корхонанинг хисоб сисеатида битта усулни эмас, балки бир нечта усулни расмийлаштириш лозим. Чунки бу чора кейинги ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ва кўрсатилаётган хизматларга объектив тақсимлашда шундай ёндашиш лозим деб хисоблаймиз. Масалан, “SIRKECHI TASHTEKSTIL” ОАЖ ХКда йигирув, тўқув цехида ишлаб чиқарилган калава ип ва хом матолар таннархига замонавий хорижий технологияларни сақлаш ва ишлатиш харажатларини уларнинг ишлаган машина-соатларига, пардозлаш цехида эса, ишлаб чиқарилган турли артикулли газламаларга метёрий ставкаларга мутаносиб тақсимлаш максадга мувофиқ бўлса, анча ишлатилган

<sup>86</sup> Хасанов Б.А. Бошқарув хисоби: назария ва услубиёт. - Т.: Молия, 2002. –124 б.

<sup>87</sup> Хасанов Б.А. Ўша манба.

машина ва ускуналарни сақлаш ҳамда ишлатиш харажатларини барча тўғри харажатларга нисбатан тақсимлаш тақсимотнинг объективлигига таъминлаш мумкин.

Ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва бошқариш харажатларини самарали бошқариш ҳамда назорат қилишда умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки 21-БҲМСга мувофиқ 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” сче­тида ҳисобга олин­адиган харажатлар таркиби жиҳатидан мураккаб бўлиб, уларни ҳисобга олишнинг аналитик ҳисобини тап­кил қилиш энг аввало корхонанинг раҳбар ва мутахассисларини зарур маълумотлар билан таъминлаш масаласи ҳал қилинганлиги таъминланади.

Корхонанинг умум­цех харажатлари тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарида ишлаб чиқилган ишчи сче­тлар режаси (21-БҲМС асосида)да 2510-2590 “Умумишлаб чиқариш харажатлари” сче­тларида ҳисобга олинади.

Фикримизча, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда барча ишлаб чиқариш бўлимлари умумишлаб чиқариш харажатларини технологик жараёнлар бўйича алоҳида ҳисобини юритиш мақса­дида 21-БҲМСга асосан ишчи сче­тлар режасида 2500-“Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи сче­ти” таркибида қуйидаги иккинчи тартибли сче­тларни очиш мақсадга мувофиқдир:

2510 – Умумишлаб чиқариш харажатлари;

2520 – Йигирув цехи умумишлаб чиқариш харажатлари;

2530 – Тўқув цехи умумишлаб чиқариш харажатлари.

2540- Пардозлаш цехи умумишлаб чиқариш харажатлари.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда умум­цех харажатларининг таркиби қуйидаги харажатлардан ташкил топиши зарур:

1. Иш ҳақи (цех бошлиғи ва умум­цех ходимларининг иш ҳақи).

2. Иш ҳақи­га нисбатан қилинадиган ажратмалар.

3. Цех бинолари амортизацияси.

4. Хўжалик жиҳозлари ва инвентарлари.

5. Материаллар сарфи.

6. Сугурта харажатлари.

7. Цех биноларини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатлари.

8. Умум­цех машиналари, ускуналари ва боп­қалар бўйича ижара тўлов­лари.

9. Бошқа харажатлар.

Ҳозир амалиётда “Ўзбекентил­саноат” ДАК томонидан ишлаб чиқарилган ҳисоб сис­те­сида умум­цех харажатларини тақсимлашнинг қуйидаги усуллари тавсия этилган:

1. 2000-“Асосий ишлаб чиқариш” ва 2300-“Ёрдамчи ишлаб чиқариш” сче­тига, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тўғри харажатларга асосан тақсимлаш.

2. Материал сарфига нисбатан тақсимлаш.

### 3. Иш ҳақига мутаносиб тақсимлаш.

Фикримизча, бу усулларда қуйидаги камчиликлар мавжуд деб ҳисоблаймиз:

1. 1-усулда барча тўғри харажатларни тақсимлаш базаси сифатида олиниши умумишлаб чиқариш харажатлари таркибидаги харажат моддалари хусусиятларига мос келмаслигини кўришимиз мумкин.

2. Материал сарфи асосий харажат сифатида умумцех харажатларининг тақсимланишига жиддий таъсир кўрсатади, бунда материал сизими катта бўлган маҳсулотга умумцех харажатларининг катта қисми ўтказилганлиги тақсимлашнинг нообъектив бўлишига олиб келади.

3. Фақат иш ҳақига мутаносиб тақсимлаш ҳам реал эмас. Чунки умумцех раҳбарияти нафақат ишчилар, балки ишлаб чиқариш жараёни билан узвий боғланган.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш мақсадида, тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ишлаб чиқариш технологик жараёнлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумцех харажат моддаларини алоҳида тақсимлаш усулларини тавсия этамиз:

1) иш ҳақи ва унга нисбатан қилинадиган ажратмаларни асосий ишчиларнинг иш ҳақига мутаносиблиги;

2) цех биноларини иситиш, ёритиш ва сақлаш харажатларини уларнинг умумий майдонига нисбатан;

3) цех бинолари амортизацияси, сугурта харажатлари ҳамда умумцех машина ва ускуналари бўйича ижара тўловларини уларнинг баланс қийматига нисбатан;

4) хўжалик жиҳозлари ва инвентарлари ҳамда материаллар сарфини белгиланган меъёрларга нисбатан тақсимлаш.

Юқорида келтирилган усуллар харажат моддаларининг хусусиятларига мос асос бўлиб, маҳсулот таннархида ҳар бир харажат улушини алоҳида кўришимиз мумкин.

Фикримизча, ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш харажатларининг ўрта бўғин объекти ҳисобланган таъминот жараёни харажатлари қуйидаги харажат моддаларида ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир:

1. Моддий-техника таъминоти ходимлари иш ҳақи ва унга нисбатан ажратмалар.

2. Маркетинг, ишлаб чиқариш захираларини тайёрлаш ва харид қилиш харажатлари.

3. Ишлаб чиқариш захираларини сақлаш харажатлари.

4. Асосий воситалар амортизацияси ва таъмирлаш харажатлари.

5. Материал ва электр-энергия харажатлари.

6. Ёрдамчи ишлаб чиқариш хизматлари харажатлари.

7. Бошқа харажатлар.

Тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ташкилий-технологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, харажатлар таркиби ўзгариши мумкин.

Монографияда тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда таъминот жараёнидаги харажатларнинг ҳисобини тўғри ташкил қилиш мақсадида 1500-“Материалларни тайёрлаш ва сотиб олиш смети” номини 1500-“Таъминот жараёнини ташкил этиш ва бошқариш харажатлари смети” деб ўзгартиришни ҳамда унинг таркибда қуйидаги аналитик счетларни очишни тавсия қиламиз.

1510-“Таъминот жараёнини ташкил этиш ва бошқариш харажатлари”;

1511-“Асосий воситалар ва бошқа узок муддатли активлар таъминотидаги харажатлар”;

1512-“Материаллар таъминотидаги харажатлар”;

1513-“Бошқа моддий қийматликлар таъминотидаги харажатлар”.

Таъминот жараёнидаги харажатларни бундай алоҳида аналитик счетларга ажратишдан кўзланган мақсад харажатларнинг тўғри тақсимланишини таъминлашдир.

Таъминот жараёнидаги харажатларнинг ҳисоби 2510-“Умумишлаб чиқариш харажатлари” сметида юритилганда, уларнинг тақсимланиши ой мобайнида олиб келинган ишлаб чиқариш захираларининг қийматиға мутаносиб амалга оширилар ва бунинг натижасида умумишлаб чиқариш харажатларини асоссиз равишда қиммат турадиган моддий қийматликларға олиб борилар эди. Алоҳида гуруҳлар бўйича таъминот жараёни харажатларини ҳисобға олиниши моддий қийматликлар нархларидаги ўзгаришлар таъсирини қамайтириши ва уларнинг объектив тақсимланишини таъминлайди.

Таъминот жараёнини ташкил этиш ва бошқариш харажатларини келиб тушган моддий захиралар ўртасида қуйидаги йўл билан тақсимлашни тавсия этамиз:

Таъминот жараёнини ташкил этиш ва бошқариш харажатларининг суммаси алоҳида йиғилади ва товар-моддий захираларнинг тегишли турлари ўртасида тақсимланади. Алоҳида йиғиладиган ушбу харажатлар корхонанинг ҳисоб сибсатида белгиланган даврга боғлиқ ҳолда давр охиридаги товар-моддий захиралар қолдиғи суммаси ва ушбу даврда ишлатилган товар-моддий захиралар суммаси ўртасида тақсимланади.

